



f /uzbunyodkori  
t.me/uzbunyodkor  
uzbunyodkori.uz

# О‘ЗБЕКИСТОН BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА



БУГУНГИ КУНДА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ДОИРАСИДА БАРЧА ИСЛОХОТЛАРИМИЗ МАРКАЗИГА ИНСОН ҚАДРИ, УНИНГ ҲАЁТИЙ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОШ МАҚСАД ҚИЛИБ ҚЎЙИЛАЁТГАНИ ЯХШИ МАЪЛУМ. АНА ШУНДАЙ УЛУҒВОР ВАЗИФАНИ АМАЛГА ОШИРИШДА БОШҚА СОҲАЛАР ҚАТОРИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ, УНИНГ УЛКАН ИМКОНИАТЛАРИ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ АҲАМИЯТГА ЭГА”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти.



Иқбол МИРЗО,  
Ўзбекистон халқ шоири.

## ҚУРАЖАКМИЗ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ!



Турон кенгликлари – Ҳоқонияда  
Маънавий тоғлар бор – тошбитик номи.  
Чиндан Булғор қадар, ердан кўк қадар  
Қанот ёйган қадим ўзбек каломи.

Ипак йўли шундан ўтган сирғалиб,  
Қитъалар боғланган шоҳи арқоқда.  
Самарқанд қоғози тиллоларга тенг,  
Самарқандий китоб асру ардоқда.

Инсон саналарму иймонсиз одам,  
Мўмин аталурму кўрсавод жоҳил?  
Бухорий, Термизий рисолатидан  
Ҳақиқат йўлига халқ бўлди доҳил.

Бармоқ қўйиб дунё жон томирига  
Ан-нафс дардин топар бобомиз Сино.  
Маъдан таркибини ўрганар синчков  
Ўн аср нарида Беруний даҳо!

Қайда илм бўлса, шунда аждодим,  
Хоразмий, Фарғоний – пири муршиддир.  
Илм – рўзигорим, фунун – ҳаётим,  
Дорулфунунларим байти хуршиддир.

Мана, Жалолиддин, мана, Темурбек,  
Озодлик тимсоли, эркин руҳ рамзи.  
Қанча мазлумларга ато этган эрк,  
Адолат, ҳақиқат, шон, шуқуҳ рамзи.

Қай бармоғим тишлай? Оғрийди бари,  
Тарих зиддияти зеҳнимда қийноқ.  
Шайбоний ҳам бобом, Бобур ҳам бобом,  
Ҳайҳот! Бир заминга сиемас икки шоҳ!

Олим бўлсанг, олам сеники, дерлар,  
Маърифатсиз хонлар золим бўлдилар.  
Билга ҳоқон бўлди элтузар эрлар,  
Султон Улугбеклар олим бўлдилар.

Бунёдкор элдир бу қадимдан қадим,  
Кирпич пиширади қўли қолса бўш.  
Хорманг, болаларим, чарчаманг, дея  
Регистон оралаб келар Ялангтўш.

Юртдошим, сайр этма, зиёрат қилгин  
Муқаддас Адиблар хиёбонини.  
Фидойи оталар гуллатар шаксиз  
Қовжираган кўнғил биёбонини.


Янги мактаб, янги таълим деб ёнган  
Жадид ойдинларнинг руҳини ёд эт.  
Нажот бирликда деб қатъий инонган  
Миллатпарварларнинг руҳини шод эт!

Ягона давлатмиз, даҳлсиз мутлоқ,  
Турли миллатлардан тузалган бўстон.  
Ўзугимга кўзсан – дур, қорақалпоқ,  
Сен билан тўқисдир жон Ўзбекистон.

Ўқ илди биттадир, томир чатишган,  
Эт ила тирноқмиз, бир вужуд, бир тан.  
Юракда ягона юрт ишқи жўшган.  
Бизники шу кўҳна, навқирон Ватан!

Юртдошим, енг шимар, белни боғлагин,  
Юксалиш даври бу, берма имконни.  
Муносиб бўл! Кураш! Ўзни чоғлагин!  
Қуражакмиз янги Ўзбекистонни!

\*Мазкур баддия "O'zbekiston bunyodkori" газетаси учун махсус ёзилган.





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ  
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

Янги Ўзбекистонни янгиланишига  
ҳисса қўшаётган қаҳрамон  
бунёдкорлар, маҳоратли  
лойиҳачилар, муҳандис-меъморлар!  
Сизларни бугунги касб байрамингиз –

## ҚУРИЛИШ СОҶАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан табриклаймиз.



Машаққатли, аммо шарафли касбингиз  
туфайли эл корига ярашдек муҳим вазифани  
бажариб келмоқдасиз.

Бу йўлда сизга ҳамisha омад ёр бўлсин.



100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.



info@mc.uz



mc.uz



71 210 11 04  
1298

# “ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА” МЧЖ

## ҳудудлар қиёфасини янгилашда давом этмоқда



Бугун юртимизнинг энг олис вилоятидаги қишлоқларга борган киши замонавий руҳда қад ростлаган шинам уй-жойлар, маҳалла марказлари, поликлиника, мактаб ва боғчаларга кўзи тушиши табиий ҳол. Мукамал лойиҳалар асосида барпо этилаётган бу иморатлар нафақат ҳудудлар кўркига кўрк қўшиб, аҳолига қулайлик яратмоқда, балки азалдан шаклланиб келган эски қараш – шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни барҳам топтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Бу каби муҳим аҳамиятга эга лойиҳаларни яратишда бугунги кунда юртимизда ўз нуфузига эга ташкилот – “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Бош лойиҳа-қидирув институтининг ҳиссаси катта эканини таъкидласак, арзийди.

Бош лойиҳа институти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1049-сонли қарорига мувофиқ, яъни 1949 йил ташкил этилган “Ўзқишлоқлойиҳа” ва 1971 йилда ташкил этилган “Ўзмеъморқурилишлойиҳа” институтлари негизида янгидан ташкил этилган. Бугунги кунда ушбу институтларнинг вориси сифатида фаолият кўрсатиб келаётган “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институти юқоридаги муассасаларда узоқ йиллардан бери хизмат қилаётган бой тажрибага эга мутахассислардан иборат жамоадир.

Куйида институт мутахассислари томонидан яратилган янги лойиҳалар билан танишасиз.

### Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги “Бўстон” МФЙ ҳудудида жойлашган Гулистон давлат педагогика институтининг ўқув биноси қурилиши



1000 ўринли ушбу ўқув биноси ертўла қисми билан ҳисоблаганда 7 қаватдан иборат, талабаларнинг билим олиши учун мўлжалланган ушбу бино ҳар томонлама қулай ва замонавий типда лойиҳаланган. Бинода ўқув хоналари, ўқитувчилар хонаси, кафедралар учун хоналар, фан кабинетлари, компьютер хоналари мавжуд. Бинони лойиҳалашда хоналарга ташқаридан ёруғлик қулай тарзда тушиши ҳисобга олинган. Ўқув хоналари ёруғ, шинам ва кенг бўлиб, 15, 30, 80, 100 талаба сиғимига мўлжалланган.

Бино рама каркас типда бўлиб, ташқи деворлари 200 мм қалинликдаги газоблок билан тўлдирилган. Иссиқлик ҳимоя қатлами сифатида шиша толали базальт минерал плиталаридан фойдаланилган. Ички деворларга 100-150 мм қалинликдаги газоблок қабул қилинган. Фасад қисми эса декоратив травертин сувоғи билан қопланиши кўзда тутилган. Бино қурилишида ясси том конструкциясидан фойдаланилган. Бунда том қисмига ўрнатилган қуёш панеллари ва қуёш коллекторларини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш таъминланган ҳамда ёғингарчилик туфайли томга тушадиган сув махсус ўрнатилган “воронка”лар орқали бино ичидан ташқарига чиқиб кетишига мўлжалланган.

#### Бинонинг техник кўрсаткичлари:

умумий қурилиш майдони – 1110,28 м<sup>2</sup>;  
бинонинг умумий майдони – 7788,37 м<sup>2</sup>;  
умумий қурилиш ҳажми – 29705,10 м<sup>3</sup>.

### Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳридаги Тиббиёт кластери лойиҳаси



Ушбу бино 4 та блокдан иборат бўлиб, ҳар бир бино 5 қаватдан лойиҳаланган.

1-блок биринчи қаватининг баландлиги 3,6 метр, қолган қаватлари 3,3 метр. Ушбу блокнинг 1-қаватида 25 ўринли нейрохирургия, 2-қаватида абдоминал жарроҳлик, 3-қаватида юрак-қонтомир жарроҳлиги, 4-қаватида гинекология, 5-қаватида реанимация бўлимлари жойлашган. Бинода шифокорлар, катта ҳамшира, ходимлар, муолажа ва боғлаш хоналари, буфет, ошхона кабилар мавжуд. Бўлим 1 кишилик люкс, 1 кишилик, 2 кишилик интенсив терапия, 2 кишилик, 3 кишилик палаталардан иборат. Блокнинг ҳар бир қаватида икки томондан бошқа қаватлар билан боғловчи ва эвакуация зинапоя катаги мавжуд. Ички ва ташқи пардозлаш ишларида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган замонавий пардозлаш материалларидан фойдаланилган.

Тиббиёт кластери биносининг 2-блок тархида ўқ ўлчамлари 14,40x22,40 метр бўлиб, корпус тўғри тўртбурчак шаклда. Витражлар деворда кетма-кет бир чизикда қўйиб чиқилган. Бу блокда даволаш бўлими жойлашган. 2-блокнинг 1-қаватида вестибюль бўлиб, бу блок орқали ҳамма даволаш бўлимларига ўтилади. Иккита лифт ва зинапоя ҳам бор. 1-қаватда қабулхона, қорувулхона ва монитор орқали кузатув хоналари лойиҳаланган. Қолган қаватларда, яъни 2-қаватдан 5-қаватгача вестибюлда ўқув хоналар, кафедралар, кутубхона ва кросс хоналари мавжуд.

3-блок тархида ўқ ўлчамлари 16,80x44,80 метр бўлиб, корпус тўғри тўртбурчак шаклда эга. Деразалар деворда кетма-кет бир чизикда қўйиб чиқилган. Бу блокда даволаш бўлими жойлашган. Блокнинг 1-қаватида 25 ўринли травматология, 2-қаватида абдоминал жарроҳлик, 3-қаватида тарокал томир жарроҳлиги, 4-қаватида урология, 5-қаватида операция бўлимлари мавжуд.

Кластернинг 4-блок биносининг тархида ўқ ўлчамлари 16,80x56,80 метр бўлиб, корпус тўғри тўртбурчак шаклда лойиҳаланган. Ушбу корпус 3 қаватдан иборат бўлиб, қаватнинг баландлиги 3,3 метр. Блокнинг 1-қаватида лаборатория, 2-қаватида эпидемиолог, психолог, хирург, ЛОР, профпатолог, уролог, гинеколог, травматолог, ҳамшира ва кўрик хоналари жойлашган. 3-қаватда 130 ўринли мажлислар зали, стоматолог, ВОП, эндокринолог, невропатолог, ЭХО, аллерголог, эмлаш, педиатр, ЭХОКГ, доплер, гематолог, ходимлар ва бошқа хоналар жойлашган. Блок ўтиш йўлаги орқали бошқа блокларга боғланади.

## Ёшлар ижод маркази биносининг намунавий лойиҳаси



Ёшлар ижод маркази биноси республикамизнинг барча ҳудудларида барпо этилиши мўлжалланган намунавий лойиҳа ҳисобланади. Ушбу иншоот келгусида юртимиз ёшларини бир мақсад сари бирлаштирувчи марказ бўлади.

Бино икки қаватдан иборат бўлиб, унинг 1-қаватида ёшларнинг иқтидорини юзага чиқариши ва билим олиши учун мўлжалланган умумий зал, буфет, ошхона, ювенил хонаси, раҳбар хонаси каби лойиҳаланган. Муҳим жиҳати, бинода имконияти чекланган ёшларнинг ҳам бемалол билим олиши учун қулай шароит яратилган. Бинода бир пайтнинг ўзиде 100 дан ортиқ одам сиғиши мўлжалланган.

2-қаватда турли учрашувлар, тақдирот ва мастер класслар ўтаказишга мўлжалланган алоҳида хоналар ва махсус кутубхоналар ташкил қилинган. Бинода интернет, вай-фай каби коммуникация тизимлари яхши йўлга қўйилган. Замонавий типда барпо этилган бинода ўқувчи ёшларнинг бемалол билим олиши учун инсация (ёруғлик) тизими қўлланилган. Дераза ойналари ҳам катта витражли бўлиб, ёруғликни яхши ўтказиши ва ташқи шовқиндан ҳимоялайди. Ташқи деворлар сендвич панелдан қилинган бўлиб, ёзда салқин, қишда иссиқ ҳароратни ушлаб туради. Бинода қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланилган.

## Жиззах шаҳрининг “Сангзор” МФЙ ҳудудида янги 600 ўринли талабалар турар жойи биносининг қурилиши лойиҳаси



Жиззах давлат педагогика университетида таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган турар жой 7 қаватдан иборат бўлиб, бино лойиҳасида қайта тикланувчи электр манбаларидан самарали фойдаланилган. Бино қурилишида қўлланиладиган қурилиш материаллари ҳам энергиятежамкор маҳсулотлар ҳисобланади. Бино томида қуёш панеллари ўрнатилиб, бунда биного кетадиган электр энергиясининг 25-30 фоизи панеллардан таъминланади. Шунингдек, бинони ёритиш, сув иситиш учун ҳам қуёш панелларидан фойдаланилади. Умум-фойдаланиш жойларидаги чироқлар ҳаракат даччиклари орқали ёнади, бу орқали анча электр токи тежаб қолинади.

Яна бир жиҳати, талабалар турар жойида фарзандини кўришга келган ота-оналар бир-икки кун яшаб туриши учун махсус хоналар лойиҳаланган. Ҳар бир қаватда 3 ва 4 ўринли ётоқхоналар, душхона, ҳожатхона, ошхоналар мавжуд. Шунингдек, талабаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун мўлжалланган маънавият хоналари ҳам бор.

## Наманган шаҳридаги Исҳоқхон Ибрат номидаги Наманган давлат чет тиллари институтининг 1000 ўринли ўқув биноси қурилишининг бош режа лойиҳаси



1000 ўринли ўқув биноси умумий комплекс тарзида қурилади. Унинг таркибида талабалар учун керакли барча бино-иншоотлар мавжуд бўлади. Ўқув хоналари, ётоқхона, ошхона, спорт заллари, кутубхона каби лойиҳаланган.

Ушбу ўқув биносида бир сменада 1000 нафар талаба таълим олиши учун имконият яратилган. Ўқув биноси деворлари газоблокдан, ташқи тарафидан базальт қопламали минерал плита билан қопланиб, бино томида қуёш панеллари ўрнатишга мўлжалланган. Бунда биного кетадиган электр энергиясининг 25-30 фоизи панеллардан таъминланади.

Бугунги кунда объектда қурилиш ишлари жадаллик билан давом этмоқда. Бино 2024 йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.

## Кўзи ожизлар жамиятининг Янгийўл асаб-юрак касалликлари сиҳатгоҳи бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш лойиҳаси



Бинода 5 қаватли соғломлаштириш маркази, 2 қаватли клиника, меҳмонхона, 150 ўринли амфитеатр, ёпиқ бассейн каби лойиҳаланган. Ушбу сиҳатгоҳ 200 ўринли бўлиб, асаб касалликларини даволашга мўлжалланган. Бу ердан минерал сув чиқади. Шунингдек, дам олиш учун айвончалар ҳам қилинган.

Сиҳатгоҳ бир неча ҳудудларга ажратилиб, унинг орқа томонида боғ ҳам яратилган.

Аҳамиятли томони, сиҳатгоҳ асосан кўзи ожиз инсонларга мўлжаллангани учун “ақлли уй” типда қурилган. Бу ерда кўзи ожиз инсонлар бемалол ҳаракатлана олиши мумкин. Ҳамма нарса автоматик равишда амалга оширилиб, овозли бошқариш тизими йўлга қўйилган.

Худуд баланси:

умумий худуд майдони – 103 000 м<sup>2</sup>;

бино ва иншоотлар майдони – 3 507,0 м<sup>2</sup>;

йўл ва йўлаклар – 36 800 м<sup>2</sup>;

қўқаламзорлаштириш ҳудуди – 62 553 м<sup>2</sup>;

бошқа ерлар – 140 м<sup>2</sup>.

## Қарши шаҳридаги “Чаман” МФЙ ҳудудида қурилиши режалаштирилган “Янги Ўзбекистон” массиви лойиҳаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 13 апрелдаги “2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-51-сонли Фармони билан тасдиқланган дастур асосида 2023 йилда ҳам “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилмоқда.

Улардан бири Қарши шаҳрининг “Чаман” МФЙ ҳудудида қуриладиган “Янги Ўзбекистон” массивидир.

“Янги Ўзбекистон” массивининг 1-2-босқичида 10 қаватли 1-қавати савдо ва кўнгилочар марказлари бўлган 126 ва 108 хонадонли турар жой бинолари, 9 қаватли 1-қавати савдо ва кўнгилочар марказлари бўладиган 108, 72, 56, 64, 36 ва 32 хонадонли турар жой бинолари қурилиши режалаштирилган. Кейинги босқичда 9 қаватли 32 хонадонли, 12 қаватли 48 ва 72 хонадонли ҳамда 16 қаватли турар жойлар барпо этилади.

Шунингдек, массивда ҳудудида 1650 ўринли умумтаълим мактаби, 420 ва 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 100 қатновли оилавий поликлиника, маҳалла маркази ва тадбиркорлик биноси, мавжуд намунавий лойиҳа асосида қурилган хизмат уйи, автокемпинг, болалар “Vorkaut” майдончаси, кириш аркаси, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохбаси каби иншоотлар лойиҳаланган.

Худуд баланси:

лоийҳаланаётган ҳудуднинг умумий ер майдони – 26,6 га;

яшаш ҳудуди жами – 6,1 га;

шу жумладан:

кўп қаватли турар жой бинолари – 4,1 га;

болалар майдончаси – 2,0 га;

мактабгача таълим муассасаси ҳудуди – 1,5 га;

мактаб ҳудуди – 1,0 га;

жамоат ва ижтимоий объектлар – 0,34 га;



йўллар ва кўчалар – 6,98 га;

ёмғир сувларини чиқариш тизими – 0,45 га;

кўкаламзор ва ободонлаштириш ҳудуди – 10,23 га.

Бундан ташқари, массив таркибида “Янги Ўзбекистон”

боғи ҳам лойиҳаланган бўлиб, ҳудуднинг умумий ер майдони 38,0 га, бино ва иншоотлар ости майдони 3,8 га, кўкаламзор ва ободонлаштириш ҳудуди 18,9 га, йўллар ва кўчалар 12,9 га, сув ҳавзалари 2,4 гани ташкил қилади.

## Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани “Катта Чилонзор” МФЙдаги 103-сонли мактабни реконструкция қилиш лоийҳаси (660 ўринли қўшимча бино қуриш)



## Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги “Миробод” МФЙ ҳудудида 20-сонли умумтаълим мактабига 990 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилиши лойиҳаси

Ушбу мактаб биносида синф хоналари, 160 ўринли ошхона, 200 ўринли мажлислар зали лойиҳаланган.

Бинонинг 1-қаватида коворкинг маркази ҳам жойлашган. Аҳамиятли томони, ушбу янги бинода ҳар бир синф хонасида табиий вентиляция тизими қўлланилган. Бу эса ўқувчиларнинг тоза ҳаводан нафас олишини таъминлаб, яхши билим эгаллаши учун шароит яратади.

Шунингдек, қолган барча мактаб бинолари лойиҳаларида ҳам ушбу қоидаларга амал қилинган. Ҳар бир бино томига қуёш панеллари ўрнатилиб, қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланилган.



## 16 қаватли 128 квартирали 2 ва 3 хонали турар жой биносининг намунавий лойиҳаси

Ушбу 16 қаватли турар жой биносини тўлиқ энергиятежамкор уй, дейиш мумкин. Бино деворлари газоблокдан, қалинлиги 200 мм. Ташқи девор 80 мм базальт толали минерал плиталар билан ҳимояланган. Ушбу турар жой биноси томида ҳам қуёш панеллари ўрнатилган бўлиб, бинодаги кетадиган электр энергиясининг 25-30 фоизи панеллардан таъминланади.

– Юқоридаги барча лойиҳаларда асосан энергиятежамкор материаллардан фойдаланилган, – деди институт Бош архитектори Қобил Хашимов. – Биноларнинг деворлари ҳам бугун юртимизда кенг миқёсда ишлаб чиқарилаётган замонавий қурилиш материалларидан қилинган. Уларда ёзда салқин, қишда иссиқ ҳавони яхши ушлаб туриш хусусияти мавжуд. Эшик ва дераза ромлари, пол ва том ёпмаларида ҳам худди шундай махсулотлар қўлланилган. Юртбошимиз ташаббуси ва тавсиясига кўра, бугунги кунда барпо этилаётган ҳар бир ишоотда қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланиш тартиби жорий этилмоқда. Шу боис, бугунги кунда биз барча биноларда қуёш панелларини ўрнатиб, ёритиш ва иситиш тизимларида ҳам фойдаланяпмиз. Бу ҳам юртдошларимизга тежамкорликнинг бир намунаси бўлади, деган умиддамиз.

“Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ бош лойиҳа-қидирув институтининг бой тажрибага эга малакали мутахассислардан иб-



рат жамоаси келгусида ҳам ҳар томонлама пухта лойиҳалар яратиш орқали жонажон юртимиз жамолини дунёга танитишда давом этади. Бу масъулиятли вазифани бажаришда жамоага улкан муваффақият ва сўнмас зафарлар тилаб қоламиз!



**ЎЗ ОЛДИГА УЛҚАН  
МАРРАЛАРНИ ҚЎЙИБ,  
ҚУНУ ТУН ЭЛ-ЮРТ ОБОДЛИГИ  
ЙЎЛИДА КАМАРБАСТА БЎЛИБ  
ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН БАРЧА  
ЛОЙИХАЧИЛАР, АРХИТЕКТОР  
ВА ҚУРУВЧИЛАРГА КАСБ  
БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН.  
СИЗЛАРНИНГ МЕХНАТИНГИЗ,  
МАҲОРАТУ ХИЗМАТИНГИЗ  
ТУФАЙЛИ ЮРТИМИЗ КУНДАН-  
КУН ЧИРОЙ ОЧИБ, ДУНЁГА  
ЮЗ ТУТМОҚДА. КАСБИЙ  
ФАОЛИЯТИНГИЗГА ИЖОДИЙ  
ЗАФАРЛАР, ОИЛАНГИЗГА ЭСА  
БАХТУ САОДАТ ТИЛАЙМИЗ!**



# “Тезкор махсус қурилиш” МЧЖ – НОМИГА МУНОСИБ КОРХОНА

Яқинда Россия давлатида чиқадиган нуфузли газеталардан бирида Ўзбекистон тўғрисида ёзилган бир мақола эътиборни тортди. Унда кейинги йилларда юртимизда ўтказилаётган ислохотлар натижаси таҳлил қилиниб, ҳукумат фуқароларга муносиб турмуш тарзини яратиб бериш учун барча имкониятларни ишга солаётгани ва бу жиҳатдан собиқ иттифоқ республикалари орасида энг олдинги сафда бориб, мақсадга эришишда тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланаётгани таъкидланганди.



Республикамызда амалга оширилаётган янгиланишларни эътироф қилган ҳамкасбимиз биздан анча олисда яшаётган бўлса-да, Ўзбекистон халқи эришаётган ютуқларга бефарқ эмаслигини ёзган мақоласи мисолида баҳолаганди. Унинг айтганича бор, мана, бир неча йилдирки, ўтаётган изчил ислохотлардан баҳраманд бўлмаган шаҳар ва туманлар, ҳатто энг олисда жойлашган қишлоқ ҳамда овуллар қолмади ҳисоб. Айна пайтда юртимизнинг исталган манзилида бўлган киши замон талабига мос кўп қаватли уй-жойлар, равон йўллару, мактаб, болалар боғчалари, маъмурий бинолар қурилгани ва фуқароларимиз улардан муносиб фойдаланиб, турмуш тарзи ҳам шунга лойиқ бўлаётганини кўриши мумкин.

Бу жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикасидаги турли соҳаларда ёппасига амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Бир пайтлар ушбу ҳудуд ҳақида гап кетганида кўпчиликнинг кўз ўнгиде кўп барханларию, сувсизликдан қақраб ётган далалар гавдаланарди. Ислохотлар ташаббускорининг эътибори натижасида ҳудуд кун сайин чирой очиб, фаровонлик таъминланмоқда, завод-фабрикалар қурилиб, янги иш ўринлари яратилляпти. Агротехникалар кучидан фойдаланган ҳолда зироатчиликда юқори самараларга эришиляпти. Бу жараёнда, айниқса, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида асрларга татиғулик ишлар қилинмоқда. Уларни биров четдан келиб амалга ошираётгани йўқ, шу ерда умргузаронлик қилаётган тадбиркорлар яратилган шароитлардан фойдаланиб, ободонлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда.

Ўлмасбек Болтаев таъсисчилигида ташкил қилинган ва ўз номига мос “Тезкор махсус қурилиш” масъулияти чекланган жамияти ҳам эллик нафарга яқин ишчи-хизматчилари ҳамда замонавий техникалари ёрдами билан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида қурилишга ихтисослашган турдош корхоналар орасида ўзига хос ўрин тутиб келмоқда. Ўтган йил-



лар давомида жамоа меҳнатлари ҳисобига Нукус шаҳрида бир нечта объектлар, маъмурий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда улар шаҳар кўр-кига-кўрк қўшмоқда. Шулар баробарида туманлардаги маҳаллалар, овул фуқаролар йиғинларида ҳам турли кўринишдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Жумладан, биргина ўтган йили Хўжайли туманидаги “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги барча ички кўчалар сифатли таъмирланиб, техника ва фуқароларнинг ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилди. Эллиққалъа туманининг “Кичик

Гулдурсун” овул фуқаролар йиғинидаги 15-сонли мактаб ҳам тўлиқ реконструкция қилинди.

Корхона жамоаси қурилишлар билан бир қаторда таъмирлаш ишлари бўйича ҳам катта тажриба тўплаган. Бу эса буюртмачилар эътиборини тортмоқда. Масалан, кўп йиллардан буён таъмирталаб бўлиб, аҳолига етарли миқдорда иссиқлик етказиб беролмаётган марказий қозонхона Ўлмасбек Болтаев бошчилигидаги жамоанинг ҳаракати билан қайта реконструкция қилинган, бу борадаги муаммага барҳам берилди. Шунингдек, Тахиятош туманининг “Халқлар дўстлиги” маҳалла фуқаро-

ролар йиғинида жойлашган 13-кўп қаватли уйнинг том қисми, фасади ва ертўласи сифатли қилиб таъмирланди. Бундан ташқари, йўлаклар қурилиб, катталар ва болалар бўш вақтларида шуғулланиши учун спорт майдонлари барпо этилди.

Тўрткўл туманидаги “Оқбошли” овул фуқаролар йиғинида мактаб йўқлигидан болалар кўшни маҳаллага қатнашга мажбур эди. Бу ҳолат, айниқса, қишнинг қирчиллама кунлари турли кўнгилисизликларни келтириб чиқарарди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида давлатимиз томонидан ажратилган 6 миллиард сўмдан ортиқ маблағ

ҳисобига “Тезкор махсус қурилиш” МЧЖ жамоаси томонидан бунёд этилган замонавий мактаб биноси ўқувчилар қатори ота-оналарни ҳам мамнун этаётир. Шунингдек, тумандаги “Марказобод” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 12-сонли болалар боғчаси қайтадан реконструкция қилиниб, кичик-китойларга қулай шароит яратилди.

– Жорий йил бошидан буюртмачилар турли кўринишдаги лойиҳалар бўйича ишлаш таклифини киритишганди, – деди жамият раҳбари Ўлмасбек Болтаев. – Шу кунларда уларнинг аксариятини қуриб битказдик. Яна иккита объектни йил охиригача битказишни режалаштиряпмиз. Ўтган йили бажарган ишларимиз туфайли анчагина даромад кўрдик. Ана шу фойда ҳисобидан, корхона таркибини кенгайтириб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга мослашган цехлар қурмоқчимиз. Бунинг натижасида йигирмадан ортиқ янги иш ўринлари яратилади. Ҳозирда лойиҳа тегишли ташкилотга тақдим қилинган, улар ўрганиб, тасдиқлаб беришса, ишни бошлаймиз.

Иқтисод бақувватлашса, хайрли ва саховатли ишлар ҳам кўплаб амалга оширилади. Демокчимизки, мазкур корхона жамоасининг бу борадаги ишлари ҳам таҳсинга сазовор. Ўтган даврда ҳудудлардаги кам таъминланган ўндан ортиқ оилага моддий ёрдам кўрсатилиб, олти нафар муҳтож кишиларнинг уйлари таъмирлаб берилди. Тўрткўл туманидаги мактаб-интернат ҳам имкон даражасида қўллаб-қувватланмоқда.

Жамоа ҳар қандай ишни меъёрига етказиб, кишилар қувончига сазовор бўлишида Алишер Азимов, Шокиржон Қобулов, Икромбек Сиддиқов, Еражеп Абилов, Нейматилла Болтаев, Расул Бисенов каби ишчи-ходимлар бошқаларга ибрат бўлишмоқда. Уларнинг саъй-ҳаракати билан мамлакатимиз мустақиллигининг 32 йиллиги арафасида яна битта иншоот фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Уни ўз муддатида бажариш учун ишлар икки сменада ташкил этилиб, ишчиларга барча шароитлар яратилган.



# Аброржон ТОИРОВ: Эл-юрт олқиши энг катта мукофот

Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига қилган Мурожаатномасида, биз учун “Қорақалпоғистоннинг ютуғи – бутун Ўзбекистоннинг ютуғи, Қорақалпоғистоннинг ташвиши – бутун Ўзбекистоннинг ташвиши”, – деган сўзлари бежизга эмасди. Зотан, республикамизнинг бошқа ҳудудларидаги каби Оролбўйи минтақасида ҳам ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари қаторида, айниқса, ижтимоий соҳаларда ечим кутаётган муаммолар тўпланиб қолганди. Янги иш ўринлари яратилмагани ва замон талабига мос корхоналар ишга туширилмагани оқибатида одамлар иш қидириб, бошқа жойларга кетиб қолганини бугун ҳеч ким инкор қилмаса керак.



Юртимизда давом этаётган ислохотлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси маркази – Нукус шаҳри ва барча туманлар, маҳаллалар ҳамда овуллар қайта чирой очяпти. Тадбиркорлар ва ишбилармонларга яратиб берилган шароитлар, ҳуқуқларининг қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилгани туфайли ҳар қандай муаммолар ўз ўрнида ечим топмоқда. Айниқса, қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёзгани натижасида маъмурий бинолар, мактаб, болалар боғчалари ҳамда ҳудудларда арзонлаштирилган кўп қаватли турар жойлар қад ростлаётгани туфайли минглаб кишилар замонавий уй-жойларга эга бўлиб, яшаш шароити яхшиланяпти.

Қорақалпоғистон Республикасида бу сингари ишларни янада кенг шакллантиришга ҳисса қўшаётган корхоналардан бири – “Жумуртов тех таъмир сервис” масъулияти чекланган жамиятидир. Мана, бир неча йилдирки, эллик нафардан ортиқ ёшларни бирлаштирган мазкур корхона жамоаси Оролбўйи ҳудудларида бунёдкорлик ишларини бажариб, ободонлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Корхонани ташкил қилишда унинг раҳбари Аброржон Тоировга осон бўлмаганди. Ишни



юритиш учун бироз маблағи бўлгани билан ишчи кучи ва зарур техникаларга муҳтожлик сезилиб турарди. Уша пайтда у иккиланмади, вақтинчалик ишсиз юрган ёшларни ишга олиб, уларга касб сирларини ўргатди. Бунинг учун турдош корхоналардан тажрибали курувчиларни шартнома асосида жалб қилди.

Яхлит жамоа бўлиб дастлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан Амударё туманидаги 70-сонли болалар боғчасини ре-

конструкция қилишди. Ростини айтганда, бу ерда сифатли амалга оширилган ишлар жамоанинг кейинги фаолиятига йўл очди. Яна шу компания орқали тумандаги кўп квартиралар уй-жой мукамал таъмирланган бўлса, 18-сонли мактабга таълим ташкилоти тўлиқ таъмирланиб, қўшимча 75 ўринга мўлжалланган бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Булардан ташқари, туман ҳудудидаги “Янгиобод” массивида жойлашган бешта кўп қаватли уйлар реконструкция қилиниб, барчасининг томлари ва ертўллари замон талабига мослаштирилди. Қипчоқ маҳалласида жойлашган 20- ва 120-болалар боғчалари ҳам “Жумуртов тех таъмир сервис” масъулияти чекланган жамияти ишчи-хизматчиларининг саъй-ҳаракатлари билан обод масканга айланди. Айни пайтда бу ерда 200 нафардан ортиқ кичкинтой, 70 нафар тарбиячи яратилган шароитлардан баҳраманд бўлишаётир.

Бу сингари ишлар сифатли удалангани учун корхона моддий томонлама мустаҳкамлангач, қурилишларда асқатадиган турли русумдаги техникалар сотиб олиб, ишчиларга зарур шароитлар яратишга имкон туғилди. Уларга меҳнат дафтарчалари очилиб, коммунал тўловлари жами-

ят ҳисобидан қопланди. Меҳнат таътилларида эса моддий қўллаб-қувватланди. Бундай эътибор ишчи-ҳодимларни ишларни янада сифатли бажаришга ундагани сари буюртмачилар ҳам уларни қидириб топадиган бўлишди.

Буюртмачилардан талаб кўпайган кунлари эди. Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги сув тўғони очилиб кетганидан хабар топган жамоа аъзолари сукут сақлаб турулмади. Биринчилардан бўлиб Қорақалпоғистон Республикаси раҳбариятига мурожаат билан чиқиб, жамиятни талафот кўрган ҳудудни ободонлаштиришга сафарбар қилишларини сўради. Шу аснода барча ишчи ва техникалари билан туманга келиб, “Дўст-

бир қисмини ишчи-ҳодимларини рағбатлантиришга йўналтираётган бўлса, асосий қисмини жамиятни янада кенгайтиришга, замонавий техникалар сотиб олишга сарфламоқда.

– Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди маҳаллий хомашёга бой замин, – деди Аброржон Тоиров. – Яқин кунлар оралиғида шу масала бўйича жамиятимиз ҳисобидан битта лойиҳани ишга туширишни мўлжаллаб турибмиз. Яъни, қурилишбоп беш хил маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун тадорик ишлари кўрилмоқда. Бунинг учун маблағимиз ва техникаларимиз етарли. Натижада, қўшимча ўнта янги иш ўрни яратилиб, ортиқча харажатлар камаяди.



лик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги зарар кўрган бир нечта хонадонларни таъмирлаш ҳамда кўчаларни ободонлаштириш ишларида фаол қатнашди.

Ҳалол меҳнат қилганининг эл орасида обрўи ортиб боравераркан. Аброржон Тоиров ҳам қурилиш ва бунёдкорлик соҳасида ўз бизнесини йўлга қўйиб кам бўлмади. Орттирган соф даромадининг

Шу кунларда ҳам жамоа аҳли Бўзатов туманидаги энг чекка ҳудудлардан бири, “Еркиндарё” овул фуқаролар йиғинига қарашли Акеден овули учун 90 ўринли мактабга таълим ташкилотини қуриш билан машғул. Буюртмага кура, бино жорий йилнинг октябрь ойида ишга туширилиши режалаштирилган бўлиб, айни пайтда асосий ишларнинг 75 фоизи бажарилган.



# “Янги Ўзбекистон”нинг Янги манзили сари...

Тарихдан маълумки, иқтисодий барқарорликка эга давлатларда бунёдкорлик ишлари ҳам кўп бўлади. Биргина ўзимиздан қиёс, ободликка ошуфта халқимиз сал ортиниши биланоқ уй-жой қуриш ва йўлларни яхшилашга интилади. Яшаш учун қулай шароит яратишга уринамиз! Шу жиҳатдан мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам ғурурланиб сўзласак, арзийди.



## “БЕХРУЗБЕК ДИЛМУРОДОВ” МЧЖ ТОМОНИДАН:

- ✓ Улуғнор ва Балиқчи туманларида жами 12 км сув қувурлари тортиш;
- ✓ Марҳамат туманида 30 км йўлни асфальтлаш;
- ✓ Булоқбоши туманида 120 ўринли мактаб биноси барпо этилмоқда.

Бугун республикамизнинг қайси бир ҳудудига борманг, ободончилик, қурилиш ишларига дуч келасиз. Амалга оширилаётган лойиҳалар замирида эса халқимизнинг турмуш шароитини яхшилашга бўлган мақсад мужассам.

Бу борада республикамизнинг аҳоли энг зич жойлашган ҳудудларидан бўлган Андижон вилоятида рўй бераётган янгиланишлар ҳам эътирофларга сазовордир. Вилоят бунёдкорлари амалга ошираётган ишлар юрт равнақини мустаҳкамлаш ва аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ўз самарасини бермоқда.

Бу сўзларни Андижон вилоятидаги “Бехрузбек Дилмуродов” МЧЖ фаолияти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

– 15 йилдирки қурилиш соҳасида фаолият юритиб келмоқдамиз, – деди жамият раҳбари Жамшидбек Мамасолиев. – Ҳар йили ўртача 4-5 та объектни қуриш ва таъмирлаш ишларини олиб борамиз. Бунинг учун салкам 200 нафар тажрибали ишчилардан таркиб топган аҳил жамоага эгамиз. Улар орасида ўз касбининг ҳақиқий усталари ҳам, қурувчиликни ихтиёр этган ёшлар ҳам бор. Шу боис, жамоамизда “Устоз-шогирд” аънаси асосида малакали кадрлар тайёрлашга, ҳар бир ишчининг профессионал маҳоратини ошириб боришга катта аҳамият қаратганмиз. Бу эса ҳар бир ишимизда сифат устуворлигини таъминлаб, биз барпо этаётган биноларнинг юз йиллар давомида хизмат қилишига замин яратади.

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган жараёнлар бевосита ҳамюртларимиз кўз ўнгиде, уларнинг хоҳиш-истаклари асосида, таклиф ва тажрибаларига асосланган ҳолда олиб бориляпти. Жамоатчилик фикри қурувчилар

орасидаги эркин рақобатнинг шаклланиши ва тобора кучайиб боришига хизмат қилляпти. Бу эса табиийки, аҳоли миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.

– Қишлоғимиз, нафақат Андижон вилоятининг, балки республикамизнинг ҳам энг чекка ҳудудларидан бирида жойлашган, – деди Булоқбоши туманидаги “Ширмонбулоқ” МФЙда истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Сайдулло ота Исроилов. – Шундай бўлса-да, шаҳарликлардан қолишмайдиган шароитга эгамиз. Йўлларимиз равон, кечамиз кундуздек нурафшон! Шу билангина кифояланиб қолмасдан, ҳар йили янгидан-янги қурилиш ишларига қўл уриляпти. Буларнинг барчаси инсонга, унинг кадр-қимматига бўлган эътибор намунаси деб биламан.

Биз отахон билан суҳбатлашар эканмиз, манзилдаги қурилиш объектни биргаликда кузатдик. Янгитдан қад ростлаётган 13-мактабгача таълим ташкилотиде ишлар авжида. Бу ерда “Бехрузбек Дилмуродов” МЧЖнинг ўнлаб ишчилари 120 ўринли бинони барпо

этноқда. Лойиҳа жорий йилнинг 1 сентябрига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида маҳалла болалари янги ва замонавий масканда таълим олишади.

– Жамшидбек Мамасолиев бошчилигидаги қурувчиларимиз кам бўлишмасин, – деди Марҳамат туманидаги “Шўрқақир” МФЙда истиқомат қилувчи Саодатхон Сайдалиева. – Уларнинг самарали меҳнатлари туфайли кўчамиз йўллари асфальтланяпти. Тез кунларда ёзда чанг, қишда лой кўчалар хотирамизда қолади, холос.

Дарвоқе, ушбу жамоа томонидан ҳозирда Марҳамат туманидаги “Шўрқақир”, “Роҳат”, Булоқбоши туманидаги “Ёрбоши” МФЙларида жами 30 км масофадаги йўлни асфальтлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бугун Андижон вилоятининг қай бир туманида бўлманг, ушбу жамоа вакиллари дуч келасиз. Кимдир янги бино барпо этаётган, бошқаси таъмирлаш ишларини олиб бораётган, яна қай бири йўл қураётган бўлади. Муҳими, улар



республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол ижрочиларидан бири сифатида эл миннатдорлигига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, Улуғнор туманидаги “Ўзбекистон” маҳалласини олайлик. Бир пайтлар кенг қумликдан иборат бўлган ушбу ҳудуд айна пайтга келиб обод масканга айланган. Бироқ йиллар ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Баъзан, мавжуд шароит ҳам эскиради. Жумладан, ушбу маҳаллада истиқомат қилувчи аҳолини тоза ичимлик суви таъминоти қийнаб келарди. Муаммонинг ечими эса янги сув қувурини тортишдан иборат бўлди.

– Ўзбекистон кўчасида 6 километр масофага янги сув қувурини тортиш ишларини олиб боряпмиз, – деди жамият раҳбари Жамшидбек Мамасолиев. – Шу билан бир қаторда, янги сув қудуғи ҳам ўрнатилади. Лойиҳа фойдаланишга топширилгач, 3 минг нафардан ор-

тиқ аҳолининг тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи қондирилади. Худди шунингдек, Балиқчи туманида ҳам 6 километр масофага қувур тортиш, янги сув минорасини ўрнатиш орқали 4 минг нафардан зиёд аҳолининг сув таъминоти сифати яхшиланади.

Биз бугун Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қиляпмиз. Олдимизга қўйган мақсадларни амалга ошириш, орзуларимизни рўёбга айлантиришда қурилиш соҳасида олиб борилаётган жараёнларнинг аҳамияти жуда катта. Демак, қурувчиларимиз бажараётган хайрли амаллар бизни янги манзил ва мақсад сари бошлайди. Қолаверса, бунёдкорлик намуналари давлатимиз қудратини, салоҳиятини ҳам белгилайди. Бу борада “Бехрузбек Дилмуродов” МЧЖ фаол иштироки, сифатли амалиёти билан бошқаларга ибрат бўлаётгани қувонарлидир.



**«O'ZSHAHARSOZLIK LITI»**  
давлат унитар корхонаси жамоаси

Барча қурувчиларни,  
лойиҳачи ва меъморларни  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚУРИЛИШ СОҲАСИ**  
**ХОДИМЛАРИ КУНИ**  
билан табриклаймиз!

ФАСЛЛАР ОША ЗАҲМАТ  
ЧЕКИБ, ВАТАН РАВНАҚИ ВА  
ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН ТИНМАЙ  
МЕҲНАТ ҚИЛАДИГАН, ЎЗИНИ  
АЯМАЙДИГАН ФИДОЙИ  
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ!

**КАСБ БАЙРАМИГИЗ**  
**ҚУТЛУҒ БЎЛСИН.**

СИЗЛАРГА СОҒЛИҚ,  
ОМАД ВА ОИЛАВИЙ  
ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙМИЗ!



# Эзгу ниятнинг ижобати

- Катта бўлсам, сизга ўхшаган уста бўламан. Одамларга катта ва чиройли уйлар қуриб бераман.
- Ёшгина болакайнинг эзгу ниятидан қувонган бобоси бошини силади.
- Баракалла, ўғлим. Илоҳим, ниятингга ет.

Болалигиданоқ қўли гул дурадгор бобосига ҳавас қилиб, унинг ишларини қизиқиш билан кузатган, хунарнинг сир-асрорларини ўрганган Ахтам Улуғов бугун ўша ниятларига етишди. Орзуларини тўла-тўқис амалга оширмакда, десак адашмаган бўламиз. Боиси, бир пайтлар бобосига ҳавас қилиб улғайган бола мактабни тугатиб, қурилиш техникумига ўқишга кирди. Танлаган касбини пухта эгаллаш мақсадида Бухоро давлат озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтининг қурилиш йўналишини тамомлади. Аввалига оддий ишчиликдан бошланган қурувчилик касби уни уста, иш бошқарувчилик сари етаклади.

Соҳани миридан-сиригача ўрганиш иштиёқи унга янада кенгрок имкониятларни тақдим эта бошлади. Тажрибаси ортгач, ўзи ҳам жамоа тузиб, раҳбарлик қобилиятини ишга солди. 1989 йилда "ПМК-47" масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилиб, болалигида ният қилганидек инсонларга яхшилик қилиш, замонавий, пухта турар жойлар қуришдек шарафли ишни адо этиб келмоқда.

Бугун Ахтам Улуғов раҳбарлик қилиб келаётган "ПМК-47" МЧЖни Бухоро вилоятида билмайдиган, у ҳақда мақтаб гапир-

диган одам топилмаса керак. Боиси, анча йиллардан буён қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириб келаётган ташкилот ўз имижи, обрў-эътиборига эга бўлиб улгурган. Жамоа қурувчилари томонидан барпо этилаётган иморатлар ўзининг сифати ва мукамаллиги билан кўпчиликнинг ишончини қозонган.

"ПМК-47" МЧЖ нафақат уй-жойлар қурилиши билан шуғулланади, балки ғишт, темир-бетон, том ёпмалари, пойдевор маҳсулотлари, эшик-ром каби қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бугунги кунда қурилиш-бунёдкорлик ишлари учун керак бўладиган 90 фоиздан ортиқ маҳсулотлар ташкилот таркибидаги ишлаб чиқариш цехларида тайёрланмоқда.

Айни пайтда жамоада 432 нафар доимий ишчи-ходим меҳнат қилади. Шунингдек, 150 нафар мавсумий ишчи ҳам жалб қилинади. Ахтам Улуғов бошчилигидаги жамоада ғишт терувчилар бригадаси бошлиғи Ихтиёр Рустамов, сувоқчилар бригадаси бошлиғи Идибой Раҳматов, дурадгорлик бригадаси бошлиғи Фатулло Адизов, бетончилар бригадаси бошлиқлари Саъдулло Жўраев ва Сирож Ҳаққиев, ғишт терувчилар бригадаси



бошлиғи Шомурод Мизроров каби қўли гул қурувчилар жамланган.

"ПМК-47" МЧЖ асосан, ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланади. Уларнинг меҳнатлари эвазига вилоятнинг кўплаб ҳудудларида замонавий типдаги мактаблар, шинам мактабгача таълим ташкилотлари, коллежлар учун бинолар, тиббиёт муассасалари барпо этилди. Хусусан, Бухоро вилояти тиббиёт маркази, Бухоро шаҳар тез тиббий ёрдам маркази, Бухоро тумани марказлашган шифохонаси, Бухоро шаҳридаги Муסיқали драма театрининг 750 ўринли биноси, вилоят аэропорти, Бухоро шаҳрида 900 ўринли тиббиёт олийгоҳи шулар жумласидандир.

Ҳозирги вақтда жамият бунёдкорлари Бухоро шаҳридаги эндокринология диспансери биносини қуриш билан машғул. Шунингдек, Бухоро давлат университети учун 400 ўринли талабалар турар жойи ҳам шу йилнинг охирига қадар битказилиши режалаштирилган. Бухоро туманида эса 5 та 4 қаватли турар жой бинолари қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Бу уй-жойлар келгуси йилда ўз эгаларига топширилади.

Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур, деган мақол бекорга айтилмаган. Ташкилот жамоаси ўзлари барпо этаётган иморатлар ҳар томонлама пишиқ ва пухта бўлиши, қолаверса, ишчилар учун қулай шароит яратиш мақсадида керакли техникалардан унумли фойдаланиб келмоқда. Жумладан, 4 дона мобил ва 4 дона минора-

ли кранлар, 48 та ҳар хил русумдаги техника воситалари ишчиларга беминнат кўмакчи.

Маълумки, бугунги кунда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтинг тизими жорий этилиб, унда юртимизда фаолият юритаётган ташкилотлар бир қатор мезонларга кўра баҳоланиши йўлга қўйилган. "ПМК-47" МЧЖ жамоаси ана шу рейтингда бугунги кунда "Б" тоифага эга. Бу натижага ўз-ўзидан эришилмаган, албатта. Бунинг замирида улкан меҳнат, ташаббускорлик, фидокорлик мурасам. Жамиятнинг асосий буюртмачиси - Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси ҳисобланади.

Муносиб рағбат ходимларга улкан иштиёқ бериб, ўз касбини янада севиб, ардоқлашга, фидокорлик билан ишлашга ундайди. Бу ақидани яхши англаган жамият раҳбари Ахтам Улуғов яхши бир тажрибани йўлга қўйган. Буюртмалардан ташқари, улар ҳар йили қўшимча равишда жамият маблағи ҳисобидан 1 тадан 8 ва 12 хонадонли уйлар қуради. Ушбу хонадонлар ташкилотнинг уй-жойга эҳтиёжи бор ходимларига навбат билан бериб борилади. 15 йил давомида бу ташкилотда ишлаган ходимларга уй бутунлай расмийлаштириб берилади. Ўтган йили 8 нафар ишчига ана шундай хонадонлар берилди.

Биз ҳам "ПМК-47" МЧЖнинг келгусидаги эзгу ишларига омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!



# Ташкилот нуфузи республика миқёсида ўсмоқда

Бухоро вилоятидаги “Қурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамияти 1996 йилдан буён пухта ва сифатли лойиҳалар яратиб, кўҳна ҳудуднинг замонавий қиёфасига ўзгача руҳ бағишланишида муносиб иштирок этиб келмоқда.



Ўзбекистон иқтисодиётига янги ишлаб чиқариш технологияларини татбиқ қилиш, замонавий уй-жой, ҳўжалик ва саноат қурилиши объект ва мажмуалари, соғлиқни сақлаш биноларини лойиҳалаштириш, меъморчилик, тарихий обидалар соҳасида кўрик-танлов ва илмий семинарлар ўтказиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш каби хизматларни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган ушбу жамият шу кунга қадар ўз зиммасидаги вазифаларни муносиб адо этмоқда.

Чорак асрдан ортиқ давр мобайнида кўплаб йирик иншоотлар, ижтимоий соҳа объектларининг сифатли бунёд этилишида муно-

сиб ҳисса қўшган ушбу ташкилот томонидан охириг икки йилда стратегик аҳамиятга эга йирик объектлар қурилишининг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, буюртмачига тақдим этилди.

Хусусан, Бухоро шаҳрида жойлашган 120 ўринга мўлжалланган Эндокринология диспансери биносининг қурилиши лойиҳа ҳужжатлари, вилоятнинг деярли барча туманларида 250 қатновга мўлжалланган оилавий поликлиникалар қурилиш объектлари лойиҳа ҳужжатлари, Ромитан тумани марказий шифохонаси ҳузурида туманлараро аралаш жароҳатлар ва қон томирларининг ўткир касалликлари маркази қурилиш

объектининг лойиҳа ҳужжатлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, жамоа мутахассислари томонидан Бухоро шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги 1 500 талабага мўлжалланган тиббиёт институти ва унинг ҳузурида 200 қатновга мўлжалланган клиника ҳамда 130 ўринли терапия даволаш бўлими қурилиши объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам ишлаб чиқилиб, буюртмачига тақдим этилди.

Сўнги икки йил давомида ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари сони 50 дан ортиқ бўлди. Шофиркон туманидаги 49-умумтаълим мактаби ва Бухоро шаҳридаги Туризм коллежи реконструкцияси, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалида рентген ва ангиограф аппаратларини ўрнатиш учун янги бино қуриш, Республика кардиология илмий-амалий маркази Бухоро минтақавий филиали биносини реконструкция қилиш, Олот туманидаги “Буржок” МФИда оилавий поликлиникани янгидан қуриш, Ѓиждувон туманидаги “Баққоллар” МФИда 69-оилавий поликлиниканиннг Ростўй филиалини реконструкция қилиш, Когон шаҳар Бухоро шохқўчасидаги 5 та 7 қаватли, 3 та 5 қаватли ва 2 та 2 қаватли 48 та уй-жой учун оқова сув тизимини қуриш, Бухоро шаҳридаги “Шодлик” МФИ худудида 10-сонли МТТ биносини реконструкция қилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ҳам айнан шу жамоа аъзолари амалга оширгани эътиборга молик.

“Қурилишлойиҳа” МЧЖ асосий буюртмачиларига тўхталадиган бўлсак, ташкилот ўз фаолиятини қонунда белгиланган тартибда икки томонлама имзоланган келишув шартномаси асосида амалга оширади. Туризм объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларини, маданий мерос объектларини реставрация, консервация қилиш ва ободонлаштириш бўйича лойиҳалар Маданият ва туризм вазирлиги буюртмаси асосида, соғлиқни сақлаш тизимига оид бино ва иншоотлар қурилиши, реставрация ишлари лойиҳаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмасига кўра амалга оширилади.

Шунингдек, Бухоро ва Навоий вилоятлари худудида барпо этилаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари буюртмачилари ҳар иккала вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ҳисобланади.

Бугунги кунда “Қурилишлойиҳа” МЧЖда жами 48 нафар ходим меҳнат қилмоқда. Шу билан бирга, корхонани кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш масаласида ҳам махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ юқори савияли, юксак билим ва бой тажрибага эга фаол ходимларга ҳар йили камида икки нафар ёш мутахассисни тайёрлаб етиштириш вазифаси белгиланган. Очиғи, ушбу дастур ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Жамоаниннг мақсад ва режалари ҳам аслида шундан иборат – ўсиб келаётган ёш архи-

тектор ва дизайнерларни иш ўрни билан таъминлаш ҳамда уларни етук мутахассис бўлишлари учун эътиборни кучайтириш.

Шу маънода, жамиятда ходимларнинг касбий салоҳиятини ошириш мақсадида ҳам қатор ислохотлар амалга ошириляпти. Хусусан, ривожланган ва замонавий технологиялардан унумли фойдаланишни ўзлаштириш мақсадида жамият ходимлари хорижий мамлакатларга хизмат сафарига юборилмоқда. Малакали мутахассислар тайёрлаш дастури доирасида Ойбек Раҳимов, Анвар Қурбонов, Дилноза Нуруллоева, Наталья Пондина каби ходимлар жамият ҳисобидан Россиянинг Москва ва Санкт-Петербург ҳамда Туркиянинг Анқара ва Истанбул шаҳарларида ўз малакаларини ошириб қайтдилар.

Албатта, бирор натижага, ютуққа эришиш учун, аввало, шунга яраша шароит ва имконият ҳам яратилган бўлиши зарур. Жамият аъзоларининг меҳнат самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий техникалар харид қилиниб, зарур дастурлар билан таъминланган.

Эътибор ва эътироф, рағбат бор жойда файз ва барака, ютуқлар бўлаверади. Биз ҳам бугунги байрам шуқуҳига тўла кунларда қурилиш соҳасининг барча ходимлари қатори жамият ишчи-ходимларига ҳам ана шу муваффақиятлар бардавом бўлишини тилаб қоламиз.

Истаймизки, жамиятнинг нуфузи янада ортиб, халқаро эътирофларга ҳам муносиб бўлсин.



# Моҳир қурувчилар жамоаси

Бухоро ўзининг бетакрор минораларию салобатли мадрасалари билан бутун дунё аҳлини мафтун этиб, ўзига жалб қилиб келган. Бу кўҳна заминнинг тарихий ва замонавий архитектура уйғунлигида яратилаётган бугунги қиёфаси ҳам сайёҳларни ҳайратга солишда давом этмоқда.

“Amirshox Mohir Quruvchi” МЧЖ жамоаси ҳам 2010 йилдан буён бу жараёнларда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Номига мос равишда моҳир қурувчилардан ташкил топган жамоа бугунги кунда вилоятда юксак мавқеига эга бўлиб улгурган. Жамоа раҳбари Азиз Ғафоров соҳанинг пасту баландини яхши биладиган, тажрибали мутахассис. Бухоро озиқ-овқат ва энгил санонат технологияси институтининг Бинолар ва иншоотлар қурилиши йўналишини тамомлаган қахрамонимиз мана 13 йилдирки, шу соҳада ишлаб келмоқда.

“Amirshox Mohir Quruvchi” МЧЖ жамоаси асосан қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланиб, вилоят кўркига кўрк қўшаётган иншоотларни барпо этиб келмоқда. Бу жараёнда Бош муҳандис Меҳриддин Ҳасанов, иш юритувчи Ислон Усмонов, менежер Фаррух Сатторов, ҳисобчи Тавваккал Султонов, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Холмурод Ярашов каби жамоа аъзоларининг ишбилармонлигию ташаббускорлиги қўл келаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Қолаверса, қурувчи бригадир Исроил Қувондиқов, ғишт терувчи Шокир Қувондиқов, бўёқчи Достон Фармонов каби ўз ишининг усталаридан иборат қурувчилар жамоаси ҳар бир иншоотни сифатли ва ўз вақтида

битказилишига масъулият билан ёндашмоқда.

Маҳоратли қурувчилар жамоаси томонидан сўнгги йилларда Шофиркон тумани “Жуйраобод” МФЙ ҳамда “Жушюра” МФЙларида икки қаватли 120 ўринли мактабгача таълим ташкилотлари қуриб битказилган.

Шунингдек, Вобкент шаҳридаги 1 500 ўқувчига эга 1-умумтаълим мактабини капитал таъмирлаш, “Султонобод” МФЙ Кулобод қишлоғида 80 ўринли мактаб ва Шароф Рашидов номидаги МФЙ биносини қайта таъмирлаш, “Искогаре” МФЙдаги Бухоро технологиялар техникумини реконструкция қилиш, Шофиркон тумани марказидаги 1-мактабни жорий таъмирлаш, “Мирзоқул” МФЙнинг Мирзоқул аҳоли масканида 1 подъездли, 5 қаватли, 20 хонадонли уй-жой қурилишини ҳам шу жамоа бунёдкорлари амалга оширган. Шу йилнинг бошида Тошкент вилоятининг Чиноз туманида барпо этилган сув иншооти объекти ҳам корхона ишчилари томонидан амалга оширилган.

Иншоотнинг кўнгилдагидек қурилишида фақатгина қурувчи ёки лойиҳачининг меҳнати кифоя эмаслиги, бунинг учун сифатли қурилиш материаллари ҳам муҳим аҳамият касб этишини соҳа ходимлари яхши билишади. Шу босидан ҳам ҳозирги кунда аксарият



қурилиш корхоналари қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ишчиларга қулайлик яратиш билан бир қаторда ташкилотнинг иқтисодий ривожланиши ва иморат таннархининг арзонлашишига хизмат қилади.

Азиз Ғафоров ҳам бу масалага эътибор қаратиб, корхонада қурилиш-бунёдкорлик фаолиятдан ташқари, Шофиркон тумани чўл ҳудудида тош ва шағални қайта ишлайдиган завод ва шлакаблок ишлаб чиқариш цехини ишга туширди. Аҳамиятли жиҳати, бу орқали кўшимча иш ўринлари яратилиб, жамият фаолияти ҳам кенгайтирилди. Жамоа раҳбарининг бу шижоати давлатимиз томонидан ҳам муносиб равишда эътироф этилмоқда. Азиз Ғафоров “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 30 йиллиги” ва “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонлари соҳиби.

Эндиликда маҳоратли қурувчилар жамоаси Бухоро вилоят Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида кўп қаватли уйлари давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “тайёр ҳолда топшириш” бўйича шартномани имзолаб, қурилиш-бунёдкорлик ишларини бошлаш учун ҳозирлик кўрмоқда.

– Қурувчининг виждони доимо уйғоқ бўлиши лозим, – деди жамият раҳбари Азиз Ғафоров. – Чунки биз қурувчилар бунёд этган иморатлар йиллар, асрлар давомида инсонларга хизмат қилиши, юртимизга муносиб кўрк ва салобат бахш этиши, келгуси авлодларнинг ҳам дуосига, ифтихорига айланмоғи зарур. Бу биноларда ўзимизнинг яқинларимиз, қону қондош халқимиз яшайди, бу муассасаларда сизу бизнинг фарзандларимиз, жондан азиз дилбанд-

ларимиз таълим-тарбия олади. Шу маънода, қурувчи иморатнинг ҳар бир кичик кўринган вазифасига ҳам катта масъулият билан ёндашмоғи, ватанни ҳимоя қилаётган аскардек қурувчилик шаъни ва обрўсини ҳимоя этмоғи даркор. Бу шу соҳадан нон топаётган ҳар биримизнинг ҳаётий ҳақиқатимизга, яшаш ширимизга айланмоғи керак. Ана шундагина биз қураётган иморатларнинг умри узун, саломатлиги мустаҳкам, касбдошларимиз эл ичиди азиз бўлишади. Халқимизнинг раҳматига сазовор бўлишдек савобли касбда фаолият юритаётганимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шу қувончли, шукуҳли кунларда барча қурувчиларимизни, лойиҳачи ва шу соҳага алоқадар юрдошларимизни касб байрамлари билан чин дилдан табриқлайман. Юрт равнақи ва ободлиги йўлидаги эзгу ишларида куч-қувват ва омад тилайман.



БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ

# «ARCHIPROFI»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

**ШУНДАЙ ШУКУҲЛИ  
КУНЛАРДА  
ЮРТИМИЗДА  
ФАОЛИЯТ ОЛИБ  
БОРАЁТГАН БАРЧА  
ҚУРИЛИШ СОҲАСИ  
ХОДИМЛАРИНИ,  
АРХИТЕКТОР ВА  
ЛОЙИҲАЧИЛАРНИ  
КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН  
ТАБРИКЛАЙМИЗ.**

**ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ ВА  
ЮРТ ОБОДЛИГИ  
ЙЎЛИДА ОЛИБ  
БОРАЁТГАН  
ИШЛАРИНГИЗГА УЛКАН  
ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ.**



## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҶАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

ФИДОКОР ҚУРУВЧИЛАР, МАЛАКАЛИ АРХИТЕКТОР  
ВА БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА

### ҚУРИЛИШ СОҶАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ҚУТЛУҒ БЎЛСИН.





# Онасининг васияти унга мадад бўлмоқда


Сўнгги йилларда Жиззах вилоятининг нафақат туман ва шаҳарлари маркази, балки энг чекка ҳудудларида жойлашган қишлоқлар, маҳаллалар ҳам беқиёс даражада ўзгармоқда.

Юртимизда тадбиркорлик, хусусан, қурилиш соҳасига берилаётган кенг имкониятлар сабаб айни чоғда Жиззах вилоятида лойиҳачилик соҳаси ҳам кенг қулоч ёймоқда. Бу ерда 100 дан зиёд лойиҳа ташкилотлари томонидан тайёрланаётган чизмалар соҳани ривожлантиришга ҳисса қўшмоқда.

“Азиза лойиҳа” масъулияти чекланган жамияти Жиззахдаги энг фаол лойиҳа ташкилотларидан биридир. Корхонанинг бундай номланиши ўзига хос тарихга эга.

Мустақиллик берган имкониятларнинг мазмун-моҳиятини ҳали кўпчилик англаб етмаган кезларда лойиҳачилик соҳаси бўйича хотин-қизлар орасида санокли кишилар фаолият юритган бўлиб, улардан бири Гулнорахон Юлдашева эди. Опа ўша даврда юзлаб чизмаларга муаллифлик қилиб, вилоят ва республикада танилган бўлса-да, бироқ бир хилдаги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш халқимиз учун наф келтирмаслиги, уларнинг ўрнига изланишлар қилиб, даврга мос мукамал лойиҳаларни шакллантириш юзасидан мутасадди ташкилотларга жуда кўп таклифлар киритган. Шунга қарамай, билдирилган фикрлар инobatга олинмаганди.

Қурилиш соҳасини ривожлантириш ва замонавий турар жойларни қуришга қаратилган қонун ва қарорлар Гулнорахон Юлдашеванинг ҳам қалбидаги орзулари ушалишига имкон берди. Қонунларга таяниб, “Азиза лойиҳа” масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилганида аксарият ҳамкасблари уни қўллашган бўлса, айрим оғзига кучи етмаганлар “Аёл боши билан нимага ҳам эришарди”, дейишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан хусусий корхонада тайёрланган лойиҳалар асосида қад ростлаган турли кўринишдаги объектлар замонавийлиги ҳамда бири-бирига ўхшамасдан ҳудудларга гўзаллик бағишлаётгани билан барчанинг эътиборини тортди. Натижада буюртмачилар сони ҳам кун сайин кўпая борди. Бугун вилоят ҳудудларига чирой бағишлаб турган кўплаб турар жойлар, маъмурий бинолар ва бошқа объектларнинг лойиҳаси ана шу камтарин ва муҳтарам аёлнинг қўлида сайқал топганини одамлар мамнуният билан эслашади.



**Болам, дунёга ҳеч ким устун бўлолмаган, тушкунлик инсонни элдан, жамиятдан айиради. Шу корхонани шакллантиргунча қанча тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келган. Уни барбод қилма, қаддингни ростлагин-да, бошлаган ишларимни давом эттир ва жамоа меҳнатини юртга кўрсат. Ана шунда исмингга муносиб бўласан”**

Умр оқар дарё мисоли ўтиб бораркан. Гулнорахон опа бошқалар қатори вилоят аҳлига муносиб турмуш шароитини яратиш учун изланиб, лойиҳачилиқда янгиликларни қўллаш мақсадида кечаю кундуз меҳнат қилиб, юзлаб чизгиларни тайёрлаган, ўнлаб шогирдларни етиштирган бўлса-да, бироқ ўз соғлиғига эътибор бермаганини кейинроқ билди. Шифокорларга кўринганида эса вақт ўтганди. Ана шундай вазиятда ҳам корхонаси, шогирдлари ва уларнинг келажаги устида бош қотирди. Ҳар гал вужудидagi оғриқ хархаша қилганда эса ардоқли шоиримиз Абдулла Ориповнинг:

*Жисмимни кўтариб турибди тупроқ,  
Ернинг устидаман, йўқ зарра нолам.  
Ўзи чорлар бир кун бағрига, бироқ  
Менсиз қолганинда чидайсан болам,*

деган сатрлари қалбини жунбушга келтирар, шундай пайтлари қандай бўлмасин,

тезроқ корхона ва жамоа келажагини ёлғиз фарзанди Азизахоннинг ихтиёрига топширишга ошиқар, гоҳида, “эплаб кетармикин”, деган хаёл кўнглига ғулғула соларди. Аслида, опани бу борада ташвишга соладиган муаммонинг ўзи йўқ эди. Чунки Азизахон соҳанинг сир-синоатини ёшлигидан ўрганиб, қалбига жойлаб борган, ҳар хил кўринишдаги чизмаларни мукамал ўзлаштирган, Жиззах политехника институтида ўқиган кезлари эса корхонада буюртмалар кўпайган пайтда ҳар қандай лойиҳани ўзи мустақил чизишга одатланганди...

Азизахон сеvimли устози, меҳрибон онаси оламдан ўтганида бир муддат эсанкираб, нима қилишни билмай юргани рост. Бироқ вақт барчасига даво экан, ўзини ўнглаб олмас, корхона ҳам, жамоа ҳам пароканда бўлишини дилдан ҳис этиб, волидасининг васиятини эслади ва уни амалга оширишга жиддий киришди.

Халқимизда “Деҳқон меҳнатининг натижаси бир йилда кўринади, муҳандисники эса кўп йиллар талаб этади”, деган гап бекорга айтилмаган. Азизахон Юлдашева соҳа сирларидан анча-мунча воқиф бўлгани учун иш юритиши ва корхонани бошқаришида ҳеч қандай муаммо туғилмади.

Онаси ишлаган столга илк бора ўтирган куни унинг тортмасидаги бир хат эътиборини тортди. Мактуб Азизага аталган бўлиб, унда “Болам, дунёга ҳеч ким устун бўлолмаган, тушкунлик инсонни элдан, жамиятдан айиради. Шу корхонани шакллантиргунча қанча тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келган. Уни барбод қилма, қаддингни ростлагин-да, бошлаган ишларимни давом эттир ва жамоа меҳнатини юртга кўрсат. Ана шунда исмингга муносиб бўласан”, – деган сўзлар битилганди...

Онасининг бу васиятомуз сўзлари Ази-

захонга ҳамиша мадад бўлмоқда. Ўтган даврда у бошчилик қилаётган 23 нафар жамоа аъзоси 100 дан ортиқ турли объектларнинг лойиҳаларини тайёрлади.

Гапнинг рости, вилоятда қурилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар ижросини таъминлаш ва объектларни лойиҳалашда “Азиза лойиҳа” МЧЖ жамоаси бири бошқасини такрорламайдиган ва ҳар бири миллийликка йўғрилган лойиҳаларни тайёрлаётгани билан бошқалардан ажралиб туради, буюртмалар ҳам шунга муносиб.

Президентимизнинг жорий йил 2 майдаги “2023-2025 йилларда Жиззах вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-146-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Азиза лойиҳа” МЧЖ жамоаси Ғаллаорол туманида “AGRO INVITRO” МЧЖ маъмурий бино ва лаборатория қурилиши, шу тумандаги “Маданият” МФЙ ҳудудида “BEK PLUS SANGZOR” МЧЖга тегишли меҳмонхона, ресторан, дам олиш маскани қурилиши учун лойиҳа-смета ишларини амалга оширди.

Шулар баробарида, жорий йилнинг ўтган ойларида Жиззах шаҳридаги “Сайилжойи” МФЙ ҳудудидаги 11 та кўп квартирали, “Обод” ва Бобур номли МФЙ ҳудудидаги 32 та кўп квартирали уйлари таъмирлаш ҳамда ҳудудларини ободонлаштириш, “Маданият” МФЙдаги 21 та кўп квартирали уйни таъмирлаш, “Иттифоқ” МФЙдаги 25 та кўп қаватли турар жойларни таъмирлаш ва лифт мосламасини янгилаш бўйича лойиҳа-смета ишлари бажарилиб, айни пайтда мазкур объектларда бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Сифатли бажарилган ишнинг харидори ҳам кўп бўларкан. Яқинда Халқ депутатлари Жиззах вилояти Кенгашининг қарорига кўра, Жиззах шаҳрининг Шароф Рашидов ҳамда Мустақиллик шоҳқўчаларидаги йўллар атрофини ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш, Дўстлик туманидаги ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш юзасидан лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича танлов ўтказилди. Турдош корхоналар орасида “Азиза лойиҳа” МЧЖ жамоаси ғолиб чиқиб, бу борадаги вазифани ҳам муддатидан аввал удалади.

Янги Ўзбекистонни бунёд этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган “Азиза лойиҳа” МЧЖ сингари лойиҳа ташкилотлари билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.



# Жиззахдаги етакчи лойиҳа ташкилотларидан бири

Сўнгги йилларда шаҳар ва қишлоқларимизда кўркам кўп қаватли уй-жойлар, замонавий мактаб ва боғчалар, шифохона ва спорт мажмуалари, шунингдек, бошқа турдаги ижтимоий объектлар қурилаётгани аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Бу каби бунёдкорлик ишларида лойиҳачиларнинг ҳам улкан ҳиссалари бор, албатта.

Бугунги бунёдкорлик жараёнида жиззахлик лойиҳачилар ҳам ўзларининг юксак тажриба ва изланишлари билан, ҳар тарафлама пухта ишланган лойиҳалари билан эътирофларга сазовор бўлмоқдалар.

Зотан, вилоят маркази, шаҳар ва туманлар, маҳаллаларда бири бошқасини тақрорламайдиган лойиҳалар асосида бунёд этилаётган объектлар, равон йўллар йиллар давомида чўл номини олган заминни бугун ўзгача қиёфага киритмоқда. Бундай фаровонлик замирида давлатимиз томонидан тадбиркор ҳамда ишбилармонларга яратиб берилган шароитлар мужассамлигини алоҳида эътироф этиш керак.

Шу имкониятлар шарофати билан ота-боболаримиз орзуларини ушалтириб, вилоят ҳудудларини ободонлаштириш ва уй-жойлар қурилишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб кела-

ётган Жўрабек Олимов ва Алишер Умурзоқовлар таъсисчилигидаги "NOYA PLANING" – умумқурилиш объектлари лойиҳаларини тайёрлашга ихтисослашган масъулияти чекланган жамияти ҳам бор.

Корхона ташкил этилганига ҳали кўп бўлмаган эса-да, ўз соҳасини пухта ўзлаштирган ишчи-ходимлардан таркиб топган жамоанинг юксак тажрибаси асосида сайқал топаётган лойиҳалар турдош корхоналар орасида етакчилардан бирига айланишида ўз сўзини айтмоқда. Шу боис, жамоанинг буюртмачи ва доимий ҳамкорлари сафи ҳам кун сайин ортиб бормоқда.

Куннинг исталган пайтида корхонага кирган киши қизгин иш жараёнига гувоҳ бўлиши мумкин. Бирор ишчи-ходимнинг бекор турганини кўрмайсиз. Бири ўз лойиҳасини поёнига етказётган бўлса, бошқаси тайёр чизмасини ҳамкасбларининг маслаҳатларига

ҳавола қилаётган бўлади. Ўзаро муҳокамалар орқали лойиҳадаги камчиликлар тузатилиб, мукамал ишланмага айланади. Доимий одатга айланган бундай иш тартиби нафақат лойиҳалар пухта бўлишини таъминламоқда, балки жамоа аҳиллигини мустаҳкамлаб, ўзаро яқинлаштирмоқда, тажрибалар умумлашмоқда. Шу боис, ҳозирга қадар корхонада тайёрланган бирор лойиҳага буюртмачилардан эътироз бўлгани йўқ. Аксинча, барча лойиҳалар қўллаб-қувватланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Жумладан, ўтган даврда Жиззах шаҳридаги "Футбол маҳорати" мактаби, "Сайилжой" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қарашли Буюк Турон кўчасидаги Олимпия захиралари спорт коллежи бинолари реконструкциясининг лойиҳа-сметаси, Мирзачўл туманининг "Янги дала" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида



жойлашган 8-сонли умумтаълим мактабини мукамал таъмирлаш, Зомин туманидаги "Бешкуби" қишлоқ фуқаролар йиғинида 120 ўринли мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриш юзасидан лойиҳа ҳужжатлари айнан шу жамоа меҳнатининг натижасидир.

Шунингдек, Жиззах шаҳрида қад ростлаган "Ёшлар технопарки" объекти, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида жойлашган хусусий мактабнинг лойиҳа ҳужжатлари, Шароф Рашидов туманида бунёд этилган 250 ўринли оилавий поликлиника, Зомин туманида Зомин туризм ва сервис коллежининг реконструкцияси, Россия Федерацияси Қозон федерал университетининг Жиззах филиалида поликлиника биносини қуриш объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам шу жамият мутахассислари қўлида сайқал топди.

Булар қаторида вилоятнинг шаҳар ва туманларида 18 та мактаб, 7 та болалар боғчаси, 30 та тадбиркорлик объекти ҳамда 14 та кўп қаватли турар жой биноларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам кейинги икки йил оралиғида ўз соҳасини пухта ўзлаштирган 25 нафар жамоа аъзоси томонидан тайёрланган.

Таъкидлаш керак, буюртмаларни тез ва сифатли тайёрлаш учун корхона раҳбари замонавий техникаларни қўллашга ҳамда ривожланган давлатлардаги тажрибаларни мунтазам равишда ўрганиб боришга алоҳида эътибор беради.

Давлат объектлари ҳамда тадбиркорларнинг буюртмалари ўз муддатида тайёрланишида Нарзикул Шомансуров, Шаҳноза Солиева, Фаррух Ишонқулов, Тошпўлат Холмаматов сингари ёш лойиҳачилар бошқаларга ибрат бўлишмоқда.



**GOLD  
PROJECT  
SERVICE  
MCHJ**

## КАСБ БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

+++

Уй қуриш, тўй қилиш азалдан халқимизга хос ҳислат. Шу боис, бунёдкор элимизда қурувчию лойиҳачилар меҳнати доимо қадрланади. Жонқуяр соҳа вакиллари, бугунги касб байрамингиз қутлуғ бўлсин! Машаққатли касбингизда омад ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ

## “1-СОН КОМПЛЕКС ЛОЙИҲА ҚУРИЛИШ ВА МОНТАЖ” ХК



**Жонажон Ўзбекистонимизнинг бугунги қиёфасини барпо этиш, ватанимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишда моҳир қурувчи ва муҳандислар, уста ва меъморлар, лойиҳачиларнинг хизмати беқиёс. Бугунги касб байрамингиз билан барчангизни табриклаймиз. Меҳнатингизнинг роҳатини кўриб юринг.**



# Иван Хуррамович ўз касбини ўзгартирмайди

“Иван Васильевич ўз касбини ўзгартиради” бадий фильмини барчамиз севиб томоша қиламиз. Унда шоҳ Иван Васильевич вақт деворидан ўтиб, оддий одамлар орасига тушиб қолгач, не-не саргузаштларни бошидан кечирмайди, дейсиз.



Қахрамонимизни эса аллақандай вақт машинаси эмас, балки табиий камтарлиги ва инсонийлиги оддий одамлар даврасига эш қилган. Интервью олиш учун белгиланган манзилга келганимизда курувчилар шу қадар иш билан банд эдики, баъзилари ҳатто югуриб ишлаётган экан. Шу пайт ёнимизга оддий кийинган, илк кўрганимиздагидек жонсарақ бўлиб, югуриб юрган ихчам жуссали киши келди. Ростини айтмасам, биз излаб келган Иван бува шу киши эканини билмасдик ҳам. Жамоадошлар уни бошлиқ деб эмас, Иван бува деб чақираркан.

Бу йил қурилиш соҳасида фаолият юритаётганига 30 йил бўладиган қахрамонимизнинг шу даражага қандай етиб келгани билан қизикдик.

Иван Худойназаров 1969 йил Ғузор туманидаги Қовчин қишлоғида туғилган. Ёшлигидан курувчиликка қизиқиши юқори бўлгани сабабли, мактаб давридан оқ курувчиларга ёрдам бериб, улардан соҳа сир-синаотларини ўрганишга жиддий киришган. Сўнгра, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Қарши филиалининг курувчи-муҳандислик йўналишини тамомлади. Дастлабки иш фаолиятини қурилиш мастери сифатида бошлаган қахрамонимиз секинлик билан ўз ишининг устаси бўлиб танилиб борди. Бир қанча вақт экспедитор сифатида ҳам фаолият кўрсатиб, қатор йирик лойиҳа объектларида самарали ишларни амалга оширди.

Иван акадан нега бу соҳани танлагани ҳақида сўраганимизда, шундай жавоб берди:

– Ёшлигимда ўзим учун ҳар томонлама қулай соҳа қидириш билан бирга қизиқишларимни ҳам ҳисобга олганман. Ўсмирларда орзу кўп бўлади. Яхши яшашни, кўп пул топишни, кўлидан келганча ҳаммага ёрдам беришни хоҳлайди. Курувчилик касбини танлашдан олдин курувчилар ҳаёти билан обдон танишдим. Уларнинг кўпчилиги моддий жиҳатдан яхшироқ яшаши, халқ орасида ҳам ҳурмати баланд бўлишини кўрдим. Ёшлигимда шундай деб ўйлаган бўлсам-да, курувчилик қалб касбим эканини йиллар ўтган сари теранроқ англадим.

Шу вақт мобайнида кўплаб йирик иншоотларни барпо этиш

жараёнида қатнашдим. Ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жойлар қурилишида кўзим пишди. Кейинчалик хусусий фирмалар пайдо бўла бошлади. 2004 йилда биз ҳам “Араб Қовчин Иқболи” МЧЖга тамал тоши қўйдик. Фаолиятимизнинг илк йилларида ёрдамчи пудратчи бўлиб ишладик. Иш ривожини ҳар қандай вақтда, деб бежизга айтишмаган. 2008 йилда дастлабки мустақил объект қурилишини қўлга киритдик. Шундан сўнг, бир қатор мактаб ва боғчаларни қуришга муваффақ бўлдик. Ютуқларимизнинг энг катта сири шуки, ҳар бир лойиҳани белгиланган муддатда топширганмиз. Бу эса бизга ҳаммани танловларда устуворлик берган.

2014 йилга келиб “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖнинг вилоят филиали билан ҳамкорликда намунали уйлар қуришга киришдик. Қарийб 7 йил давомида қишлоқдаги уй-жойлар қурилишида қатнашиб, кўплаб инсонларнинг орзусини амалга оширдик. Ҳозирги кунда 7-мактабнинг 14 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширяпмиз. Бошлаганимизга кўп бўлмаса-да, 40 фоиз ишини бажариб қўйдик. 2018 йилдан буён 20 дан ортиқ мактаб, мактабгача таълим ташкилотларини нолдан қуриб битказдик. Шукрки, кимнингдир кўнглини қолдирадиган ишлар қилмадик.

Иван бува ҳаётда ҳар бир ин-

сон амал қилиши керак бўлган баъзи мулоҳозалари билан ҳам ўртоқлашди.

– Иш битади, қиш битади, аммо инсонлик масъулияти тугамайди. Ҳаммани ҳурмат қилиш, ёмонликдан узоқ юриш керак. Аввало, инсон ўзи севган юмуш билан банд бўлсагина, бекорчи нарсага вақти бўлмайди. Кўпчилик қурилиш соҳасини битирган ёшлар юзаки билим билан келади, меҳнатдан қочади. Лекин бизга нафақат ёш мутахассислар, балки савияли мутахассислар ҳам керак. Ҳозир сифатли таълимга эътибор бермасак, кейинчалик кадрлар муаммосига дуч келамиз. Сўзим сўнггида бир нарсани айтишни истардим, кимдир яхши одам, яхши курувчи эмас. Кимдир яхши курувчи, лекин феъли ёмон. Шундай пайт раҳбар инсон дипломат бўлиши керак. Ҳар бир ишчи билан тил топишиши, мулоқот қила олиши ишнинг олға силжишига сабабчи бўлади. Ҳаётда турли қийинчиликларни бошдан ўтказдим. Аммо бирор марта ўз касбимни ўзгартириб, бошқа иш қилиш ҳақида ўйламадим. Битта йўлни танлаб, шу йўлдан оғишмадим. Камтарона меҳнатларим эътироф этилиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган курувчи” фахрий унвони билан тақдирландим. Бу мен учун катта шараф. Орттирган тажриба ва билимимиз билан юртимиз равнақига ҳисса қўшишда давом этамиз.



# Шижоатли раҳбар – муваффақият калити

Қашқадарё вилоятидаги қурилиш ташкилотлари орасида “Бек Бинокор умумий сервис” МЧЖ фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ. 2007 йилда рўйхатдан ўтган ташкилот шу кунга қадар 100 га яқин иншоотлар қурилиши, капитал реконструкциясини амалга оширган. Ҳозирги кунда ҳам фаол тарзда қурилиш-таъмирлаш ишларини давом эттириб, вилоятнинг замонавий қиёфасини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.



Ушбу корхона жамоаси билан танишиб, ташкилот муваффақиятида раҳбарнинг ўрни беқиёс эканини англадик. Моддий-техник базаси, доимий ишчилар сони ҳам рисоладагидек. Қурилиш ташкилоти жуда йирик бўлмаса-да, 100 дан зиёд ходимни доимий иш билан таъминлаган. Муҳими, ишчилар билан илиқ ва самимий муносабат ўрнатилгани туфайли бунёдкорлик ишлари ҳам ўз ўрни ва вақтида бажарилмоқда.

– Биз учун одамларнинг розилиги асосий ўринда, – деди “Бек Бинокор умумий сервис” МЧЖ раҳбари Ҳусниддин Маҳмудов. – Кечалари билан ухламай ўйлаб чиқадиган нарсам шуки, одамларни кўпроқ ишли қилиш, маошини вақтида бериб, оиласини иқтисодий томондан таъминлашга қўмаклашиш. Шунинг учун ҳар доим илғор бўлишга ҳаракат қиламиз, доим кучли бўлиш учун курашамиз. Бир кун сусткашлик қилсак, ходимларимизга ҳам, корхонамиз обрўсига ҳам яхши бўлмайди.

Ҳусниддин ака ҳақиқатда ҳам жонқуяр ва шижоатли баланд раҳбар. Уни бир жойда ўтириб қолганини асло кўрмайсиз. Озгина вақт топса, чет элга чиқиб, хориж тажрибасини ўзлаштиришга ҳаракат қилади. Ҳар

Ҳозирги кунда кўп қаватли уйлар қурилишига эътибор қаратаётган “Бек Бинокор умумий сервис” МЧЖ ишчилари 8 қаватли 69 хонадонга мўлжалланган турар жой мажмуаси қурилишини якунлаб, фойдаланишга топшириш арафасида.

бир ҳаракатида вақтдан унумли фойдаланишга уринади. Раҳбарнинг бу фазилатлари ишчи-ходимларга ҳам таъсир қилмай қолмайди, албатта. Улар ҳам Ҳусниддин акадан мотивация олишларию таваккал қилишдан кўрқмасликларини алоҳида таъкидлашди. Буни яқин йилларда қилинган ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Қарши шаҳар “Лолазор” МФЙ худудидаги 22-ДМТТ биносини мукамал таъмирлаш ва қурилиш-монтаж ишлари, Яккабоғ туманидаги “Пахтакор” МФЙ Сурнайтепа қишлоғидаги 62-сонли мактабнинг реконструкцияси билан 80 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилиши шулар жумласидан дир.

Булардан ташқари, Яккабоғ туманининг “Пахтакор” МФЙдаги Пахтакор қишлоғи 85-сонли мактаб реконструкцияси баробарида 80 ўринли қўшимча ўқув биноси қуриш, Кўкдала туманидаги “Хушали” МФЙ учун маъмурий бино қуриш ва жиҳозлаш, шунингдек, Қамаш тумани Қамай қишлоғида 82-сонли мактабнинг 320 ўринли ўқув биносини, Косон тумани “Қорабайир” МФЙдаги 20-мактабнинг 624 ўринли биносини, Косон тумани “Гулбод” МФЙдаги 47-сонли мактабни капитал таъмирлаш, Қамаш туманининг “Баландчайла” МФЙдаги Баландчайла қишлоғида эски мактабга таълим ташкилоти биносини реконструкция қилиш каби ишлар сўнгги уч йил ичида амалга оширилган.

Бугун бошқа ҳудудлар қатори воҳада ҳам бир-бирдан шинам уй-жойлар қад ростлаб, худудлар кўркам қиёфага қирипти. Шу боис, ҳозирги кунда жамоа кўп қаватли уйлар қурилишига эътибор қаратмоқда. Хусусан, “Бек Бинокор умумий сервис” МЧЖ ишчиларининг меҳнати маҳсули сифатида 8 қаватли 69 хонадонга мўлжалланган турар жой мажмуаси ҳам яқин кунларда битиш арафасида. Хонадонлар ўз эгаларига тезроқ топширилиши учун жадал ҳаракат қилиш баробарида, қурилиш сифатига ҳам жиддий эътибор қаратилаётгани жамоага хос хусусиятлардан, десак хато бўлмайди.

Хуллас, корхонада ёш ишчилардан тортиб, тажрибали ходимларгача барчаси бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишади. Агар раҳбар яхши стратег ва мулоқот дипломатиясини мукамал ўзлаштирган бўлса, ҳар жабҳада иш сифатли бўлади. Ҳусниддин Маҳмудов каби ёш лидерлар жамият ривожига катта аҳамият касб этади. Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам “Бек Бинокор умумий сервис” МЧЖ сифатли бинолар қуришда собитқадам бўлади.

Ўз навбатида, жамоанинг келгуси ишларига юксак муваффақиятлар тилаймиз.



# Кўҳна заминни замонавий қиёфага киритаётган жамоа



Бугун қадим Қашқадарё воҳаси ҳам юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан баҳраманд бўлган ҳолда янада ривожланишда давом этмоқда. Бошқа соҳалар каби бунда қурилиш-бунёдкорлик ишларининг ҳиссаси катталигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бир-биридан шинам уй-жойлар, замонавий мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, савдо ва кўнгилочар марказлар вилоятнинг шаҳару қишлоқларига ўзгача чирой бағишлаётгани рост.

Бу каби яратиш ва барпо этишдек вази-фаларни бажаришда вилоятда 2011 йилдан буён қурилиш-бунёдкорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётган “ҚАШҚАДАРЁ ГРАНД БУНЁДКОР ҚУРУВЧИ” МЧЖ жамоаси ҳам жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Ушбу қурилиш ташкилоти электрон рейтинг тизимида “В” баллга эга ташкилотлардан ҳисобланади.

– Бугунги кунда жамоамизда 83 нафар ишчи-ҳодим сидқидилдан меҳнат қилмоқда, – деди қурилиш-пудрат ташкилоти раҳбари Азамат Тоштемиров. – Уларнинг меҳнати туфайли бугунги кунга қадар юзлаб иморатлар барпо этилган, қанча иншоотлар қайта таъмирланган. Биз қураётган иморатлар на-

фақат кишиларга қулай шароит яратишидан, балки вилоят қиёфасига ҳам замонавий кўрк бағишлаётганидан хурсандмиз. Қурилиш жараёнида, энг аввало, сифат ва мукамалликка интиламиз. Шу боис, меҳнатимиз маҳсули сифатида қад ростлаётган иншоотлар билан ҳамisha фахрланамиз.

Хусусан, қорхона жамоаси томонидан яқин йилларда Қашқадарё вилоятининг “Азлартепа” МФИдаги 62-сонли мактабни реконструкция қилиш 420 (ўқувчи) ўринли бино қуриш ва мавжуд 240 ўринли бинони капитал таъмирлаш), Қарши туманидаги “Бунёдкор”, “Работ”, “Бодомзор”, “Куйи Бешкент” МФИ худудларида жойлашган Мустақиллик

кўчасининг меъморий қиёфасини замонавийлаштириш ва ободонлаштириш, Қашқадарё вилоятининг “Қишлоқ”, “Тўқбой”, “Ойнакўл”, “Пахтазор” МФИларида 150 ўринли ҳамда Яқкабоғ туманидаги “Сандал” МФИда янги мактабгача таълим ташкилотларини қуриш ишлари амалга оширилган.

Бундан ташқари, Косон туманининг “Юксалиш” МФИдаги 100 қатновли “Бўлмас” оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш, Муборак туманидаги “Янгиобод” МФИда ичимлик сув тармоқлари ва йиғиб тарқатиш иншоотини реконструкция қилиш, Нишон туманининг “Юксалиш” МФИдаги Юксалиш қишлоғида 13-сонли мактабни мукамал таъ-

мирлаш, Чироқчи туманининг “Мустақиллик” МФИда ичимлик сув тармоқлари ва йиғиб тарқатиш иншоотини қуриш, Қашқадарё тумани “Қамай” МФИда ичимлик сув тармоқларини қуриш, Нишон туманининг “Самарқанд” МФИдаги Хўжамаҳмуд қишлоғида 29-сонли мактаб, Косон туманининг “Обод” МФИдаги Чироқчи қишлоғида 51-сонли мактаб ҳамда Ғузор туманининг “Янгикент” МФИдаги “Аэродром” ҚФИда 15-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотини реконструкция қилиш (120 ўринли биносини қуриш), Китоб туманининг “Баҳор” ҳамда “Ҳожи” МФИларида ичимлик сув тармоқлари ва йиғиб тарқатиш иншоотларини реконструкция қилиш ишлари ҳам жамоа аъзоларининг меҳнати маҳсули ҳисобланади.

“ҚАШҚАДАРЁ ГРАНД БУНЁДКОР ҚУРУВЧИ” МЧЖ балансида бугунги кунда махсус транспорт воситалари ҳам мавжуд бўлиб, улар қурувчиларнинг яқин кўмакчисига айланган. Асосан ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб келаётган ушбу жамоани касб байрами билан қутлаб, бунёдкорлик ишларида зафарлар тилаймиз.

# Воҳа фахрига айланган ташкилот



**Қашқадарё азалдан ҳикматли замин. Соҳибқирондек буюкларга бешик бўлган бу заминга бошқача таъриф бериб бўлмайди. Хизмат сафаримиз баҳонасида таассуротларимиз янада бойиди. Вилоятда фаолият юритаётган қурувчиларнинг юксак бунёдкорлик ишларидан бохабар бўлдик.**

Режага мувофиқ, Кеш сари отландик. Сабаби, вилоят ва республика миқёсида ҳам етакчи қурилиш корхоналаридан бири – “Ҳисоракгидроқурилиш” МЧЖ Шаҳрисабзда жойлашган. Бу корхона ҳақида кимдан сўрасангиз ҳам, ҳеч иккиланмай айтиб беради. Чунки корхонанинг яхшигина тарихи бор, ишларида эса кишини рози қиладиган сифат ва қулайликлар кўп.

Халқ тилида икки аср кўрган, деган ибора бор. Ушбу корхона ҳам икки аср кўриш баробарида икки давр: истиқлол ва ундан олдинги давр қозонида қайнаб, муваффақият йўлини топган.

Даставвал, 1978 йилнинг 1 февралда “Ҳисоракгидроқурилиш” бошқармаси ташкил этилган. 1982 йилдан бошлаб эса “Ҳисоракгидроқурилиш” трестига айлантирилиб, унинг қошида 5 та механизациялашган кўчма колонна, 2 та махсус механизациялашган кўчма колонна, материал таъминот базаси (УПТК), қурилишни механизациялаштириш бошқармаси (УМС) ва автобаза (АТП) ташкил топган. 1992 йилда “Ҳисоракгидроқурилиш” ОАЖ сифатида рўйхатдан ўтган корхона 2004 йилда “Ҳисоракгидроқурилиш” трестининг ҳуқуқий вориси сифатида қайта ташкил этилди. 2010 йилда эса корхона МЧЖга айлантирилди.

Шундай қилиб, “Ҳисоракгидроқурилиш” МЧЖ 45 йиллик тарихи давомида турли ту-

зилмалар кўринишида фаолият юритган бўлса-да, бир асосли кучли корхона сифатида сақланиб қолди. Компания салкам ярим асрлик фаолияти мобайнида кўплаб йирик иншоотлар қурилишини амалга оширди. Жумладан, 1976 йил қурилиши режага киритилган “Ҳисорак сув омбори” ҳам ушбу корхона меҳнати маҳсули ҳисобланади. Шу тариқа бунёдкор корхонанинг шонли йўли бошланиб кетди. Сув омбори қурилишига тамал тоши қўйилиб, қурилиш ишлари авж олди. Ушбу сув омбори қурилиши туфайли Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва Қамаш туманларида 12,0 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш кўзда тутилган эди. 48,5 минг гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг суғориш ҳолатини 95 фоизга кўтариш мақсадида баландлиги 140 метр ва сув сиғими 170 млн м<sup>3</sup> бўлган мураккаб ва ўта ноёб иншоот 12 йил давомида бунёд этилди.

Шундан сўнг, корхона қурувчилари томонидан Шаҳрисабз туманининг Ҳисорак, Чунгурак, Тамшуш, Филон, Бешбек, Сарчашма қишлоқларида автомобиль йўллари, мактаблар, болалар боғчалари, касалхоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, уй-жойлар барпо этилди. Бундан ташқари, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Чироқчи, Ғузур туманларида янги ерларни ўзлаштириш, суғориладиган ерларни қайта таъмирлаш ва мелио-

ратив ҳолатини яхшилаш, турли қувватларга эга бўлган насос станциялари ҳамда гидротехник иншоотлар қурилишида ҳам қурувчилар хизмати катта бўлганини таъкидлаш ўринлидир.

– Сўзлашга арзийдиган ютуқларимиз кўп, – деди жамият таъсисчиларидан бири Сарвар Умиров. – Ўзим ҳам Кеш фарзанди бўлганим учун Амир Темур бобомизнинг “Агар кимки, бизнинг куч-қудратимизга шубҳа қилса, биз қурган иншоотларга боқсин” деган ҳикматли фикри хаёлимда доим айланиб туради. Бизга топширилган ҳар бир объектида қаттиқ назорат асосида иш олиб борамиз. Мақсадимиз – инсонлар учун тез ва сифатли хизмат кўрсатиб, корхонамиз мавқеини янада кўтариш. Корхонамиз қанча кўп бўш иш ўрни яратса, эл қорига яраса, кимнингдир ками тўлса, бундан фақат қувонамиз. Ҳозирда мебель ишлаб чиқариш ва оқатланиш шохобчалари йўналишида ҳам тадбиркорликни йўлга қўйганмиз. Талабга, эҳтиёжга, ишончга лойиқ маҳсулот ишлаб чиқариш асосий шиоримизга айланган.

Дарҳақиқат, Сарвар ака айтганидек, бу қурилиш ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар шу қадар кўпки, уларни санаб ўтишнинг ўзи мушкул. Ташкилот қурувчилари Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Ғузур-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилишида ҳам катта ҳажмдаги ишларни бажаришди. 1996 йилда Амир Темур таваллудининг 660 йиллик юбилейи муносабати билан узунлиги 170, эни 8, баландлиги 12 метр бўлган, 4 та гулдастандан ташкил топган қалъа девори қуриб фойдаланишга топширилди. 2016 йилда эса 72 метрлик худди шу ҳажмдаги қалъа девори ва “Самарқанд” дарвозаси барпо этилди.

Биринчи Президентимиз ташаббуси ҳамда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ил-

мий-ишлаб чиқариш бошқармаси буюртмачилиги асосида Шаҳрисабз шаҳрининг тарихий қисмида Амир Темурга атаб бронзадан ҳайкал қўйилди. Ҳайкалнинг подamenti 4,2x4 метр бўлиб, темир-бетондан ишланган. Ҳайкалнинг айланаси 3 та диаметрдан иборат бўлиб, биринчисининг диаметри 7 метр, иккинчисининг диаметри 18 метр, учинчисининг диаметри 30 метрни ташкил этади. Баландлиги 7,4 метр, оғирлиги эса 20 тонна.

Шу билан бирга, Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Шовот ва Ғазовот каналлини қайта таъмирлаш, Шаҳрисабз туманидаги Мираки қўрғонида қуввати 45 мегаватт ГЭС қурилиши, Тошкент вилоятининг Ангрен туманида Эрташсойда қуввати 2,2 мегаватт бўлган ГЭС қурилиши, Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида гидротехник иншоотлари билан биргаликда 14,8 километр М-2 канал қурилиши, Ғузур туманида “Дўстлик-1,2,3” насос станциялари каби ўта муҳим объектларни ҳам айнан шу жамоа аъзолари бунёд этишган. Бугунги кунда ҳам жамоа аъзолари юртимизнинг кўплаб ҳудудларида қурилиш-бунёдкорлик ишларини давом эттиришмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “Ҳисоракгидроқурилиш” МЧЖ том маънода Қашқадарёнинг фахри ва таянчига айланган. Буни сўнги йилларда рейтинглар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Узоқ вақт давомида тўпланган тажриба, шаклланган аҳил жамоа, сифатли моддий-техник база ўз сўзини айтмоқда. Ўйлаймизки, “Ҳисоракгидроқурилиш” жамоаси бундан кейинги фаолиятида ҳам янгидан-янги марраларни эгаллашда давом этади.

“Ҳисоракгидроқурилиш” корхонаси жамоасини касб байрами билан қутлаб, асрга татигулик яна кўплаб иншоотлар қуришларини тилаб қоламиз.



Қашқадарё  
вилоятидаги

**"NASAF  
PROFI  
SERVIS"**

масъулияти  
чекланган жамият

**ҚУРИЛИШ СОҶАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ  
ДИЁРИМИЗДА КЕНГ НИШОНЛАНАЁТГАНИ ҲАМ  
ХАЛҚИМИЗ ВА ДАВЛАТИМИЗНИНГ  
БУ СОҶАГА БЎЛГАН ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМИДАН  
ДАЛОЛАТДИР.**

Ана шу эзгу байрам барча бунёдкор аҳлига муборак бўлсин.  
Аллоҳ ҳамиша сизларни ўз паноҳида асрасин!  
Қаддингиз ва қадрингиз асло букилмасин!





**«ШАҲАРСОЗЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ  
ЭКСПЕРТИЗАСИ» ДУК  
ва унинг филиаллари жамоалари**



Жонажон халқимиз учун муҳташам иморатларни барпо этишдек масъулиятли касб эгаларини бугунги сана –

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИ  
ХОДИМЛАРИ КУНИ**

билан қутлаймиз!

Улкан бунёдкорлик ишларида буюк зафарлар ёр бўлсин.

Оилавий тотувлик, тинчлик-фаровонлик хонадонингизни асло тарк этмасин.



# Муваффақият янги марралар сари илҳомлантиради

Навоий вилояти мамлакатимизнинг энг йирик саноат ҳудудларидан ҳисобланади. Айниқса, сўнгги йиллардаги йирик лойиҳалар вилоятнинг инвестицион салоҳиятини кескин ошишига сабаб бўлмоқда.



Бугун ушбу заминнинг ҳар бир гўшасида ҳам янгиликлар, улкан бунёдкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ушбу жараёнларда вилоятнинг таниқли лойиҳа ташкилотларидан бўлган “Навоийшаҳарсозлик лойиҳалаш институти” МЧЖ жамоаси ҳам муносиб ҳисса кўшмоқда.

– Лойиҳалаш институтида юксак билим ва 25-30 йиллик тажрибага эга меъмор-муҳандис лойиҳачилар фаолият юритаётгани катта ютуғимиз, – деди институти директори Зиёдилло Худойбердиев. – Албатта, билим ва тажриба, салоҳият бор жойда иш унуми ортади, юқори даромадга эга бўлиб, ходимларга ҳам муносиб меҳнат шароитлари яратишнинг мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам биз яратётган лойиҳаларга талаб ортиб бормоқда.

Навоий шаҳридаги “Хўжалик ҳисобидидаги меъморчиликни режалаштириш ва лойиҳа ишлаб чиқариш бюроси” негизда 2003 йили ташкил топган “Навоийшаҳарсозлик лойиҳалаш институти” МЧЖ ўтган йиллар мобайнида ривож топиб, буюртмаларга нисбатан профессионал ёндашуви тақомил топиб борди. Ҳар бир буюртманинг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда лойиҳалаш соҳасига оид меърий ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлишига алоҳида эътибор қаратилиши боис, буюртмачилар кўнгли доим тўқ.

Давлатимиз яратган шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз лойиҳа ташкилотини тузаётган тадбиркорлар кўп. Бироқ, биринчи галда уларнинг фаолиятига ҳақиқий баҳони буюртмачи беради.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 50 дан зиёд лойиҳа ташкилоти фаолият кўрсатаётган бўлса-да, “Навоийшаҳарсозлик лойиҳалаш институти” МЧЖ жамоаси улар орасида энг илғорларидан ҳисобланиши бежиз эмас. Қурилишда лойиҳа аҳамияти қанчалик муҳим эканини билган жамоа ҳар бир янги буюртмани мукамал тайёрлашга бутун куч ва имкониятларини ишга солади. Мукамал лойиҳалар эса мутахассислардан, жамоадан катта тажриба, профессионаллик талаб этади. Шу боисдан жамият лойиҳачилари доимо изланишда. Ўз билимларини мустаҳкамлаш мақсадида соҳага оид барча янгиликлардан боҳабар бўлиб боришга уринадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 майдаги “Лойиҳа қидирув ташкилотлари фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида “Навоийшаҳарсозлик лойиҳалаш институти” МЧЖ республикамизнинг етакчи лойиҳа-қидирув ташкилотлари рўйхатига киритилган. Мазкур қарор асосида берилган солиқ имтиёзларидан самарали фойдаланиб, институтининг моддий-техника базаси мунтазам ривожлантириб борилди. Хусусан, ўтган давр ичида институтининг 3 қаватли маъмурий биноси қурилди. Жамоага муносиб иш шароити яратиш мақсадида меъмор-муҳандис лойиҳачилар 40 дан зиёд юқори технологияли компьютер техникалари, янги лойиҳалаш дастурлари, 14 та принтер, 6 та кенг форматли плоттер, 10 дан зиёд автотранспорт воситаси билан таъминланди.

Институтида бугунги кунда жами 52 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлса, шундан 40 нафардан ортиғини малакали меъмор-муҳандислар ташкил этади. Шу билан бирга, ҳар йили лойиҳалаш институти ёш кадрлар билан тўлдирилиб борилмоқда. Уларни касбга ўргатиш ва малакасини ошириш борасида “Устоз-шогирд” аънанасига амал қилинади. 2022 йилда 23 нафар лойиҳачи муҳандис “Объектларда муаллифлик назоратини” олиб бориш курсларида ўқитилди ва махсус сертификатга эга бўлишди.

Бугунги кунда лойиҳалаш институти республика иқтисодийнинг турли соҳаларида қурилиш объектларини лойиҳалаштириш ҳамда объектларда геодезия-топография ишларини бажариш ҳуқуқини берувчи 14 та соҳавий йўналиш бўйича 7 та лицензия (руҳсатнома)га эга. 2023 йилда Стандартлаштириш миллий ассоциацияси Халқаро федерациясининг ISO.9001:2015 халқаро ва миллий сертификатларини қўлга киритди.

– Шаҳарсозлик норма ва қоидаларига, меърий ҳужжатларга қатъий амал қилиш, лойиҳалаштириладиган ҳар бир объектни мутахассислар томонидан жойида пухта ўрганиш ва алоҳида ёндашув муваффақиятга эришишимизнинг асосий мезонларидан ҳисобланади, – дейди Зиёдилло Худойбердиев. – Шу билан бирга, қурилиш учун лойи-



ҳалашда бинонинг ташқи кўриниши билан бирга унинг зилзилабардошлиги ва энергия самардорлигини таъминлаш, маҳаллий қурилиш материалларини қўллаш орқали маблағларни тежашга катта эътибор қаратилмоқда.

“Навоийшаҳарсозлик лойиҳалаш институти” МЧЖ узоқ йиллардан бери Давлат инвестиция дастурларининг бажарилишида, шу жумладан, тиббиёт соҳаси тармоқларини қайта қуриш, кенгайтириш, таълим соҳаси объектларини, шаҳар ва қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, саноатнинг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник қайта жиҳозлаш, ижтимоий ва муҳандислик транспорт инфраструктурасини ривожлантириш дастурларини бажаришда ўзининг муносиб ҳиссасини кўшиб келмоқда.

Ҳозирги кунда ҳар бир лойиҳа объекти бўйича лойиҳалаш институти республикамизда ўтказиладиган “Шаффоф қурилиш” тизимидаги электрон тендер савдоларида қатнашиб, ғолиб деб топилган тақдирда буюртмачилар билан шартномалар имзоланади. Бир неча ойдирки “Навоийшаҳарсозлик лойиҳалаш институти” МЧЖ “Шаффоф қурилиш” тизимида лойиҳа ташкилотлари рейтингини бўйича Навоий вилоятида энг юқори ўринни эгаллаб келмоқда. Шу боисдан жамият томонидан яратиладиган лойиҳалар Тошкент шаҳри, Навоий вилоя-

ти ва бошқа вилоятларда ҳам ўз буюртмачиларига эга. Ўзбекистон Республикаси Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг Капитал қурилиш бошқармаси, “Ўзбекэнерго” АЖнинг 4-сонли дирекцияси, “Трансгазинжиниринг” МЧЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Universal Mobile Systems” МЧЖ, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ДУК, “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича” ИК УК Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси, “Навоийсувқурилишинвест” давлат муассасаси ва бошқалар жамиятнинг асосий узоқ йиллик ҳамкор буюртмачилари ҳисобланади.

Лойиҳа институти ходимлари томонидан кейинги 3 йилда бажарилган лойиҳаларни шаҳар ва қишлоқларда қад кўтарган мактаблар, тиббий соҳа объектлари, кўп тармоқли поликлиника ва шифохоналар, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қад кўтарган бир неча кўп қаватли турар жой бинолари, маъмурий бинолар ва саноат ишлаб чиқариш объектлари нисолида кўриш мумкин. Масалан, Навоий шаҳрида 250 қатновли кўп тармоқли поликлиника, 110 ўринли шифохонаси, 40 ўринли туғруқхона мажмуаси, 3 та ихтисослаштирилган мактаб интернат, Нурота туманидаги 325 ўринли “Муруват ногиронлиги бўлган шахслар учун эркалар уйи” учун бино-иншоотлари барпо этилди.

Шунингдек, Навоий шаҳридаги 6-, 8-сонли мактабларни мукамал таъмирлаш ва қўшимча 630 ўринли ўқув блоги қуриш, Навоий шаҳридаги имконияти чекланган болалар учун 16-сонли МТМ, 14-сонли 300 ўринли МТМ биноларини реконструкция қилиш, Навбахор туманида “Баркамол авлод” Болалар ижодиёт маркази биноси, Навоий шаҳрида “Технопарк” биноси, Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Томди туманида давлат хизматлари маркази бинолари, вилоят Адлия бошқармаси биноси, Хатирчи туманидаги Тасмачи, Учтепа, Маданият, Қўрғонча маҳаллалари ва Қизилтепа туманидаги “Маликработ”, “Хафизқариён”, “Яшнобод”, “Ободдиёр”, “Оқмачит” ва “Ғамхўр” МФЙ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш объектлари, Қизилтепа туманида “Микрокредитбанк”, вилоят Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси маъмурий бинолари, “Қизилқумцемент” АЖ худудида Россия Федерациясининг “НАТЭК” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида 4-технологик линияни қуриш, завод худудида бир қанча ишлаб чиқариш объектлари, ишлаб чиқариш цехларини қайта қуриш, модернизация қилиш, Зарафшон шаҳрида Шиша ойнаси ишлаб чиқариш заводи каби объектлар бугунги кунда қуриб битказилиб, халқимизга фойдаланишга топширилган.

Республикамиз қурувчиларининг касб байрами арафасида юқорида кўрсатиб ўтилган соҳа объектларини лойиҳалаштиришда тажрибали меъмор-муҳандисларнинг ўрни беқиёс эканини таъкидлаб ўтмасликнинг иложи йўқ, албатта.

Айни пайтда институтда 4 та соҳавий лойиҳалаш бўлими ва 1 та топография-геодезия бўлими фаолият кўрсатиб келмоқда.

1-бўлим тажрибали муҳандислардан ташкил топган бўлиб, sanoat қурилиш объектлари ва комплексларини лойиҳалаш билан шуғулланади. Лойиҳа бўлим бошлиғи (Лойиҳа бош муҳандиси) О. Мўминов институтда 1998 йилдан бери ишлаб келмоқда. Тажрибали раҳбар-муҳандис Москва қурилиш муҳандислари институтини 1985 йилда муваффақиятли тугатиб, узоқ йиллар Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида фаолият олиб борган. Мутахассис 1998 йилгача Навоий қурилиш бошқармаси-

да турли лавозимларда ишлаган. Бўлимда 12 нафар меъмор ва муҳандис фаолият юритади. Бош конструктор М. Хамроев, I тоифали конструктор С. Тогаев, лойиҳа бош меъмори Н. Собиров, бош режа муҳандиси М. Эбодуллаевлар узоқ йиллардан бери шу корхонада фаолият юритиб, лойиҳалаш институтининг фахри ҳисобланишади.

2-бўлим (Ш. Шарипов – Лойиҳа бош муҳандиси) ижтимоий соҳа объектларини лойиҳалаш билан шуғулланади. Бўлимда тажрибали, I тоифали муҳандис С. Ярбабаев, II тоифали муҳандислар Ф. Рахмонов, А. Раззоқов, А. Худойбердиев, лойиҳа бош меъмори Ж. Кувандиков каби 12 нафар меъмор-муҳандислар фидокорона меҳнат қилиб келишмоқда.



3-бўлим ичимлик суви, оқава сув иссиқлик таъминоти, шамоллатиш тизими (вентиляция), энергетик тизими объектларини лойиҳалаш билан шуғулланади. Бўлим бошлиғи (У. Хидиров – Лойиҳа бош муҳандиси) бошчилигида Г. Самадов, Н. Жумаев, Х. Хафизов, Н. Авезов каби 10 дан зиёд малакали муҳандисларни фахр билан тилга олсак, арзийди.

4-бўлим вилоятларда сел тошқини хавфини олдини олиш, ирригация ва мелиорация

объектларини қайта қуриш (реконструкция) ва таъмирлаш тиклаш объектларини лойиҳалаштиради. Бўлим бошлиғи (Р. Шукуров – Лойиҳа бош муҳандиси), муҳандислар Т. Умаров, Б. Норбоевлар каби лойиҳачилар узоқ йиллик тажрибага эга бўлган малакали мутахассислардан ҳисобланади.

5-бўлим топография ва геодезия ишларини бажариш бўлими, объектларда топо-тасвир, геодезия ишлари билан шуғулланади. Бўлим муҳандислари ҳозирги замон ўлчов воситалари (асбоблари), 5 та GPS приёмниклари, 2 та электрон тахеометрлар билан таъминланган. Бўлимда 8 нафар топограф-геодезист муҳандислар меҳнат қилади. Бўлим бошлиғи Ж. Жумаев, топограф О. Туррапов, тажрибали геодезистлар У. Мусаев,

ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини тугатиб, “Ўзгипроводхоз” лойиҳа институтида 6 йил фаолият юритиб, лойиҳалаш бўйича катта тажрибага эга бўлди. Ундан сўнг, 14 йил давомида Навоий шаҳридаги Хўжалик ҳисобидаги меъморчиликни режалаштириш ва лойиҳа ишлаб чиқариш бюросида раҳбар лавозимида фаолият юритди. Раҳбарлик соҳасидаги устозлари Б. Ҳамдамов, М. Богачев, касб бўйича устозлари А. Турматов, О. Ёқубов, Ю. Линкевичлардан соҳа сирларини пухта эгаллади. Кўп йиллар Навоий шаҳар ҳоқими лавозимида ишлаган устози Б. Ҳамдамовдан бошқарув тизимида тўғри қарор чиқаришни, ишни пухта ва мукамал ташкил этишни ўрганди. Раҳбар, ёш истиқболли лойиҳачи кадрларни соҳага жалб этишга етарли эътибор қаратиб келмоқда. У ўз ўрнида ишини сифатли, ўз вақтида ҳалол бажариб келаётган ходимларни муносиб рағбатлантириб келмоқда.

Зиёдилло Расулович ҳалол ишлайдиган мутахассисни танлай олиш, унинг меҳнатига яраша яхши маош тўлаш ва ходимлар меҳнатини қадрлаш билан корхонада алоҳида ҳурматга эга. Зиёдилло ака мудом қайноқ жаранларда, янги лойиҳалар устида иш бошлар экан, республикамизнинг турли ҳудудларидан тушаётган буюртмаларни шахсан ўзи жойига қиқиб ўрганади. Ўз тақлифларини билдириб, жамоа мутахассисларининг фикрларига қулоқ тутди.

Зиёдилло Расуловичнинг бугунги кунда кўплаб шогирдлари бор. Хусусан, ўғли Алишер Худойбердиев ҳам ота изидан бориб, архитекторлик касбини танлади. Бугунги кунда у устозларидан ўрганган билим ва иқтидорини ишга солиб, масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Alisher Buildings Project” корхонасини ташкил этиб, лойиҳалаш ишларини мустақил равишда олиб бормоқда. 8 йил ичида республиканинг турли ҳудудларидан буюртмалар оладиган даражада профессионаллаш жамоага эга бўлди.

“Навоийшаҳарсозлик лойиҳалаш институти” МЧЖ жамоаси томонидан ишлаб чиқарилган лойиҳалар юқори баҳоланиб, муваффақият қозонгани аҳил жамоани янада юқори марраларни эгаллашга ундайди ва янги гоёлар сари илҳомлантириб боради.

## НАВОИЙШАҲАРСОЗЛИК ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ

**Қадрли ва азиз қурилиш соҳаси жонкуярлари!  
Лойиҳачи, архитектор, қурувчи-муҳандислар!  
Барчангизга касб байрами муборак бўлсин!  
Давлат ва жамият равнақи, қурилиш соҳаси ривожини  
йўлида олиб бораётган сермашаққат ва самарали  
меҳнатингизда сизларга улкан муваффақиятлар  
ёр бўлсин!**



## Эл дуоси – ҳар нарсадан устун

Навоий вилоятидаги “Бектош” МЧЖ ташкил этилганига ўттиз йил тўлди. Бир инсоннинг етуклик ёшига тенг вақт оралиғида корхонада катта ўзгаришлар, ривожланишлар юз берди. Бошида тўрт-беш киши билан иш бошланган бўлса, бугунга келиб 70 нафар доимий, 35 нафар мавсумий ишчи-хизматчи фаолият юритмоқда. Қурилишдан ташқари, корхона таркибида таъмирлаш цехи, эшик-ром ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Қолаверса, замонавий техникалар етарли экани сабаб бунёдкорлик ишлари сифатли бажарилмоқда.

Дарҳақиқат, охириги 4 йил давомидаги фаолиятига назар солинса, жамият томонидан Хатирчи тумани марказида бир қатор намунавий ва кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа объектлари, боғча, мактаблар қурилганини кўриш мумкин.

2022 йилдан бошлаб туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Бектош” МЧЖ жамоаси сув қувурларини қуриш ишлари билан ҳам шуғулланишга киришди. Жумладан, “Фидокор” МФЙда 30 километр, “Худдон” МФЙда 40 километрлик қувурлар қурилгани натижасида аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Булардан ташқари, “Авоқли” МФЙ биноси янгидан қуриб берилди. Очiq бюджет маблағлари ҳисобидан “Чечакота” МФЙдаги мактаб биноси жорий таъмирланиб, кўшимча амалиёт хоналари

қурилди. Бундай мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Корхона раҳбари тadbиркор Худойкул Улугов жорий йилда ўз маблағи ҳисобидан “Мустақиллик” МФЙда 5 қаватли турар жой биноси ва маиший хизмат объектларини қуриш ишларини олиб бормоқда. Яқинда бу объектлар ўз эгаларига топширилади.

Худойкул ака нафақат Хатирчи, балки вилоятдаги ёши улуг, тажрибали қурувчи тadbиркорлардан ҳисобланади. Бу йил 65 ёшни қаршилаётган ишбилармоннинг шоғирдлари ҳам бисёр. Улар сафида фарзандлари ҳам ота касбини эгаллаб, жамият ишларини юртишда кўмак бермоқда.

– Олти нафар фарзандимнинг барчаси олий маълумотли, – деди қаҳрамонимиз мамнунлик билан. – Катта ўғлим Бекзод Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш

университетининг иқтисодиёт факультетини битириб, корхонанинг бухгалтерия ишларини юритяпти. Шуҳрат врач, Шерзод ва Жавлон ҳам архитектор, икки қизим Дилдора ва Нигора мактабда ўқитувчи. Ҳозирда турмуш ўртоғим Фотима Улугова билан фарзандлар ва 21 нафар неvara қуршовида бахтли ҳаёт кечираймиз.

Ҳаёт – кураш, деганлари рост. Худойкул Улугов ҳам болалик чоғларида ҳаётнинг оғир кунларини кўрган. Отадан 10 ёшида етим қолган, онаси эса Олтинсойнинг даштидан чиққан оддий аёл, бунинг устига туғма нуқсони бўлиб, сўзлай олмасди. Тўрт нафар фарзандни имконияти чекланган аёл боқиши, вояга етказиши керак эди. Ўша кезлардаги кечинмалар Худойкул акани мустақил ҳаётга тоблади. Мактабни тугатгач, Бухоро қурилиш техникумида ўқиди. Вок-



залда юк тушириб, ўқиши ва яшаш учун пул топарди. Техникуми битиргач, туман агропромига ишга жойлашди, ҳарбий хизматни ўтаб келгандан сўнг қурилиш бўлимида прораб бўлиб ишлади. Кейинроқ Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти (ҳозирда СамДАҚУ) сиртки бўлимини тугатиб, биноларни таъмирлаш бўйича туман бўлимида раҳбар бўлиб ишлади.

Шу боис, Худойкул ака эришган барча натижалари онасининг дуоси, розилиги сабаб бўлганини таъкидлайди.

– Ҳозирча бирон бир Давлат мукофотига сазовар бўлганимча йўқ, лекин мен учун элимизнинг дуоси ҳар нарсадан устун, – деди у кулиб суҳбатимиз сўнггида. – Инсон меҳнати қадр топган юртимизда қурилиш соҳаси устозлари, фидокорлари ҳамisha эл-юрт эътиборида, эъзозидадир. Негаки, улар томонидан амалга оширилаётган ишлар халқимиз ҳаётини яхшилаш, шаҳар ва туманлар қиёфасини кўркам кўринишга келтириш орқали юртимизда бунёдкорлик салоҳияти ўсишига ҳисса қўшиб келаётгани билан аҳамиятлидир.

## “Alisher Quruvchi Servis” ХК юзлаб оилаларга қувонч бағишляпти

Бугун юртимизнинг барча ҳудудлари сингари Навоий вилоятида ҳам шинам уй-жойлар, замонавий типдаги мактаб, мактабгача таълим ташкилотлари, кўплаб бошқа иншоотлар барпо этилмоқда ва бу ҳудуд кўркини янада очмоқда. Бу жараёнда, албатта, заҳматкаш қурувчилар меҳнатини алоҳида таъкидлаш лозим.



“Alisher Quruvchi Servis” хусусий корхонаси жамоаси ҳам ана шундай ободлик ва бунёдкорлик йўлида фаол. Корхона раҳбари Шоназар Саидов Тошкент архитектура-қурилиш институтини тамомлаб, соҳанинг сир-асрорларини пухта ўзлаштирган инсон сифатида жамоадошларига бош бўлиб кел-

моқда. Унинг ўзига хос принциплари мавжуд: ҳар қандай объект, энг аввало, сифатли қурилиш шарт. Бунинг учун эса қурувчи виждонан ишлаши керак.

Шу боис, ушбу корхона томонидан вилоятда барпо этилган ёки энди қуриляётган ҳар бир объектда ишчи-ҳодимлар чин дил-

дан меҳнат қилишади. Улар келгусида ўзлари қурган ёки таъмирлаган иншоотдан фойдаланган кишилар миннатдор бўлиши учун жон куйдиришади.

Корхона жамоаси томонидан ўтган йиллар давомида барпо этилган ана шундай иморатлардан Зарафшон шаҳрида “O’zshahar qurilish invest” ИК МЧЖ буюртмасига асосан 7 қаватли 2-3 хонали 42 хонадонли турар жой биноси, “Навоий қишлоқ қурилиш” ИК МЧЖ буюртмасига асосан Навоий шаҳридаги 18-кичик туманда ички ишлар ходимлари учун 5 қаватли 2-3 хонали 30 хонадонли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Бундан ташқари, Навоий шаҳридаги “Ёшлик” спорт мажмуасида жойлашган коронавирустан даволанишга ихтисослаштирилган ётоқхона, “Навоий қишлоқ қурилиш” ИК МЧЖ буюртмасига асосан Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳридаги sanoat зонаси ҳудудида Давлат хавфсизлиги хизмати Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун битта 4 қаватли 32 хонадонли уй-жой қурилиши амалга оширилди. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмаси асосида Навоий шаҳридаги 51-сонли ётоқхона биноси жорий таъмирланди. Навбахор туманидаги “Учтут” МФЙ биноси ва Хотира майдони, “Маҳалла” МФЙ ҳамда 26-мактаб биноларини реконструкция қилиш ишлари ҳам шу жамоа меҳнаткашлари маҳсулидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 мартдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини

ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида корхона томонидан Навоий вилоятининг Кармана тумани “Талқоқ” МФЙ массивида 2 та 5 қаватли 20 хонадонли ҳамда “Дўстлик” МФЙ “Янги Ўзбекистон” массивида 4 та 5 қаватли 20 хонадонли турар жой бинолари қуриб, фойдаланишга топширилди. Бугун бу уйлارнинг соҳиблари қурувчиларни дуо қилиб яшамоқдалар.

Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига асосан Навоий шаҳридаги “Бунёдкор” МФЙ ҳудудида Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Навоий филиалини реконструкция қилиш, “Мурувват” МФЙ ҳудудида собиқ “Меҳрибонлик уйи”нинг бўш турган биносини мукамал таъмирлаш, 840 ўринли мактаб биносига мослаштириш объекти, Давлат хавфсизлик хизмати бошқармаси буюртмасига асосан Хатирчи туманида стритбол майдончасини қуриш ишлари ҳам “Alisher Quruvchi Servis” хусусий корхонаси ходимлари томонидан амалга оширилган.

Қурувчилик энг савобли касблардан бири десак, муболаға бўлмайдди. Чунки улар қурган иморатда қанчадан-қанча оилалар бахтли ҳаёт кечиради, фарзанд кўриб, тўйлар қилади. Шу жумладан, “Alisher Quruvchi Servis” корхонаси қурувчилари ҳам вилоятдаги юзлаб оилаларга қувонч бағишлаб келаётганидан ҳар қанча фахрланса арзийди.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ



МАМЛАКАТИМИЗ  
ОБОДЛИГИ, ШАҲАР ВА  
ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ  
БУГУНГИ ҚИЁФАСИНИ  
ЯРАТИШГА БЕЛ  
БОҒЛАГАН СОҲА  
ХОДИМЛАРИНИНГ  
БАРЧАСИГА

## КАСБ БАЙРАМИ

МУБОРАК БЎЛСИН.  
ҲУДУДЛАР КЎРКАМЛИГИ  
ВА ЮРТ РИВОЖИ УЧУН  
ҚЎШАЁТГАН ҲИССАНГИЗ  
ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ.  
АЗИЗ БОШИНГИЗ ДОИМО  
БАЛАНД БЎЛСИН!



# “Elobod city”

## ёхуд келажак шаҳрига саёҳат

Давлатобод туманидаги “Elobod city” МЧЖ томонидан барпо этилган кўп қаватли турар жойлар бири-бирдан бежирим ва муҳташамлигини беазагу виқорида намоён этиб, кўз-кўз қилиб турибди. Бундай ўн олти қаватли бинонинг камёблиги, аниқроғи ҳозирча Наманган вилояти бўйича Тўрақўрғон кўчасидагина салобат тўкиб туриши чиндан-да эътироф ва ҳайратга лойиқ.



Мазкур шаҳарчага кирсангиз, таассуротларингиз янада жилоланади. Шаҳарсозликдаги бундай янги ва замонавий услуб ривожланган мамлакатларга хос бўлган бугунги қиёфа, аслида. Беш, етти ва кўпи билан тўққиз қаватли уйлар Наманган учун янгилик эмас. Аммо ўн олти қават...

Корхона жамоаси томонидан барпо этилаётган иморатлар орасида 16 қаватли уйлардан иборат ушбу шаҳарча бугун энг йирик мажмуалардан бири сифатида кўпчиликнинг эътиборида. Шу боис, осмонўпар бинолар бунёдкорлари билан суҳбатлашиб, қурилиш жараёни билан яқиндан танишишни мақсад қилдик.

Ўзини “Elobod city” МЧЖ менежериман, деб таништирган Қобилжон Турсунов шаҳарчанинг қурилиш тарихи ва истиқболдаги режалари ҳақида қуйидагиларни баён қилди:

– Юртимиз равнақи ва ободлигига муносиб ҳисса қўшиш ниятида 2021 йил июль ойида Давлатобод туманидаги Тўрақўрғон кўчасида дастлабки турар жой мажмуасини қуришни бошлаган эдик. 1-босқичда 90 хонадонли 10 та 16 қаватли уйни битказиб, ўз соҳибларига топширдик. Кейинги босқичда қурилиш майдонимиз кенгайиб, бугунги кунда салкам 1,7 гектарга етди. 1 000 нафарга яқин фуқаро ўз хонадонига кўчиб кирди. Умумий ҳолатда – тўрт босқичда жами 22 та уйдан 12 таси фойдаланишга топширилган, 4 таси сотувда ва харидорлар кўчиб киришда давом этмоқда. 6 таси шу ойдан сотувга чиқарилади. Мижозларга сифатли коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда электр ва газ таъминотида доимо барқарорлик

таъминланиши юзасидан барча зарур чоралар кўрилган. Бу тизим куз-қиш иситиш мавсумида ҳам узлуксиз ишлайди.

Корхона мутахассисининг таъкидлашича, уй-жойлар сифатли ва шинам бўлиши учун талаб даражасидаги мутахассис-ҳодимлар ҳамда барча техника воситалар мавжуд. Турли ҳудудларда ишлаб тажриба ортириб, малакасини оширган қурувчи ва муҳандислардан ташкил топган пудратчилар эса зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, ўз вазифасини сидқидилдан адо этмоқда. Булар орасида чет эллик мутахассисларнинг ҳам борлиги айтиш мумкин. Шундан бўлса керак, воҳа томон ва қўшни вилоятлар мутасаддилари ҳам “Elobod city” МЧЖни ҳамкорликка чорлашмоқда. Бу эса кўп қаватли турар жой массивларини қуришда Наманган тажрибасини омалаштиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

Жамоа аъзолари изланишдан, ўрганишдан ва қуришдан тўхтамасдан, янги марраларни забт этиш ниятида фаолиятини кенгайтирмоқда. Келгусида яна 50 та ана шундай кўп қаватли турар жойни қуриш – уларнинг бугунги кундаги асосий мақсади.

– Фаолиятимиздаги асосий ширимиз – мустаҳкамлик ва сифат, – деди “Elobod city” МЧЖ иш юритувчиси Акбаржон Холдоров. – Қурилиш ишларида барча жараёнлар амалдаги стандарт талабларига тўла мувофиқ бўлгани ҳолда, фойдаланилаётган ҳомашёларнинг тури ҳам илмий адабиётларда белгиланган мезонларга мос бўлиши шарт. Бунинг учун қурилиш материалларини етказиб берадиган ишлаб чиқарувчилар



билан шартнома имзолаганмиз ва сифатни доимий назорат қилиб борамиз. Бу борада Наманган вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси доимий ҳамкоримиздир. Келтирилган арматура ва цементнинг ҳар бир

партиясини лабораторияда текшириб кўрамиз. Таркибию компонентлари тоза ва рисоладагидек бўлсагина, фойдаланишга рухсат берилади. Бу борада энг ишончли ишлаб чиқарувчилар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Арматураларни бир-бирига боғлаб

тўқиш ишларига юқори малакали мутахассисларни жалб қилганмиз. Ўзаро бириктириб тўқишда яма махсус маркали симдан фойдаланилади. Мос равишда бетон қуйишда цементнинг энг мақбул маркалиси ишлатилади. Бинонинг асоси ҳисобланган фундаментини мустаҳкам бўлиши тупроқ қатламининг қаттиқлигига бевосита боғлиқдир. Бунинг учун махсус қатламлар ҳосил қилинади.

Масалан, биз қурилиш олиб бораётган ўринларда ернинг қаттиқ қатлами 3,8 метрда чиқди. Бу қатлам ҳам махсус вибраторли техника воситасида шибланади. Ушбу қатлам текширувдан ўтказилгач, талабга мос бўлса кейинги босқични давом эттириш мумкин бўлади. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, бинонинг фундаментидан тортиб, охиригача қаватигача бажарилган ишлар ниҳоятда ҳушёрликни ва аниқликни талаб қилади. Бу эса биз қурувчилар зиммасидаги масъулият ҳисобланади. Шукрки, ҳозиргача биз қурган уйларда яшаётган бирор юртдошимиз норози бўлгани йўқ.

– Шаҳарчадаги уйнинг 13-қаватида яшайман, – деди 2022 йилда бу ерга кўчиб келган Мунаввархон Мамадалиева. – Шароитлари жуда яхши, қишда газ, сув ва электр таъминотида муаммо бўлмади. Лифтлар ҳам доимий равишда ишлайди. Айниқса, ҳовлидаги озодликни кўриб, баҳри дилимиз очилади. Болалар майдончаси ва турли дўконларнинг шундоққина эшигимиз тагида барпо этилгани ҳам биз учун яна бир қулайликдир.

Демак, бу юртда ҳаммаси инсон қадрини учун! “Elobod city” мажмуаси ҳам одамларни рози қилиш йўлидаги ислохотлар изчиллигининг дебечасидир.

# “ЎЗОГ’ИРСАНОАТЛОЙИНА” соҳада жонбозлик кўрсатишда давом этмоқда

Фаолиятини бошлаганига қарийб 82 йил бўлган “ЎЗОГ’ИРСАНОАТЛОЙИНА” АЖ мамлакатимиздаги бунёдкорлик ишларига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

1941 йилда ташкил этилган ва 2010 йил 23 февралдан бошлаб очиқ акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатиб келаётган институтда айтилган пайтда 200 дан ортиқ малакали ходим иш олиб борапти. Уларнинг орасида узок йиллик иш фаолиятига эга етук тажрибали мутахассислар кўп. Шунингдек, жорий йилда бир гуруҳ ходимлар малака ошириш мақсадида БАА, Германия, Хитой, Кипр Республикаси ва бошқа давлатларда бўлиб, соҳадаги энг сўнги янгиликлар ҳамда илғор тажрибаларга эга бўлиб қайтишди.

2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида Қурилиш ва ипотека соҳаларида ислохотларни жадаллаштириш ҳамда архитектура йўналишидаги олий таълим муассасаларини трансформация қилиш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган



видеоселектор йиғилиши баёнига асосан, лойиҳалаш ишларига рақамли моделлаштириш усуллари жорий этиш вазифаси

белгиланган эди. Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида институтнинг архитектура-қурилиш ва муҳандислик секторлари мутахассислари учун биналарни ахборот моделлаштириш технологиялари (BIM) бўйича малака ошириш ўқув-курслари ташкил этилиб, мутахассислар ўқитилди ва махсус сертификатларга эга бўлишди. Мутахассислар ҳозирги кунда BIM технологияларини амалда татбиқ этиб, “REVIT” дастурида лойиҳалаш ишларини олиб боришапти.

2023 йил институт учун баракали келди, дейиш мумкин. Хусусан, муассасанинг Қурилиш иншоотлари синов лабораторияси энг сўнги замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкам-



лаш йўлида ҳамкорликда олиб борилган ишлари учун институтнинг раҳбар ходимлари Мудофаа вазирлигининг буйруғига асосан “Намунали хизмати учун” кўкрак нишони билан тақдирланишди.

Ҳозирда “ЎЗОГ’ИРСАНОАТЛОЙИНА” АЖнинг Бино ва иншоотларни текшириш ва ягона техник ечимларини ишлаб чиқариш бўлими томонидан объектларнинг қурилиш конструкциялари элементларини техник ва инструментал кўриқдан ўтказиш бўйича барча хизматлар республика миқёсида тақдим этиб келинмоқда. Бўлимнинг махсус сертификатга эга малакали мутахассислари соҳада катта тажриба ва кўникмага эга. Бу эса ўз навбатида, хизматларнинг юқори сифатли амалга оширилишини кафолатлайди. Барча ишлар мазкур соҳада қабул қилинган амалдаги меъёрий ва ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ бажарилади.

Институт томонидан ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида жорий йилда ҳам қатор бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Тошкентдаги Ислон цивилиза-

ция маркази, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Жиззахдаги BYD автомобилларини ишлаб чиқариш заводи ва бошқа бир қатор объектларда қурилиш ишлари жадал кетяпти. Ҳар бир иншоот қай даражада пухта бўлиши ишлаб чиқилган лойиҳага бевосита боғлиқлигини яхши англаган институт жамоаси ўзлари яратётган лойиҳаларнинг талаб ва стандартларга мослигига катта эътибор қаратишади.

Ушбу акциядорлик жамиятининг амалга оширишни кўзлаб кўйган қатор режалари ҳам бисёр. Хусусан, келгусида “Ўзавтосаноат” АЖ билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, биргаликда қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, йўл қурилиши бўйича тендер савдоларида қатнашиб, йирик лойиҳаларни амалга ошириш ҳам мақсад қилинган.

Бир сўз билан айтганда, “ЎЗОГ’ИРСАНОАТЛОЙИНА” АЖ соҳада қилаётган салмоқли ишлари билан юрт равнақи, бунёдкорлик салоҳиятига ҳам катта ҳисса қўшишда давом этмоқда.



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
AKSIYADORLIK JAMIYATI  
**ЎЗОГ’ИРСАНОАТЛОЙИНА**  
I N S T I T U T I

Ўртимиз ободлиги ва равнақи учун меҳнат қилиб келаётган барча қурилиш соҳаси ходимлари – архитектор, лойиҳачи, муҳандис ва қурувчиларни касб байрами билан табриқлаймиз. Ушбу шарафли вазифани чин дилдан адо этишингизда куч-қувват, сўнмас ҳайрат ва шижоат тилаймиз.

[/proektloyiha](#) [/uzogirsanoatloyiha\\_proekt](#)  
[/uzogirsanoatloyiha](#)  
+99871 268 99 19 [+99871 268 99 15](#)

# “U. Sh. Sabina” да ишлар аъло

*Хунарни асрабон неткумдир охир,  
Олиб туфроққаму кетгумдир охир.*

Пайариқлик қурувчи Беҳзод Кулбулдиев билан ҳар гал суҳбатлашганимда ана шу ибратомуз байт ёдимга келаверади. Беҳзоджон етакчилигида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, унгача отаси Амир Кулбулдиевнинг туман, вилоят солиқ идораларидаги фаолияти, кейинчалик кўп тармоқли фирма ташкил этиб, эзгу юмушларга қўл ургани кўз ўнгимизда намоён бўлаверади.

Беҳзоднинг отаси 2003 йилда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш мақсадида ўз фирмасини ташкил этишни ният қилади. Афсуски, орадан кўп ўтмай, 2007 йилда у автофалокат туфайли оламдан ўтади. “От ўрнини той босар”, деганларидек Беҳзод отаси

бошлаган ишни давом эттиришга аҳд қилди. Айни пайтда у тумандаги “U. Sh. Sabina” қурилиш корхонасининг раҳбари, эл олқишига сазовор бўлаётган юртдошларимиздан бири. Тадбиркорликка яхшигина укуви бўлган укаси Жасурни ҳам ёнига олди. Дастлаб, ака-ука қурувчилар мактаб ва мактабгача таълим ташкилотларида таъмирлаш ишлари билан шуғулланишди. Кейинчалик эса янгидан режалаштирилаётган иншоотлар қурилишига киришдилар.

Беҳзод Кулбулдиев тажрибали бунёдкорлар билан яқин алоқани йўлга қўйди, уларнинг маслаҳатларига кулоқ солди, корхонасига таклиф этиб, биргаликда ишлай



ни аҳли ҳавас қилади. Ота, Амир Кулбулдиев молия идораларидаги хизмати туфайли обрў орттирган бўлса, Розал она савдо ходими сифатида эл олқишини қозонган. Эндиликда оилада камол топган уч нафар қиз ва икки нафар ўғил ана шу аънанани давом эттирмоқда.

– Корхона раҳбари сифатидаги биринчи мустақил ишмини тумандаги 83-мактаб биносини бунёд этишдан бошлаганман, – деди Беҳзод Кулбулдиев. – Кейин жамоамиз билан 87- ва 51-мактаблар бинолари қурилишини амалга оширдик. Челақ бозорининг қайта реконструкцияси ҳам ташкилотимиз зиммасига тушди. Туман солиқ инспекциясига қўшимча объект қурдик. Янгидан ташкил этиладиган иккита мактабгача таълим ташкилоти учун бинолар барпо этдик.

Жамият қурувчилари тажриба ва имкониятларни бойитган сайин тобора каттароқ буюртмаларга қўл ура бошлади. Хусусан, 2020 йилда қурилиши бошланган Янги бозор ҳудудидаги 60 хонали 5 қаватли турар жой биноси ана шундай муҳим иншоотлардан бири эди. Бугунги кунда ҳам жамият қурувчилари туман ҳудудида 230 хонадонли 3 та кўп қаватли уй қурилишида жавлон уриб, меҳнат қилишмоқда. Қурилишга асосий ходимлардан ташқари 110 нафар мавсумий ишчи жалб этилган.

“U. Sh. Sabina” МЧЖ қурувчилари бугун катта тажрибага эга ходимлар билан ойдин йўлдан бормоқда. Улар Самарқанд вилоятидаги муҳим қурилиш ишларида фаол иштирок этишяпти. Бундай масъулиятли вазифаларни бажаришда жамият раҳбари Беҳзод Кулбулдиев жамоага муносиб равишда етакчилик қилаётган маҳоратли инсонлардан бири, десак адашмаймиз.

бошлади. Иш юритувчиси Келдиёр Йўлдошев эса жамоада малакали қурувчилар кўп экани, улар чин кўнгилдан ишга берилгани, сифатга алоҳида эътибор қаратишлари ҳақида гапиришдан чарчамайдиганлардан. Техника бўйича назоратчи Улуғмурод Умрзоқов Беҳзоднинг отаси хусусий корхона ишини йўлга қўйган пайтларда мазкур жамоада прораблик қилган. Кўпдан буён ишлаб келаётган бу инсон Беҳзоднинг тўғри йўлдан боришига кўмаклашиб, касб сирларини қунт билан ўргатмоқда. Сабаби, у тажрибали қурувчи, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетини битирган етук мутахассис.

Кулбулдиевлар оиласига Пайариқ туманидаги “Навбахор” маҳалла фуқаролар йиғи-



## “МАРОҚАНД БУНЁДКОР ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲА”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

**ҚУРИЛИШ СОҲАСИ  
ХОДИМЛАРИ КУНИ  
билан табриклаймиз!**



Аҳолини уй-жойли қилишдек савобли касбда фаолият юритиб келаётган азиз бунёдкорларга байрам муборак бўлсин. Касбий фаолиятингизга муваффақият, оилангизга тинчлик-омонлик, файзу барака тилаймиз.



МАРОҚАНД  
БУНЁДКОР  
ҚУРИЛИШ  
ЛОЙИҲА



# Шижоатли бунёдкорлар жамоаси

Мамлакатимиздаги ҳар бир олий таълим даргоҳининг зиммасига салоҳиятли, билимдон кадрлар тайёрлаш вазифаси қўйилганки, бу муҳим масала ўз ўрнида юксак масъулият ва катта ишонч ҳамдир.



Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети жамоаси ҳам доимий равишда шундай улғу ва эзгу ишларни амалга оширишда ғайрат кўрсатмоқда. Аслида, республиканинг исталган шаҳару қишлоқларида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида Самарқанд, хусусан, СамДАҚУ тайёрлаган мутахассисларнинг иштироки бор, десак муболаға бўлмайди.

Сабаби, ўқув муассасаси тарихининг ёрқинлиги, бугунги мавқеининг юқорилиги, тайёрлаб бераётган кадрларининг жуда кўп ҳудудларда самарали фаолият кўрсатаётгани билан боғлиқ.

Айни пайтда мазкур олий таълим даргоҳининг қурилиш-лойиҳа ташкилотлари, sanoat корхоналари, ишлаб чиқариш соҳасига кўплаб юксак билимли мутахассисларни етказиб бериши эмас, ўша кадрлар бешигининг ўзидаги бунёдкорлик ишлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Гап шундаки, бу гал бўлажак қурувчилар

ўқийдиган олийгоҳда каттагина бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг учун “ТошбошланЛИТИ” ДУК томонидан йирик қўшимча бино учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди. 3 минг нафар талабага мўлжалланган янги корпуснинг беш қаватли ўқув корпусини қуриш вазифаси тендер савдолари натижасига кўра ғолиб чиққан, катта тажрибага эга “Samtexnostroy” МЧЖ бинокорлари зиммасига юклатилди. Илгари ҳам университетнинг қатор иншоотларини бунёд этиш, капитал ва жорий таъмирлашда доврў таратган жамоа айни пайтда бу ерда чинакам жонбозлик кўрсатаяпти.

– Бунёдкорларимиз зиммаларидаги қурилиш ишларини белгиланган муддатда, ҳар тарафлама пухта ва мукамал шаклда амалга оширишга аҳд қилишган, – деди жамият иш юритувчиси Барот Шакиров. – Уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитлар мавжуд. Жами бажариладиган ишлар ҳажми 221 миллиард сўмни ташкил этади. Сифат ва унумдорликка жиддий эътибор



қаратяпмиз. Ишчи кучи етарли. Малакали ходимлар, мутахассислар лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ ишни ташкил этишга оқилонга ёндашаётдилар. 120 та техника – машина-механизмлардан унумли фойдаланилаётир.

Айтиш жоизки, Самарқандда ўз ишининг усталари, моҳир қурувчилар кўп. “Samtexnostroy” МЧЖ таъсисчиси Мизробжон Тошов улардан бири ҳисобланади. Ўзи ёш бўлсада, нафақат вилоятда, балки республикага танилиб улгурган бу шижоатли бунёдкорнинг юртимиз ободлигидаги хизматлари катта. Хусусан, СамДАҚУ учун янги бинолар қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида олқишга лойиқ.

– Қурувчилик соҳасига қизиқишимнинг сабаблари бор, – деди Мизробжон Маҳмудович. – Самарқанд туризм коллежида ўқиб юрган пайтларим японча аниқлик ва ҳисоб-китобни ўрганишга аҳд қилгандим. Шу мақсадимни амалга ошириш ниятида

Япониядаги бизнес мактабида таҳсил олдим. Аммо қурилиш назарияси, иқтисодий тежамкорлик, қисқа фурсатда кўпроқ сармоя топиш, одамлар кучи, имкониятга таяниш, юртга наф келтириш усулларини ўзлаштириш ҳаётимни ўзгартириб юборди. Қолаверса, устозларим Мамажон Муҳиддинов, Жамол Исроилов ва япониялик Ямомото Машаёши насиҳатларига қулоқ тутиб, бизнес техникасини ривожлантиришга киришдим.

Мизрабжон Тошев қурилиш соҳасига қадам қўйган пайтлариданоқ хорижликлар билан ҳамкорлик қилишга, уларнинг тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қилди. Дастлаб, у Хитойдаги қатор фирмалар билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бунда унинг хориж тилларини яхши билгани тўғрисида ўзбекистонга турли русумдаги техникаларнинг келтирилишига хисса қўшди.

Мизробжоннинг қурувчилик фаолиятидаги илк йиллари ҳақида ҳам икки оғиз сўз. У дастлаб Самарқанддаги “Сатурн” фирмасида қурувчилик қилаётган отаси ёнида иш бошлади. Шу ердан инвестиция дастурига киритилган кичик иншоотларни бунёд этишни мустақил равишда амалга оширишга ўтди. 2014 йилда Самарқанднинг кўҳна шаҳар қисмини ободонлаштириш ва фаровонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатди. “Қишлоққурилишинвест” буюртмасига биноан намунали уй-жойлар қуриш, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи” инжиниринг компанияси таклифига кўра қатор ижтимоий-иқтисодий иншоотларни мукамал таъмирлаш ва қуришда кўплаб эътиборли ишларни бажариб, элга танилган.

Президентимизнинг 2022 йил 8 сентябрда “Абу Даби Тараққиёт жамғармаси иштирокида “Самарқанд шаҳрида сув таъминоти тизимлари ва йўл тармоқларини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида энг йирик қурилиш лойиҳаларидан бирининг ижросини таъминлашда Мизробжон таъсис этган яна бир корхона бунёдкорлари шижоат кўрсатаётгани ҳам унинг иқтидор ва салоҳиятининг ёрқин далили, дейиш мумкин.

Таъкидлаганимиздек, айни пайтда Мизробжон Тошев раҳбарлигидаги қурувчилар Самарқанддаги қатор объектларда меҳнат қилиш билан биргалликда нуфузли олийгоҳ – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университети учун қўшимча бино барпо этишмоқда. Уларнинг ишларидаги самара, сифат ва салоҳият амалга оширилаётган вазифаларнинг умидли натижасидан дарак бериб турибди.





ЮРТИМИЗНИНГ КУНДАН-КУН  
ЧИРОЙ ОЧИБ БОРИШИГА  
ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШИБ КЕЛАЁТГАН  
ЗАҲМАТКАШ ВА МАТОНАТЛИ ҚУРУВЧИЛАР,  
МАҲОРАТЛИ ЛОЙИҲАЧИЛАР!

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН.

БУНЁДКОРЛИКДАН ЧАРЧАМАЙ,  
ЮКСАК МАРРАЛАРНИ ЗАБТ ЭТИШИНГИЗГА  
ТИЛАКДОШМИЗ.



# “Юксалиш”нинг юксак одимлари

Янги Ўзбекистонни барпо этишда бошқа соҳа вакиллари қатори қурилиш соҳасидагилар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Дилида Ватан туйғуси, халқ манфаати устувор бўлган бунёдкорлар ҳар бир дақиқани ғанимат билиб, юрт ободлиги ва халқ фаровонлиги йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Кувонарлиси, бундай эзгу ишларда соҳа ёшларининг фаоллиги ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Самарқандлик иқтидорли қурувчи Анвар Темиров ҳам ўз меҳнати билан тенгдошларига ибрат бўлиб, эл олқишини олаётган фаол ёшлардан бири ҳисобланади.

Анвар 2016 йил Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетидagi ўқишини тамомладию хусусий фирма очиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди. Қурувчилик сари эндигина қадам ташлаётган ёш йигит фаровонлик йўлида юртга хизмат қилишни қалб широрига айлантиришга астойдил интилди. Лекин кўзлаган мақсадига эришиш осон кечмади. Айрим тўсиқ ва қийинчиликларга ҳам дуч келди. Аммо у ўз аҳдида қатъий туриб, устозлари маслаҳати билан ишларини давом эттирди.

Мақсад сари ишонч билан қилган ҳаракатлар, дадил одимлар самарасиз қолмас экан. Айни пайтда Анвар Ғайратович Самарқанд шаҳрида доврў таратаётган “Юксалиш” қурилиш кластери раҳбари сифатида илғорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаган, деб бемалол айтиш мумкин.

Аслида, Анвар учун бу ўзгаришлар дебоҳаси 2017 йилда бошланган. Айнан ўшанда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан тадбиркорларга яратилаётган имконият ва шароитлар уни танлаган соҳасига янада қатъийроқ ёндашувга чорлади. Кимёгарлар шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган қурувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйди.

Улар билан биргаликда 2018 йилда “Обод маҳалла” дастури асосида шаҳарчада кенг кўламдаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб борди. Шаҳарчани кўркам, файзли қиёфага келтиришга катта ҳисса қўшди. Раҳбарлар бу саъй-ҳаракатларни юқори баҳоладилар.

Эришилган ютуқлар, яхши натижалар албатта янги иштиёқларга туртки бўлди. Хали олийгоҳни тугатганига кўп вақт бўлмаган бир пайтда ажойиб ўзгаришларнинг иштирокчисига айланган ёш қурувчининг танлаган касбига бўлган қизиқиши янада ортди. У энди ҳақиқий бунёдкорликка қўл уриб, кун сайин малакасини ошириб боришни ўйлади. Мақсадига эришиш йўлида ғайрат билан ишлаш бошлади. 2017-2018 йилларда у бошчилигидаги қурилиш ташкилоти 86 та хонадонли уй-жойни қурган бўлса, орадан бир йил ўтиб 395 квартираларни кўп қаватли турар жойлар қуриб, фойдаланишга топширди.

– “Обод маҳалла” дастури асосида мамлакатимиздаги кўплаб шаҳар ва қишлоқлар сингари Кимёгарлар қўрғони ҳам чинакам обод масканга айланди, – деди Анваржон. – Маҳаллий аҳоли, айниқса, оқсоқолларнинг эътироф этишларича, авваллари бундай улкан яратувчилик меҳнатини рўёбга чиқариш учун узоқ вақт керак бўлган экан. Биз эса Президентимизнинг эътибор ва ғамхўрлиги натижасида қисқа муддат ичида катта ўзгаришларга, инсонпарвар ислохотлар самарасига эришдик. Мен бошқараётган ишлаб



чиқариш фирмаси кенгайиб, катта кластерга айланди. Яхши ният билан уни “Юксалиш” деб номладик. 300 кишини доимий ва 500 кишини мавсумий иш ўрни билан таъминлаганмиз. Ҳозирги кунда Кимёгарлар қўрғонига туташ Туркман қишлоғида умумий майдони 12 гектар бўлган барча қулайликларга эга замонавий 5, 6 ва 9, 12 қаватли уйлардан иборат “Эко сити” шаҳарчаси мажмуасини барпо этиш билан бандмиз. Бу масканда турар жойлардан ташқари, аҳоли учун маънавий-маърифий, маданий-маиший иншоотлар, кўнгилочар жойлар, истироҳат боғи бунёд этиш кўзда тутилган.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик ривожини учун берилаётган эътибор, яратилаётган шароитлар кун сайин янада яхшилана бормоқда. Ана шундай имкониятлардан

ўринли фойдаланган тадбиркорлар ўзларининг амалий ишлари билан муносиб жавоб беришга ҳаракат қилишмоқда. “Юксалиш” кластери раҳбари Анвар Темиров ҳам эл-юртимиз, халқимиз учун обод ва кўркам масканлар барпо этиш, уларда яшаш учун ҳамма қулайликларни яратишни мақсад қилган.

– Шулар ҳақида фикр юритган ҳолда, шахсан ўзим, Кимёгарлар қўрғонидаги 1954 йил қурилган 120 ўринли 90-мактабгача таълим масканини бузиб, ўрнида 300 ўринли барча қулайликларга эга, янги замонавий бино қуришга киришдик, – деди Анвар. – Бу билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. 2030 йилгача шаҳарчамизга яна 3 та янги замонавий мактабгача таълим ташкилоти биносини қуриб беришга бел боғлаганмиз.

Парвозинг баланд бўлсин, Анвар!

Ҳозирги кунда Кимёгарлар қўрғонига туташ Туркман қишлоғида умумий майдони 12 гектар бўлган барча қулайликларга эга замонавий 5, 6 ва 9, 12 қаватли уйлардан иборат “Эко сити” шаҳарчаси мажмуасини барпо этиш билан бандмиз.



# Мукаммал лойиҳа – сифатли қурилиш тамал тошидир

Сурхондарё азалдан юртимизнинг энг гўзал гўшаларидан ҳисобланади. Бугун бу мафтункор замин миллий ва замонавий архитектура намуналари асосида барпо этилаётган иншоотлар, равон йўллар, шинам уй-жойлар туфайли янада кўркам қиёфага кирмоқда.



Сир эмаски, ҳар қандай иморатнинг чинакам эътирофга эга бўлиши учун, энг аввало, мукаммал лойиҳа керак бўлади. Шу боис, маҳоратли қурувчилар меҳнатининг юзага чиқишида лойиҳаларнинг аҳамияти беқиёс.

Сурхондарё вилоятида 2014 йилдан буён фаолият юритиб келаётган “Salovat sifat loyiha” МЧЖ жамоаси яратаётган лойиҳалар ҳам замонавий андозаларга мослиги ва малакали мутахассислар ижод маҳсули экани билан эътибор қозониб келмоқда. Ҳозирги кунда жамоа мутахассислари объектларнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича III тоифадаги объектлар учун тўлиқ комплексда лойиҳалаш ишларини амалга ошириш билан шуғулланмоқда.

Хусусан, уй-жой ҳўжалиги ҳамда сув ҳўжалиги қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, умумий фойдаланувдаги автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш каби муҳим вазифалар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, жамоадошлар транспорт, йўл қурилиши объектлари ва комплекслари ҳамда магистрал муҳандислик тармоқларини лойиҳалаштириш, геодезия ва картография, кўприклар ва тунелларни лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни таъмирлаш бўйича республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият юритмоқда.

Жамият иш унумдорлиги ва лойиҳалар мукамаллигини таъминлашда, албатта, зарур техника воситаларининг ўрни беқиёс. “Salovat sifat loyiha” МЧЖ Сурхондарёда ягона бўлган – Швейцариядан келтирилган геодезик йўлдошни GPS қабул қилувчи GS15 Performance комплекс ускунаси, Leica TC 02 plus ўлчов мосламаси, оптик нивелер Jogger 32 мажмуа-



си, GST 05 штативи, Motorola TLKR T80 Extreme рация ускуналари орқали топогеодезия съёмкаларини амалга ошириб келяпти. Лойиҳалар InDORCAD/Road ключа йўлларни лойиҳалаштириш программаси, Autodesk Revit 2021, Corel Draw 2021, Limion 10, Autodesk AutoCAD 2017, Autodesk 3ds max 2022, Adobe Photoshop 2021, қурилиш қиймат асослари, АБС каби дастурлар ёрдамида ишлаб чиқарилмоқда.

– “O'zsuvloyiha” АЖ, “Yo'l-loyiha byurosi” МЧЖ, “Ўзбектелеком” АК, вилоят ҳокимлиги ҳузурдаги “Ягона буюртмачи хизмати” ИК ДУК, “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси, “Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДУК, вилоят ички ишлар ва ёнғин хавфсизлиги бошқармалари, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, “2-сон МКК” МЧЖ, “Сурхондарё-сувқурилишинвест” ДУК, “Термиз тумани йўллардан фойдаланиш” УК, “Xalq banki” вилоят филиали, “Qurilish ta'mirlash guruh” УК асо-

сий буюртмачиларимиз ҳисобланади, – деди жамият раҳбари Хушбоқ Бабалов. – Бажараётган ишимиз буюртмачиларга манзур бўлса, биз ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришган бўламиз.

Дарҳақиқат, жамоадаги ишнинг ривожини, сифатини ва унумдорлигини бевосита раҳбарнинг тadbиркорлигига ҳам боғлиқ. 1964 йилда Термиз туманида туғилган Хушбоқ Бабалов Тошкент политехника институтини тамомлаган. У киши бошчилигидаги жамоада бош муҳандис Хўжамурод Қурбонов, бош менежер Рўзихол Султонова, бош бухгалтер Ораста Раҳмонова, лойиҳа бош муҳандиси Ғайрат Муротов, архитектор Одилжон Нормуродов, лойиҳа бош муҳандиси Хусниддин Нурмаматов, Шуҳрат Ашуров, бош мутахассис Алишер Исаков, топогеодезист Акмал Линчевский, Фарҳод Абрайқулов, Аббос Ғаффоров каби малакали мутахассислар янги муваффақиятлар сари изланишдан асло тўхтамайдилар.


“Salovat sifat loyiha” МЧЖ томонидан сўнгги йилларда вилоят ҳудудидagi кўплаб объектларнинг

лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, хусусан, Шўрчи туманидаги Амир Темур кўчаси ҳамда Мустақиллик кўчаларини бутун тафсилотларини ўз ичига олган ҳолда бажарилган топосъёмка ишларига қўшимча тарзда топосъёмка, Сурхондарё вилояти М-41 “Бишкек-Душанбе-Термиз” автомобиль йўлининг 1586+500 ПКда жойлашган Сурхон дарёси устига қурилган алоҳида тоифаланган кўприкни ва қўриқлаш тизимини жорий таъмирлаш, вилоят фавкулда вазиятлар бош бошқармаси Сариосиё тумани бўлими 15-сонли Ёнғин қутқарув қисми биносини капитал таъмирлаш, Узун туманидаги 17-сонли мактаб биносини капитал таъмирлаш, Термиз шаҳар кўчаларига йўл белгилари ўрнатиш ва йўл чизикларини чизиш ишларини бажариш учун смета ҳужжатларини тайёрлаш каби яна кўплаб иншоотлар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда жамоанинг Ўзбекистон Республикаси лойиҳалаштириш ташкилотлари рейтингида – СС, 12-ўринда экани ҳам улар фаолиятига берилган ижобий

баҳо, десак муболаға бўлмайди. Бу муваффақиятга эришишда жамиятдаги 62 нафар ходим бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилмоқда. Уларнинг 43 нафари олий маълумотли мутахассислар экани эса ишларнинг мукаммал бўлишига замин яратаяпти.

“Salovat sifat loyiha” МЧЖ раҳбари ўз мақсадлари ҳақида сўзлар экан, келгусида жамият ходимлари сонини 100 нафарга етказиб, компания сифатида фаолият юритишни кўзлаганини билдирди. Албатта, корхонада бунинг учун барча шароитлар яратилган. Биргина шу йилнинг ўзида ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида 17 та янги иш ўрни яратилди. Ёш ишчи-ходимларга ётоқ жой, транспорт ва озиқ-овқат таъминоти ҳам йўлга қўйилган. Қолаверса, ходимларни рағбатлантириш мақсадида дам олиш масканларига йўлланмалар, байрамлар муносабати билан ўтказиладиган тadbирларда фаол ходимларнинг рағбатлантириб борилиши, ишчи-ходимларнинг мунтазам равишда мукофотланиб турилиши жамоа учун катта рағбат бўлмоқда.



САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДАГИ

«АРМАС»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН  
ЖАМИЯТ

+

Мамлакатимизнинг қурилиш соҳасини равақ топтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган барча бунёдкор юртдошларимизни бугунги касб байрами –

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан табриқлаймиз.

Юртимиз тинч, осмонимиз доимо мусаффо бўлсин.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ

“АНВАРБЕК”

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

*Қадрли қурилиш соҳаси ходимлари, касб байрамингиз билан табриқлаймиз.*

Оилангиз тинч, ҳаётингиз қувончга тўла бўлсин. Юртимиз бунёдкорлиги йўлида олиб бораётган фаолиятингизда омад ҳамisha ёр бўлсин.



# Устозни ардоқлаган кам бўлмайди



Мафтункор Фарғона вилояти азалдан соя-салқин боғлари, баҳаво табиати билан юртдошларимизни ўзига жалб қилиб келган. Бугун ҳам водийнинг салоҳиятли бунёдкорлари унинг кўркига кўрк қўшиш билан машғул. Улкан бунёдкорлик ишларига маҳоратли қурувчилардан ташкил топган “426-ХИКМК” МЧЖ жамоаси ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мазкур корхонанинг тарихи узок йилларга бориб тақалади. 1969 йилда ташкил топган ушбу қурилиш ташкилоти кўп йиллар давомида неча юзлаб объектларни тиклашга бошқош бўлиб, ўз бағрида минглаб моҳир қурувчи-усталарни етиштириб чиқарган. Бугунги кунда ҳам жамоа вилоятдаги энг йирик объектларни барпо этиш билан шуғулланиб келяпти. Айти пайтда 511 нафар ишчи-ҳодимга эга “ХИКМК-426” МЧЖ қурилиш ташкилотлари электрон рейтингда – ВВ тоифани эгаллаб турибди. Бу эса ташкилот фаолиятига берилган яна бир ижобий баҳодир.

Шунча йилдан буён минглаб қурувчиларни етиштириб чиқарган даргоҳда шунга муносиб устозлар ҳам кўплаб топилади. “ХИКМК-426” МЧЖ деганда Фарғона вилоятида кўпчиликнинг хаёлига биринчи навбатда Қосим Исаков келиши шубҳасиз.



Шунча йилдан буён минглаб қурувчиларни етиштириб чиқарган даргоҳда шунга муносиб устозлар ҳам кўплаб топилади. “ХИКМК-426” МЧЖ деганда Фарғона вилоятида кўпчиликнинг хаёлига биринчи навбатда Қосим Исаков келиши, шубҳасиз.

1954 йилда туғилган Қосим Исаков ёшлигиданоқ қурилиш-бунёдкорлик соҳасига қизиқиб улғайган. Бу қизиқиш уни Фарғона политехника институти томон етаклади. Олий ўқув юртини инженер қурувчи квалификацияси бўйича тамомлаган қаҳрамонимиз 1978 йилда СПКМ-3 (ҳозирда “ХИКМК-426” деб номланди) ташкилотда кичик механизмлар механиги вазифасида иш бошлади. Сўнгра, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, бош муҳандис вазифаларини бажариб, 1993 йилда “ХИКМК-426” корхонаси бошлиғи лавозимига ўтказилди.

Қосимжон ака ўтган йиллар давомида ташкилот ривожини, ишчи-ҳодимлар манфаати учун жон куйдириди. Ўзининг талабчанлиги, ишни тўғри ташкил қилиш хусусиятлари билан жамоада ҳурмат қозонди. Ишчи-ҳодимларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиб, дўстона мулоқотда бўлди. Ҳар бир ишга мулоҳаза билан ёндашадиган бу инсон нафақат раҳбар сифатида, балки кўпчиликнинг севимли устози сифатида ҳам қадрли кишига айланди. Иш фаолияти даврида кўплаб қурилиш объектларининг барпо этилишига бошқош бўлиб, қурилиш соҳасида катта тажриба орттирди. Юзлаб боғча ва мактаблар, соғлиқни сақлаш объектлари, 50 дан ортиқ турар жойлар қурилиши айнан у кишининг раҳбарлигида амалга оширилган.

Қосимжон ака бугунги кунда 4 фарзанд-

нинг отаси, маҳалла ва жамоада ўзининг танитилиши зукколиги билан кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда. Катта тажрибага эга устоз юрт равнақи йўлида кўрсатган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан икки марта кўрак нишони билан тақдирланди. 69 ёшга кирганига қарамай, ҳозирда ҳам шогирдлари ва фарзандлари қаторида белгиланган режалар асосида давлатимиз равнақи йўлида фидокорлик билан ишлаб келаётган муҳтарам устоз – Қосим Исаков жамоанинг фахри.

Ана шундай устозлар бошчилик қилиб келаётган МЧЖ бугун ўз нуфузи ва обрў-этиборига эга. Буни улар томонидан сўнгги йилларда барпо этилаётган иморатлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, 2022-2023 йилларда Фарғона вилояти прокуратураси биноларини реконструкция қилиш, Президент қабул уйининг 2-босқичи, Фарғона шаҳридаги “Маърифат” МФЙнинг Алишер Навоий шохқўчаси 15-уйда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳудудида ошхона биноси қурилиши, Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Фарғона шаҳри “UZSUNGWOO” МЧЖ ҚК ҳудудида иссиқ штамплаш линияси ишлаб чиқариш сектори, Қирғизистон Республикасининг Баткент вилоятидаги Лайлак туманида 660 ўринли мактаб, КИУФ Корея вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази 90 ўринли биноси қурилиши шулар жумласидандир.

Шунингдек, Фарғона давлат университетининг талабалар ётоқхонаси ҳудудида 5 қаватли талабалар ётоқхонаси биноси қуриш, Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 9256-ҳарбий қисмда комплекс бинолар қурилиши, Тошкент вилояти Зангиота тумани 9207-ҳарбий қисмда 24 хонадонли 4 қаватли турар жой биноси, Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилояти филиали қурилиши каби йирик объектлар ҳам ушбу жамоа томонидан қуриб битказилган.

Ҳозирги кунда “ХИКМК-426” томонидан “Файзабод-2” насос станцияси, Фарғона шаҳрининг Нурафшон кўчасида “Эко шаҳар” (“Янги Ўзбекистон”) массиви ҳудудида 4 000 ўринли Амфитеатр биноси, Фарғона шаҳрининг Ал-Фарғоний кўчасида Фарғона давлат университетига қарашли 2 та 7 қаватли талабалар турар жойи бинолари ҳамда автотурагоҳ, Ёзёвон туманидаги “Юқори сойбўйи” МФЙда жойлашган “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудида 420 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, Фарғона туманидаги “Янги аср” МФЙ ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивида 990 ўринли мактаб биноси, Фарғона шаҳрининг Нурафшон кўчасидаги “Янги Ўзбекистон” массивининг ташқи ичимлик сув тизимларини қуриш, Фарғона шаҳрининг Юксалиш кўчасида жойлашган Фарғона давлат университети биносини мукамал таъмирлаш, Андижон давлат университети ҳудудида 1 800 ўринли ўқув биноси, Андижон давлат чет тиллар институтининг 1 000 ўринли ўқув биноси, Термиз шаҳрида муҳандислик технология институтининг 1 000 ўринли ўқув биноси, Фарғона давлат университетининг 1 200 ўринли ўқув биноси қурилишида ишлар қизғин давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Қосим Исаков каби фидойи инсонлар раҳбарлик ва устозлик қилиб келаётган жамоанинг эришаётган муваффақиятлари кам эмас. Бугун улар қураётган иншоотлар келгусида оламшумул ютуқларга эришиш кафолати бўлса, ажаб эмас.

# Мақсадлари улкан архитекторлар

Ҳар биримиз болалик чоғларимизданоқ қайсидир соҳага қизиқиб улғаямиз. Ўқиб-ўрганганимиз сайин бу мақсадларимиз қатъийлашиб, шунга мос равишда ҳаракат қила бошлаймиз. Қаҳрамонимиз – Шоҳруҳбек Миножиддинов ҳам ёшлигидан архитектура ва қурилиш соҳасига қизиқиб, турли чизмалар чизишни машқ қила бошлаган. Болаликдаги орзуси ушалиб, у Фарғона политехника институтининг Қурилиш факультетига ўқишга кирди.



калар ёрдамида нафақат вилоят, балки бутун республика миқёсидаги йирик объектлар лойиҳаларини яратиш билан шуғулланишади. Бунда уларга “Autodesk Autocad”, “Autodesk 3dsMax”, “Autodesk Revit”, “Lumion”, “ArchiCad”, “Lira Sapr” дастурлари қўл келмоқда.

“Imperium Arch group” МЧЖ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган объектлардан Фарғона шаҳрининг “Ибрат” МФЙдаги Б. Марғинович кўчаси 131-уйда етти қаватли турар жой биноси, Фарғона шаҳрининг “Кимёгарлар” МФЙдаги Кўкоч кўчасида беш қаватли турар жой биноси, Марғилон шаҳрининг “Навбахор” МФЙдаги Бинокор кўчасида иккита 5 қаватли турар жой бинолари, болалар майдончаси ҳамда автотурагоҳ, Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги “Работ” МФЙ ҳудудида 5 қаватли турар жой бинолари, Фарғона шаҳар “24-Шакарқишлоқ” МФЙ Тарона кўчасида “Мустақиллик шаҳарчаси” турар жой комплекси, Фарғона шаҳрининг “Дўстлик” МФЙдаги Ойбек кўчасида 12 қаватли турар жой комплекси, Фарғона шаҳрининг Маърифат кўчасида маънан эскирган 2 та 2 қаватли

турар жой биносини реновация дастури асосида бузиб, 7 қаватли пентхаусли турар жой бинолари лойиҳаларини мисол сифатида кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Аҳмад Югнакий даҳаси, 43-“а” уйда 4 қаватли клиника биноси қуриш, Фарғона туманининг “Чекшўра” МФЙдаги Фарғона шаҳар кичик ҳалқа йўли ёқасида Давлат хусусий шерикчилиги асосида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда меҳмонхона бинолари қуриш, Фарғона шаҳрининг Қувасой кўчасидаги 53-уйда “Микрокредитбанк” бино-иншоотларини реконструкция қилиш кабилар ҳам “Imperium Arch group” МЧЖ жамоасининг ижод маҳсули ҳисобланади.

– Ташкилотимиз асосан турар жой бинолари ва меҳмонхоналар лойиҳасини яратиш ҳамда дизайн билан шуғулланади, – деди ташкилот раҳбари Шоҳруҳбек Миножиддинов. – Асосий буюртмачиларимиз сифатида “Binokor asl uylar” МЧЖ, “Affalina fayz baraka” ХК, “Oybek mazzali non” МЧЖ, “Ali Construction The Info Management”

МЧЖ, “Мадад” МЧЖ, АТБ “Микрокредитбанк” кабиларни айтишимиз мумкин. Ҳар бир ишимизда сифат ва мукамалликка эътибор берамиз. Бунинг учун ходимлар малакасини ошириш жуда муҳим. Шу боис, улар доимий онлайн курсларда қатнашиб, ўз устида ишлашади, соҳага оид янгиликларни ўрганишади. Бу борада хориз тажрибасини ҳам ўрганишга ҳаракат қиляпмиз. Яқинда ҳамкасбларимиз билан Туркия, БААга бориб, замонавий архитектура намуналарини ўрганиб келдик. Урганганларимизни фаолиятимизда қўллаб, юртимизда ҳам шундай гўзал шаҳарлар қурилишига ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Иқтидорли ва ёш раҳбар бошчилигидаги тиниб-тинчимас архитекторлар жамоасининг келгусидаги режалари ҳам бисёр. Улар нафақат вилоятда, балки бутун республикада замонавий, қулай ва албатта, мустаҳкам бино-иншоотларни лойиҳалаштириб, шаҳарлар кўркига кўрк бағишловчи иншоотлар қуришга бел боғлаган.

Эзгу мақсадлари йўлида уларга улкан омадлар ёр бўлишини тилаб қоламиз!



Ёш архитектор талабалик давридаёқ соҳа сирларини пухта ўрганишга киришди. Институтдаги дарслардан ташқари, архитектура соҳасига оид янгиликларни топиш ҳамда улардан ўзига керакли жиҳатларни ўзлаштириш асосий машғулотига айланди. Иккинчи босқичда ўқиётганда эса “Farq’ona Loyiha Qurilish Ta’mirlash” МЧЖда иш бошлади. Бу ерда у олийгоҳда ўрганганларини амалиётда ўз кўзи билан кўриб, синашга, шу орқали тажрибасини ортиришга муваффақ бўлди. Ушбу ташкилотда у архитекторлар – Равшанжон Аҳмедов ва Зокиржон Аллаханов каби малакали устозлардан касб сирларини пухта ўрганди. Уларнинг тавсиялари ва маслаҳатлари туфайли ўзи танлаган соҳанинг малакали мутахассиси бўлиб етишди.

Интилганга толе ёр, деб бекорга айтишмаган. Шоҳруҳбекнинг бу интилишлари ҳам ўз меваси-

ни бера бошлади. Ҳали ёш бўлишига қарамай, соҳанинг кўпгина жиҳатларини яхши ўзлаштирган Шоҳруҳбек 2019 йилда “Imperium Arch group” МЧЖни ташкил этди. Бугун ушбу ташкилотда раҳбар бўлиб, ўзи каби иқтидорли ёшлардан иборат архитекторлар жамоасини маҳорат билан бошқариб келмоқда. Жамоада устозларга ҳурмат бўлакча. Ёш кадрлар билмаганларини тажрибали архитекторлардан сўрашдан, улар эса ёш шогирдларига ўргатишдан асло чарчашмайди. Шу боис, иқтидорли архитекторлар устозларининг кўрсатмаси ва маслаҳатлари билан бир-бирдан пухта лойиҳаларни яратиш келишмоқда.

Бу борада уларга ташкилотда яратилган ижодий муҳитдан ташқари, 30 дан ортиқ замонавий компьютер ва техникалар ҳам яшигина ёрдамчи вазифасини бажармоқда. Ходимлар ушбу техни-



Мустақиллик шаҳарчаси лойиҳаси.



“Турон” меҳмонхонаси лойиҳаси.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ

**"RAVNADQ"**

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

ЁЗУ ҚИШ ТИНИМ БИЛМАЙ  
ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ  
УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН ҚАДРЛИ

СОҶА ВАКИЛЛАРИГА  
**КАСБ БАЙРАМИ**  
**МУБОРАК БЎЛСИН.**

Эзгу фаолиятингиз ва шахсий ҳаётингизда  
улкан ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Саботу сабрингиз, матонату фидокорлигингизга асло кўз тегмасин.  
Улкан марраларни забт этишдан тўхтаманг.







“ToshuyjoyLITI”

**ҚУРИЛИШ  
СОҲАСИ  
ХОДИМЛАРИ  
КУНИ**

билан барча лойиҳачи  
ва меъморларни,  
қурувчи ва  
бунёдкорларни  
қутлаймиз!



# Хоразмнинг машҳур бунёдкорлари

Бугунги кунда Хоразм вилоятида қад ростлаётган бир-бирдан кўркам бинолар, “Янги Ўзбекистон” ва “Ал-Хоразмий” мажмуаларида бунёд этилаётган кичик шаҳарчаларни кўрган кишининг ҳаваси келади. Булардан ташқари, қанчадан-қанча ташкилот ва муассасаларнинг бинолари капитал таъмирланиб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Бунда, албатта, қурилиш ташкилотлари ва уларда жонбозлик кўрсатаётган қурувчиларнинг ҳиссаси катта.

Урганч шаҳрида фаолият юритаётган “Irdimzon Qurilish” хусусий корхонаси ҳам ана шундай фидокор қурувчилардан таркиб топган жамоага эга десак, асло муболаға бўлмайди. Корхона раҳбари тиниб-тинчимас ва шижоатли инсон – Шохназар Рўзметов. Яқинда муборак 60 ёшни қаршилаш арафасида турган қахрамонимиз 40 йилдирки, шу йўналишда фаолият юритиб келмоқда. Унинг бошчилигида қанчадан-қанча мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари бинолари, турар жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилган. Ушбу қурилиш ташкилотлари айна пайтда оз эмас, кўп эмас, нақд 100 нафарга яқин қурувчи фидойилик билан меҳнат қилмоқда. Бу 100 та оиланинг қозони шу ташкилот сабаб қайнаб турибди деганидир.

Яна бир гап, қаердаки раҳбар оқил, ташаббускор ва ишбилармон бўлса, иш ҳам шунга яраша юришаверади. Улар қурган биноларда яшаётган ёки ўқийётган ин-

сонлар уста-қурувчиларга раҳматлар айтаверади.

“Irdimzon Qurilish” хусусий корхонасида эрталабдан иш қизийди. Ҳар ким ўзига ажратилган объект томон шошади. Ҳозир айна ёз бўлгани сабаб, қурувчилар салқинда ишнинг катта қисмини бажариб олишга ҳаракат қилишади. Ишлаган, меҳнат қилган инсон асло кам

бўлмайди, тамойилига бу корхонада доимо амал қилинади. Шу боис, корхонага эрталаб соат 10 ларга етиб борган бўлсақ, қоровул ва бир-икки нафар кишидан бошқа ҳеч ким йўқ эди. “Раҳбаримиз пойтахтга кетган, бугун келиши керак” деди ходимлардан бири. Ҳақиқатан ҳам, хусусий корхона раҳбари Шохназар Рўзметов аз-



ропортдан тўғри иш жойига келди. Муддаомизни эшитгач, ҳисобчи Икромбойни бизга ҳамроҳ қилиб қурувчилар капитал таъмирлашни бошлаган объектга жўнатди.

Объект дегани – шундоққина Урганч шаҳри биқинида жойлашган Урганч тумани “Чаккашолкор” МФЙ ҳудудидаги вилоят силга қарши диспансернинг таъмирталаб бинолари экан. У ерда ташкилотнинг катта бригадаси иш бошлаган. 70 нафарга яқин қурувчи қўли-қўлига тегмай ишламоқда. Бир томонда сувоқчилар бригадаси, яна бир томонда эса бўёқчилар иш билан банд. Яна бир гуруҳ ишчилар дераза ва эшик ромларини ўрнатишмоқда. Мазкур объектда 170 ўринли даволаш ва 50 қатновли диспансер бўлимлари ҳамда ёрдамчи бинолар таъмирланмоқда. Жорий йилнинг апрель

ойида бошланган таъмирлаш ишлари сентябрь ойида якунланиши мўлжалланган.

Ҳозирда жамоада сувоқчи ва бўёқчилардан Иззат Мадаминов, Ҳамиджон Отабоев, Оғабек Раҳимбоев, Акмалжон Эшимбетов, Мурод Ражабов, Бекзод Рўзимов, Алишер Маткаримов, Жасур Ражабов, Ибрат Раҳимов кабилар бошқаларга ўрнатилган бўлиб, кунлик иш суръатини бир зум ҳам сусайтиришаётгани йўқ.

Бир сўз билан айтганда, “Irdimzon Qurilish” хусусий корхонаси томонидан амалга оширилаётган барча объектларда иш қизғин. Чунки кўзланган режани ўз вақтида амалга оширган инсон келгусида янада катта ғайрат билан ишлаши шубҳасиз. Бу борада жамоа аъзоларига сўнмас ғайрат ва шижоат тилаб қоламиз.





**БУГУН ЮРТИМИЗНИНГ  
БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА  
АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН  
БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИДА  
СИЗ, ҚУРИЛИШ СОҲАСИ  
ВАКИЛЛАРИНИНГ  
ХИЗМАТИ БЕҚИЁС.  
МАНА ШУ ЭЗГУ МАҚСАДНИ  
АМАЛГА ОШИРИШДЕК  
ШАРАФЛИ КАСБИНГИЗДА  
УЛКАН ЮТУҚЛАРНИ ҚЎЛГА  
КИРИТИБ, ЭЛНИНГ ДУОСИНИ  
ОЛИБ ЮРИШ ҲАР ДОИМ  
НАСИБ ЭТСИН!**

**“САНОАТ ФУҚАРО ЛОЙИҲА”  
ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ**

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ,  
ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ  
КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

*Касб байрамингиз қутлуғ бўлсин!*

ТИНЧ ВА ГЎЗАЛ ЮРТГА  
БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ.  
БАЙРАМЛАРИ КЎП  
ЭЛИМИЗНИНГ  
БУНЁДҚОР АХЛИНИ  
КАСБ БАЙРАМИ БИЛАН  
МУБОРАҚБОД ЭТАМИЗ.

ШАҲАРУ  
ҚИШЛОҚЛАРИМИЗГА  
ЗЕБ БЕРИШДАН АСЛО,  
ЧАРЧАМАНГ ҚАДРЛИ  
СОҲА ВАКИЛЛАРИ. ОМАД  
ВА МУВАФФАҚИЯТ  
ДОИМО ҲАМРОҲИНГИЗ  
БЎЛСИН.

ОНА ЮРТИМИЗ ОБОДЛИГИ ЙЎЛИДА  
МАТОНАТ БИЛАН МЕҲНАТ ҚИЛИБ  
КЕЛАЁТГАН БАРЧА ҚУРИЛИШ  
СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИНИ

**КАСБ БАЙРАМИ**

БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.

ИШИНГИЗГА РИВОЖ,  
ЎЗИНГИЗГА САЛОМАТЛИК  
ТИЛАЙМИЗ.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ

**"REM STROY  
PARTNER"**

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

# Эл-юрт ишончини оқлаётган тадбиркор

Аҳамият берганмисиз, аксариятимиз мактабни тамомлаш онларидан бошлаб қайси касбни танласам, қаерга ўқишга кирсам экан дея, ўйлашни бошлаймиз. Атрофдагиларнинг маслаҳати ва тавсияларига қулоқ тутамиз. Лекин шундай инсонлар бўладики, болалик чоғлариданоқ келажакда қайси касбнинг эгаси бўлиши кўриниб туради. Пойтахтнинг Кўкча маҳалласида улғайган Сарварбек Умаров ҳам ёшлигиданоқ келажакда катта тадбиркор қуруви бўлиши яққол кўринган десак, адашмаймиз.

Меҳнатсеварлиги ва зукколиги билан тенгдошларидан ажралиб турган Сарварбек кейинчалик Тошкент политехника институтида ўқиётган пайтида ҳам ташаббускорлиги, танлаган соҳасини мукамал ўзлаштириши, замонавий биноларни қуриш юзасидан билдирган таклифлари билан кўпчиликнинг эътиборига тушиб улгурди. Олий ўқув юртини тугатгач, ўз олдига қўйган мақсади сари интилиб, бизнес режа ишлаб чиқди. Уни рўёбга чиқариш иштиёқида оила жамғармаси ҳисобидан қурилиш соҳасига ихтисослашган “Шафоат қурилиш” МЧЖни ташкил этди.

Иқтидорли, меҳнатсевар ёшлардан ташкил топган жамоаси

билан тендерларда иштирок этиб, Тошкент шаҳридаги Мультмедиа марказини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошира бошлади. Жамоа ўзига ишониб топширилган ишни тез ва сифатли удалади. Шу тариқа “Шафоат қурилиш” МЧЖ аъзоларининг меҳнати ва иш сифатини кўрган бошқа корхона ва тадбиркорлар ҳам буюртмалар бера бошлади.

Жумладан, Бекобод шаҳридаги кичик саноат зонасини кўкаламзорлаштириш ва ичимлик суви, газ, электр тармоқларини тортиш ишлари, Оққўрғон туманининг энг чекка қишлоғида замонавий шифо маскани, вилоят кадастр бошқармаси буюртмасига кўра мазкур туман кадастр бўлими биноси

қурилиши жамоанинг дастлабки йиллардаги меҳнати маҳсулидир.

Сифатли бажарилган ишларнинг харидори ҳам шунга лойиқ бўларкан. Буни “Шафоат қурилиш” МЧЖ жамоаси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Аҳоли ҳамда ташкилотлардан тушаётган буюртмалар кўплигидан бунёдкорларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Миллий рассомлик ва дизайн институтидаги пардозлаш ишлари, Бекобод шаҳридаги кичик саноат зонасида аҳоли ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган дам олиш маскани, Оққўрғон туманидаги “Хотира майдони” ва буюм бозорини қуриш ҳамда пардозлаш ишлари, буларнинг барчаси шу жамоа аъзолари томонидан амалга оширилган.



Кейинги йилларда бу каби бунёдкорлик ишлари сони янада ортмоқда. Масалан, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Бўз бозор ёнида кўп қаватли турар жой барпо этиш, Миробод тумани Яккачилар кўчасидаги 110-сонли мактаб қурилишида пудратчи сифатида иштирок этган, Оққўрғон туманидаги Тарих ва ўлкашунослик музейи ва 80 ўринли кутубхона ҳамда Охангарон туманининг “Қуюн” МФЙдаги 42-мактабни таъмирлаш, Бирлик ва Ойбек кўчаларини ободонлаштириш ҳамда тунги ёритгичлар ўрнатиб, пиёдалар йўлакчасини қуриш, Бекобод шаҳридаги 11-мактабни таъмирлаш шулар жумласидандир.

Шунингдек, Янгийўл туманидаги “Гулбоғ” МФЙда 150 ўринли МТТ биноси, Оққўрғон тумани Давлат солиқ инспекцияси биносини капитал таъмирлаш, Юқори Чирчиқ тумани “Қорасув” МФЙдаги 7-мактабда 720 ўринли кўшимча бино қуриш ва 850 ўринли бинони таъмирлаш, Давлат божхона кўмитасининг Тошкент шаҳар Сергели туманида жойлашган ихтисослаштирилган божхона комплексини реконструкция қилиш, Бектемир туманининг “Ийк ота” МФЙдаги 347-мактаб биносини мукамал таъмирлаш ҳамда 660 ўринли янги бино қуриш ишлари ҳам “Шафоат қурилиш” МЧЖ жамоаси томонидан амалга оширилмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ

## “УЗГИПРОВОДСТРОЙ-ҚАРШИ ЛОЙИҲА” МЧЖ

Улкан қурилиш майдонига айланган юртимизда бунёдкорлик ишларини амалга ошириб келаётган соҳа вакиллари – қурувчи-муҳандис, меъмуру архитекторларни бугунги касб байрами билан қутлаймиз. Ўз касбига меҳри, бурчига садоқати, ғайратшижоати баланд бунёдкорлар билан халқимиз доимо фахрланади. Элимиз бахтига доим саломат бўлинг.



НАМАНГАН ВИЛОЯТИДАГИ  
**“BUNYODKOR  
MUBOSHER”**  
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ  
ЯНГИЛАНИШИГА ҲИССА ҚўШАЁТГАН  
ҚАҲРАМОН БУНЁДКОРЛАР,  
МАҲОРАТЛИ ЛОЙИҲАЧИЛАР,  
МУҲАНДИС-МЕЪМОРЛАР!  
“ТОШУЙЖОЙЛИТИ” ДУК  
ЖАМОАСИ СИЗЛАРНИ  
БУГУНГИ КАСБ БАЙРАМИНГИЗ –

**ҚУРИЛИШ  
СОҲАСИ  
ХОДИМЛАРИ  
КУНИ**

БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.  
МАШАҚҚАТЛИ, АММО ШАРАФЛИ  
КАСБИНГИЗ ТУФАЙЛИ ЭЛ КОРИГА  
ЯРАШДЕК МУҲИМ ВАЗИФАНИ  
БАЖАРИБ КЕЛМОҚДАСИЗ.

БУ ЙЎЛДА СИЗГА ҲАМИША  
ОМАД ЁР БЎЛСИН.

ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИГА ҲИССА  
ҚўШИШДАН АСЛО ЧАРЧАМАНГ!




**QISHLOQQURILISHBANK**

**Qurilish sohasining barcha fidoyilarini  
kasb bayrami bilan qutlaymiz!**



Xizmatlar litsenziyalangan


[www.qishloqqurilishbank.uz](http://www.qishloqqurilishbank.uz)

 +998 78 150 00 55,  1254

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ

## «МЕЪМОР АРХИТЕКТУРА СЕРВИС»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

БУНЁДКОР ЭЛИМИЗНИНГ ҚЎЛИ ГУЛ  
ҚУРУВЧИ МЕЪМОРЛАРИНИ, УМУМАН,  
СОҲАНИНГ БАРЧА ВАКИЛЛАРИНИ КАСБ  
БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙМИЗ.  
ЮРТ РИВОЖИ УЧУН ҲИССА ҚЎШИШДЕК  
САВОБЛИ ИШИНГИЗДА АЛЛОҲ  
ҲАМИША МАДАДКОР БЎЛСИН.



# “GOLD STEP INVEST” – нуфузли қурилиш корхоналаридан бири

Мамлакатимизда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида йилдан йилга янги бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Бунда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланувчи корхоналарнинг ўрни аҳамиятлидир. “Gold step invest” МЧЖ ҳам Ўзбекистондаги энг нуфузли қурилиш компанияларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда йиллик айланмаси 1 трлн сўмни ташкил этаётган мазкур корхонада 300 га яқин ходим фаолият юритмоқда.

Жорий йилда корхонанинг 20 нафардан ортиқ ходими Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган курсларда малака ошириб, тегишли сертификатларга эга бўлишди. Шунингдек, корхона лойиҳачи ходимлари орасида 5 нафар хорижлик мутахассис ҳам бўлиб, улар қолган ходимлар билан ҳамкорликда биноларда замонавий совитиш тизимини татбиқ этиш устида иш олиб бормоқда.

– Корхонамизни Ўзбекистондаги нуфузли қурилиш ташкилотларидан бири дейиш мумкин, – деди “Gold step invest” МЧЖ раҳбари Шоислом Шомансуров. – Яна ҳам тўғрироғи, қурилиш кластери десак ҳам бўлади. Чунки корхонамиз таркибида лойиҳа институти, бетон ҳамда панел заводлари ҳам фаолият юритади. Шунингдек, корхонамиз бир қанча қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб, Ўзбекистон қурилиш саноатига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Малакали мутахассисларимиз томонидан Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ижтимоий, кўнгилочар, таълим ва соғлиқни сақлаш каби қатор соҳаларга тегишли объектларнинг қурилиш ҳамда реконструкция ишлари амалга оширилган. Хусусан, Тошкент ва Жиззахдаги дам олиш масканларида дор йўллари қурдик. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Тошкент тиббиёт



академияси биноларини реконструкция қилдик. Ҳозирда асосан кўп қаватли бинолар қурилиши билан шуғулланяпмиз. Бунда, албатта, талабга жавоб берадиган, замонавий асбоб-ускуналар, техникалар ва сифатли қурилиш материалларидан фойдаланмоқдамиз. Келгусида агар тендер танловларида ғолиб бўла олсак, “Янги Тошкент” қурилишида ҳам иштирок этишни ният қилганмиз.

Корхона ўзининг кўп йиллик фаолияти давомида салобатли, замонавий бино ва иншоотлар бунёд этган. Хусусан, ўтган йиллар мобайнида компания томонидан Бўстонлик туманидаги “Хўжакент” МФЙда дор йўли, Мирзо Улуғбек туманида 25 қаватли турар жой биноси, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот коммуникация

технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб худуди атрофида Технопарк филиали биноси, Нурафшон шаҳрида Президент мактаби, Қибрай туманида 15 та 16 қаватли турар жой бинолари, Мирзо Улуғбек туманида IT-парк мажмуаси, Яшнобод туманида замонавий кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа кўплаб объектлар қуриб, фойдаланишга топширилди.

– Корхонада иш бошлаганимга 3 йилга яқинлашиб қолди, – деди Ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи Нозимжон Раҳимов. – Умуман олганда, бу соҳада фаолият олиб бораётганимга 27 йил бўлди. Бизнесинг бўлимимиз қурилишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан шуғулланади. Ушбу корхонадаги фаолиятим давомида



ҳозирга қадар 30 яқин катта объект қурилишида қатнашдим. Жумладан, замонавий техникалар, тажрибали мутахассислар ҳаммаси етарлича. Қолаверса, келгусида компаниямиз Туркияда зилзила оқибатида вайрон бўлган бинолар ўрнида янги турар жойлар қурилишида ҳам иштирок этишни режалаштирган.

Ҳақиқатан ҳам, корхонамиз ҳар томонлама юқори салоҳиятга эга, дейиш мумкин. Кўп қаватли, баланд объектлар қуриш нафақат масъулият талаб қилади, балки бунинг учун шунга мос даражадаги машина, механизм ва техникалар ҳам керак бўлади. Корхона раҳбарининг таъкидлашича, мазкур техник воситалар қурилиш жараёнини тез ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида мунтазам янгилаб борилади. Айни пайтда корхонада 100 га яқин қурилишда асосий ишларни бажарадиган махсус автомашина ва техника мавжуд. Шунингдек, биргина июнь ойининг ўзида компания техникалари томонидан 3 млрд 629 млн сўмлик техник хизмат кўрсатилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даври билан таққосланганда 14 фоизга ошган.

“Gold step invest” компаниясида кўп йиллик тажрибага эга малакали ходимлар фаолият олиб боради. Улар ҳар ишни пухта ва белгиланган вақтда якунлашга ҳаракат қилишади.

– Университетни тугатганимдан сўнг йўлланма билан 159-қурилиш трестида иш бошлаганман, – деди участка бошлиғи Муҳаммадjon Узоқов. – Биринчи ишим Мустақиллик майдонидаги қурилиш объектида бўлган. 2012 йилдан буён ушбу компанияда фаолият юритяпман. Фаолиятим давомида кўплаб объектлар қурилиши ва реконструкцияларида бевосита иштирок этдим. Хусусан, айни пайтда Тошкент шаҳридаги Туркия иқтисодиёт ва технологиялар университетига тегишли бинодо реконструкция ишларини олиб бормоқдамиз.

“Gold step invest” корхонаси айни пайтда ҳам қатор объектлар қурилиши ва реконструкцияларини амалга ошириб келмоқда. Корхона сифатли ҳамда замонавий бино, иншоотлар бунёд этиб, мамлакатимизнинг обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссасини қўшишда бардавом бўлишни ният қилган.





## ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ҲУДУДИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ИНСПЕКЦИЯСИ

Салобатли, шинам, замонавий ва кўркам иншоотлар барпо этиб, миллионлаб юртдошларимизни ватан аталмиш меҳрли гўша билан сийлашга бел боғлаган азамат қурувчилар, меъмору муҳандисларни

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

билан табриклаймиз.

Келажак авлодлар фахрланиб юришига арзийдиган муҳташам иморатлар қуришингизда улкан куч-қувват тилаймиз.







# “Ўйлаган режамиз асосида оғишмасдан давом этамиз!” – дейди “Innova max” МЧЖ директори Содиқ Худойбергано

Пойтахтимизда фаолият юритиб келаётган “Innova max” МЧЖга борганимизда раҳбар йўқ экан. Корхона офисида 10 га яқин ходим иш билан банд. 60 ёшлар чамасида ўзини Тошмуҳаммад ака, дея таништирган киши раҳбарни кутиб туришимизни айтди.

Содиқ ака кўп куттирмади. Корхона фаолияти, мутахассислар ишлари ҳақида анча вақт суҳбатлашдик. Қолган маълумотларни Тошмуҳаммад акадан олишимни айтди. Бекорга эмас экан, у киши кўпни кўрган, сўздан кимлиги маълум инсон бўлиб чиқди. У корхонада техник назоратчи бўлиб ишлар экан. Тошкентга ўқишга келгану ризқини шу ерлардан топган. Тошкент политехника институтининг инженер-механик йўналишини тамомлаб, қарийб

25 йилдан бери қурилиш соҳасида фаолият юритиб келмоқда.

Фаолияти давомида “Шўртан газ-кимё” мажмуаси, Тошкент шаҳар савдо департаменти, “Ji Song” қўшма корхонасида турли лавозимларда ишлаган. Айни пайтда “Innova max”да иш фаолиятини олиб бормоқда. Катта тажриба, вазмин феъли билан ҳар жойда ўз ўрнини топа оладиган Тошмуҳаммад ака яхши суҳбатдош ҳам экан. Тушлик баҳона корхона ҳақида суҳбатлашдик.



Корхона 2017 йилда ташкил топган бўлиб, 2019 йил солиқ рестридан ўтган. Айнан шу йилдан бошлаб қурилишда катта ишларга қўл ура бошлаган. Айниқса, Сардоба фожиасидан сўнг Сирдарё вилоятининг “Дўстлик - 2” массивида тезкорлик билан қуриб битказилган кўп қаватли уйларнинг 20 дан ортиғини “Gold step invest” МЧЖга субпудратчи сифатида ўзи қуриб фойдаланишга топширган. Шунингдек, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги “Барданқўл” МФЙда “Қишлоққурилишинвест” буюртмачилигида 2 та кўп қаватли уй-жой қуриб битказилган. Деярли охирига етказилган энг йирик ишларидан бири сифатида Яшнобод туманида жойлашган Бешчинор манзилгоҳида қад ростлаган 4 та 16 қаватли, 1 та 14 қаватли турар жой мажмуаси, 4 қаватли замонавий мактаб биносини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Дарҳақиқат, “Innova max”ни стратегик корхона десак, арзийди. Боиси, шошмасдан, пухта иш олиб боради, битта ишни яқунламасдан бошқасига қўл урмайди. Тинимсиз қурилиш қилмаса, қандай қилиб бу катта бозорда кўзга кўринарли

ташкilotлардан бирига айланиб бормоқда?

Бу борада “Innova max” анча ақлли йўл тутган. Улар ташкilotчи сифатида фойда топишнинг ҳадисини олган. Компания маълум худуддан ер сотиб олиб, қурилиш қилади. Кўп ҳолда ишни пудратчи компаниялар орқали амалга оширади. Офисда 10 га яқин тузилманинг асосий вакиллари ишласа, қолган ишлар пудратчилар зиммасига тушади. Кўпроқ буюртмачилик асосида ишлаб, ишни тўғри ташкил қилиш, иқтисодий тежамкорлик ҳисобига компания молиявий имкониятларини мунтазам ўсишига эришиб келмоқда. Кўп қурувчи ташкilotлар етарлича моддий-техник базаси йўқлиги сабабли тендерларда юта олмаётганидан нолийди. “Innova max” эса ҳам пудратчи сифатида ишлаб, ҳам буюртмачилик асосида пудратчи ёллаб юқори натижаларга эришиш мумкинлигининг ёрқин исботи бўла олади.

Қурилиш объектига борганда ҳам гувоҳ бўлдик, улар қураётган иншоотлар одамларни қаноатлантиради. Қурилган уйлар сифати, лойиҳа тархи ҳам рисоладагидек. Компания узоқни кўзлаб йўлга

чиққан. Ёши катта тажрибали ходимлар салоҳиятидан унумли фойдаланиб, ёш кадрларни ҳам тайёрлаб бормоқда. “Innova max” кўп лойиҳалар қилишдан кўра, сифатли ишлашга жиддий эътибор қаратади. Шунинг учун компаниянинг энг асосий қадрияти ҳам тўғри тизим қуришдир. Бу билан қурилиш бозоридаги янги давр учун жиддий тайёргарлик кўриб, куч тўплаб бормоқда.

Ҳозирги ҳолатида ҳам кўпгина қурилиш ташкilotларига дарс бўлаётган корхона келажақда йирик марраларга эришиши, шубҳасиз. Чунки қурувчи учун асосий нарса ишни ўз вақтида яқунлай олишдир. Миқозлар ишончига сазовор бўлиш ташкilot келажагини белгилаб беради. Зеро, МЧЖ директори Содиқ Худойбергано таъкидлаганидек, “Мақсадимиз йирик компанияга айланиш. Бу йўлда шошмасдан, мустаҳкам тизим қуришга жиддий бел боғладик. Ўйлайманки, бу ютуқлар улкан компаниянинг йўл бошидаги майда қадамлари, холос. Ўйлаган режамиз асосида оғишмасдан давом этамиз”.

Бу йўлда корхона жамоасига улкан омадлар тилаймиз!



## ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ ҚАДРЛИ ВАКИЛЛАРИГА КАСБ БАЙРАМИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Шаҳару қишлоқларимизни  
замонавий қиёфада  
қад ростлаши учун камарбаста  
бўлишдан асло толманг.  
Азму шижоатингизга  
асло кўз тегмасин.

БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ

**“РАҲМОН ЖАМШИД”**


МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ


СИРДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ

**"АБДУМАЛИК  
ФАЙЗ ҚУРИЛИШ"**

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ

*Жонажон юртимиз бунёдкорлари,  
касб байрамингиз муборак бўлсин.  
Шарафли меҳнатингиз роҳатини  
кўриб юриш барчангизга насиб этсин.  
Оилангиздан фаровонлик, қалбингиздан  
хотиржамлик асло, аримасин.*







**2022 йилда ЎЗБЕКИСТОНДА 45 МИНГТА ЯНГИ УЙ ҚУРИЛГАН**  
**2023 йилда 90 МИНГТА УЙ ҚУРИЛИШИ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН**

### Ўзбекистонда сўнги 10 йилда бажарилган қурилиш ишлари ҳажми (трлн сўм)

### Сўнги йилларда қурилиш соҳасида рўйхатдан ўтган корхоналар сони




\* 2023 йилнинг январь-июнь ойларида



\* йилнинг 1 июнь ҳолатига

### 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган қурилиш корхоналари сони



**O'ZBEKISTON BUNYODKORI**  
 IQTISODIY-IQTISODIY GAZETA    СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Муассис:** "ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" Нашриёт уйи МЧЖ  
**Бош муҳаррир:** Дилшод Жалолов  
**Таҳририят манзили:** 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 18-уй.

**Телефон:** 71-208-12-00.  
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz  
 Газета "AZMIR NASHR PRINT" МЧЖда терилди, саҳифаланди ва чоп этилди.  
**Корхона манзили:** 100200, Тошкент шаҳри, А. Раҳмат кўчаси, 10.

**Махсус байрам сонини тайёрлашда яқиндан ёрдам бергани учун таҳририят куйидаги ташкилотларга миннатдорлик билдиради:**

- Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва унинг тизимидаги ташкилотларга;
- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига;
- Андижон вилояти ҳокимлигига;
- Бухоро вилояти ҳокимлигига;
- Жиззах вилояти ҳокимлигига;
- Қашқадарё вилояти ҳокимлигига;
- Наманган вилояти ҳокимлигига;
- Самарқанд вилояти ҳокимлигига;
- Сирдарё вилояти ҳокимлигига;
- Сурхондарё вилояти ҳокимлигига;
- Фарғона вилояти ҳокимлигига;
- Хоразм вилояти ҳокимлигига;
- Тошкент вилояти ҳокимлигига.

**Ушбу махсус байрам сонини тайёрлашда иштирок этган таҳририят ходимлари:**

Дилшод Жалолов, Эшмуҳаммад Халилов, Райҳона Хўжаева, Абдисами Ҳақбердиев, Адҳам Эгамбердиев, Нарғиза Мирёқубова, Муродбек Ҳайдаров, Лайло Жамилова, Ҳамза Шуқуров, Зиё Сирож, Ҳилола Исмаилова, Муҳиддин Мағзумов, Азиз Машрабов, Болтабой Матқурбонов, Бунёд Гулямов, Шоҳсанам Юлчиева, Марҳамат Муслмонкулова, Акмал Маҳкамов.  
 Махсус байрам сонини тайёрлашда Мақсад Хабибуллаев, Тоҳир Истатов, Жонибек Норқобилов, Сирож Аслонов, Жонибек Қўзимуродов, Беҳзодбек Саидовларнинг фотоларидан фойдаланилди.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.  
 Нашр индекси – 466. Буюртма – 204. 2000 нусхада босилди.  
 Қоғоз бичими А-3. Ҳажми – 26 табоқ, офсет усулида босилган.  
 Баҳоси келишилган нарҳда. ISSN 2181-8762.



**Ўзбекистон бунёдкорлари,  
касб байрамингиз муборак бўлсин!**

*Ҳар бир кун сизга, қилинган ишлардан  
қувонч ва барпо этилган бинолар орқали  
фахр олиб келсин.*

